


63.3  
93



**ТЕМУР ВА  
ТЕМУРИЙЛАР  
САЛТАНАТИ**

63.3(28)


М-93

АБДУЛАҲАД МУҲАММАДЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси,  
тарих фанлари доктори

# ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИ

(Тарихий очерк)



КОМУСЛАР БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ

Кенг китобхонлар оммасига ҳавола этилаётган ушбу рисолада Мовароуннаҳр ва Ҳуросон ерларида ташкил топган Темур ва Темурийлар салтанатининг барпо этилиши жараёнлари, бу давлатнинг ички ҳаёти, ташки муносабатлари, соҳибқирон ва ворисларининг мамлакат ободончилиги йўлида олиб борган амалий фаолиятлари ҳақида хикоя қилинади. Рисолада бу даврнинг илм-фан ва маданий ҳаёти, ҳунармандчилик, меъморчилик, савдо ва пул муносабатлари масалаларига алоҳида эътибор берилган. Мавзу ҳозирги кун нуктаи назардан эркин ва ҳолис ёритилган.

Масъул мухаррирлар: Муроджон АМИНОВ  
Абдуқаюм АБДУРАХИМОВ

4101000000

375 — 94

© Комуслар Бош таҳририяти, 1994

## СҮЗ БОШИ

14-асрнинг 2-ярми ва 15-аср Ватанимиз тарихида воқеаларга ниҳоятда бой тарихий сабоқ даври ҳисобланади. Чунки бу даврда мұғуллар хукмронлиги ва феодал таркоқлик тугатилиб, босқинчиларнинг вайронагарчиликлари ва бир ярим асрлик зулмлари оқибатида иқтисодий, маданий-маърифий турғунлик холатига тушиб қолган мамлакатимиз ўз мустакиллигини қайта тиклашга киришди. Бу диёрда Амир Темур бошчилигиде ягона туғ остида марказлашган, кучли ва мустакил феодал давлат ташкил топди. Марказий Осиё халқлари ҳаётида юз берган бу тарихий воқеада, шубҳасиз, Амир Темурнинг хизмати гоят буюкдир. Ўз давлатининг куч-кудратини ошириб, уни мустаҳкамлаш учун авваламбор у ҳарбий ва иқтисодий ислоҳот ўтқазди. Яхши куролланган мунтазам қўшин тузди. Давлат бошқарув тизимларини ҳарбий стратегия (савқулжайш) ва тактикаси (таъбиятулжайш)ни ишлаб чиқди ва қаттиқ синовлардан ўтқазди.

Амир Темур бу даврда Мовароуннаҳр ва Хоразмга муттасил тазиик кўрсатиб турган Олтин Ўрда хони Тўхтамишга карши бир неча бор қўшин тортди. Уралда Қундузча, Кавказда Тарак дарёлари бўйида бўлиб ўтган иккшиддатли жангда Темур душман устидан ға-

лаба қозониб, Олтин Ўрдага ўзини ўнглаб олол-майдиган дар ажада қақшатқыч зарба берди. Унинг бу ғалабаси туфайли Олтин Ўрда таз-йиқида яшаётган Россия қаддини ростлаш им-кониятига эга бўлди ва унинг истиқболи учун катта йўл очилди.

Бу буюк жаҳонгир тарих тақозоси ва ўрта асрларнинг удум ва таомилига асосан ўз давлати чегараларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. У Ҳиндистон, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига бир неча бор ҳарбий юришлар уюштириди. Анқара шахри яқинида Туркия Султони Боязид I Йилдирим қўшинлари устидан ғалаба қозониб, бутун Европани ҳайратга солди. Бу ғалаба туфайли Туркия тазиикидан халос бўлиб олган Европа қироллари Темур ва унинг ворислари билан бевосита алоқалар ўрнатишга шошилдилар.

Буюк саркарданинг Хоразм ва Олтин Ўрдага қарши курашиб уларни енгиши, Эрон, Озарбайжон, Ирок, Ҳиндистон, Сурия ва Туркияга қилган юришлари Темур давлати кудратини ошириди. Амир Темур 27 мамлакатни ўзига бўйсундириб, ўз давлатини жаҳоннинг буюк империялари қаторига кўтарди. Унинг ҳукмронлиги даврида Мовароуннахр дунё тараққиёти билан бевосита боғланиб, жаҳоннинг илфор мамлакатларидан бирига айланди. Буюк ипак йўлининг катта қисми Темур давлати назоратига ўтди.

Ўрта асрларнинг бу улкан давлатини идора этишда Амир Темур феодал бошқарув тизими-нинг асосий қонун-коидалари — «Тузуклар»ни яратди. Ислом дини мафкураси ва аҳкомларига суюниб, у ўз «Тузуклари» асосида эл-юртни бошқарди ва мамлакатни обод этди.

14- аср охири — 15-аср бошида Мовароуннарда ўрнатилган нисбий осойишталик шубҳасиз мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожида ижобий омил бўлди. Хўжаликнинг асоси бўлган дехкончилик, хунармандчилик, ички ва ташки савдо кенгайди, фан ва маданиятнинг равнақи учун маълум шарт-шароитлар вужудга келди.

Бу даврда Мовароуннарнинг Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз), Тошкент, Шохрухия (Банокат), Термиз ва бошқа кўпгина шахарлари гавжумлашиб, ўзининг топографик қиёфаси, аҳолисининг касб-ҳунари, ички ва ташки алоқалари билан ўрта асрлар шарқининг намунали ҳунармандчилик ва савдо марказига айланди.

Меъморчилик кенг ривож топди. Айниқса Самарқанд деярли қайта курилиб, Темур давлатининг пойтахтига айлантирилди. Шаҳарда маҳобатли бинолар, саройлар, масжиду-мадрасалар, хоноқою-мақбаралар, ҳамомлару-карвонсаройлар қад кўтарди. Шаҳар атрофи йирик суғориши тармоқлари ва турли хил сув иншотлари воситасида суғорилиб, ўнлаб боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этилди. 15- асрда яшаган машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ тилга олган Бўстон ул-Элам, Зийнат уд-Дунё, Жаннат ул-Фирдавс, Бўстон уш-Шимол ва бошқалар шу боғ-роғлар жумласидандир.

Бу даврда Мовароуннарнинг пойтахти Самарқандда ҳамда Кеш, Бухорода, шунингдек Ҳуросоннинг маркази Ҳиротда хунарманд, меъмор-бинокор ва накқошлиар билан бир қаторда олиму-фозиллар ва шоибу-бастакорлар тўпланиб, илм-фан ва санъатнинг равнақига ул-

кан ҳисса қўшдилар. Бу шаҳарларда бир қанча мадрасалар қурилди. Уларда илохиёт илмлари билан бирга риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, илми ҳаъат, илми аruz, тарих, фалсафа каби дунёвий билимлар ҳам ўқитилди. Самаркандда Улуғбек томонидан расадхона курдирилиб, у ўз даврининг «Дор ул-ilm» — академиясига айланди. Унда математика ва астрономия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсуддин Жамшид, Мирам Чалабий ва Али Қушчи каби олимлар ижод этдилар.

Хуллас, китобхонларнинг кенг оммасига ҳавола этилаётган ушбу рисола Мовароуннахр ва Ҳурросон ерларида ташкил топган Темур ва Темурийлар салтанатининг барпо этилиши тарихининг айrim лавҳаларига бағишлилади. Унда муштариylар Ўрта асрнинг буюк давлат арбоби ва саркардаси томонидан барпо этилган Темур ва Темурийлар давлати, унинг ички ҳаёти, ташқи муносабатлари, соҳибқирон ва ворисларининг мамлакат ободончилиги йўлида олиб борган амалий фаолиятлари ҳикоя қилинади. Рисолада илм-фан ва маданий ҳаётга алоҳида эътибор берилган. Чунки 14—15- асрлар Ватанимиз тарихида улкан уйғониш даври бўлиб, маданий меросимизнинг жуда бой ва нодир дурдоналари яратилди. Уларни чукурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва сабоқлар олиб ҳаётга татбиқ этиш, шубҳасиз, мустақиллик мафкураси шаклланётган ҳозирги кунда ҳар бир ватанпарвар учун фойдадан холи бўлмас деган умиддамиз.

## МОВАРОУННАҲРДАГИ СИЁСИЙ ПАРОҚАНДАЛИК ВА САРБАДОРЛАР ҲАРАКАТИ

14- асрнинг 50—60- йилларида Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлиги гоятда кучайиб, синфий кураш янада кескинлашади. Ўлкадаги ҳар бир вилоят алоҳида ҳукмдорликка ажралиб, улар ўртасида низо кучайиб кетади ва қонли урушларга айланади. Бу даврда ўлкада ягона ўюшган давлатнинг йўклиги, унинг сиёсий жиҳатдан майдаланиб кетганини ўрта аср муаррихларидан Фиёсуддин Хондамир «Ҳабиб уссиёр» асарида қуйидагича тасвирлайди: «Амирзода Абдулло бинни амир Қозагон (ҳукмронлик йиллари 1346—1358) вафотидан сўнг Туркистон аҳволидан харажу-мараж (бошибошдоклик) йул топиб, ҳар шаҳарда мустакил шоҳликка интилишлар майдонга келади. Ҳар қасабада бир уятсиз давлат иқбол ҳавоси билан қўзғолишга оёқ босди. Амир Баён Сулдуз Самарқандда ичкилик, айшу-ишратга берилди. Амир Ҳожи Барлос... Кеш шаҳрида ҳукумат байробини кутарди. Амир Боязид Жалоир Ҳужандда давлат маснади (тахти)га ўлтирди. Ўлжайту Сулдуз Балҳда мамлакат ҳукмронлигининг висолига кўнгул боғлади. Муҳаммадхўжа Яздий Шибурғонда ўзини ҳокими мутлақ ҳаёл қилди. Бадаҳшон шоҳи Қўҳистонда

истиклол камарини белига боғлаб, бошқаларга итоат қилишдан бош тортди. Амир Ҳусайн бинни амир Милал бинни амир Қозағон ва амир Ҳизирий Ясурый Хисори Шодмон чегарасида аскар тұплаб, ҳар лаҳзада вилоятларга чопқун ясад ҳароб қиласынан шығарып көрді.

Низомуддин Шомийнинг сүзиге қарағанда, үлкада ҳокимлар үртасида доимо низолар ва ғалаёнлар бўлиб туар, давлат ишлари эса бутунлай издан чиқкан эди. Сиёсий парокандалик, ўзаро уруш ва жанжаллар иқтисодий танглилка сабаб бўлиб, улус аҳолисини, айниқса дехқончилик хўжалигини хонавайрон килган эди.

14- аср ўрталарида Чигатой улуси парчаланиб, улуснинг шарқий қисми — Шарқий Туркистон ва Еттисувда турк ва мўғул қабилаларини ўз ичига олган Мўғулистон феодал давлати ташкил топади. 1348 йили Чигатой наслидан бўлган Туғлук Темур Мўғулистон хони қилиб кўтарилади. Мўғулистон амирлари улуснинг ғарбий қисми — Мовароуннахрни ҳам босиб олишга ҳаракат қиладилар. Бир неча бор Мовароуннахр устига юриш қилиб, уни талаб қайтадилар. Мўғулистон амирларининг вайронагарчилик юришларига қарши кураш бошланиб кетади. Мўғуллар истибоди ва зулмга қарши ҳалқ ҳаракати бошланади.

Мана шундай ички ўзаро урушлар қизиган, мўғуллар зулмига қарши ҳалқ ҳаракатлари бошланган бир даврда қисқа вақт ичиде жаҳон империясини вужудга келтирган соҳиб-қирон Темур сиёсат майдонига дастлабки қадамларни қўймокда эди.

Темур 1336 йилда Кеш (Шахрисабз) шаҳри яқинида жойлашган Хўжаилғор қишлоғи-

да дунёга келади. Унинг отаси амир Тўрғай\* ва амакиси Ҳожи Барлос барлослар қабиласининг бийлари ва йирик мулқор амирларидан эди. Темур ёшлик чоғлариданоқ ҳарбий ишга ниҳоятда кизиқарди. У тезда моҳир суворий ва қўрқмас жангчи сифатида бутун Қашқадарё воҳасига танилади. Унинг атрофида барлос қабиласидан чикқан жангчи ёшлар тўплана бошлиди. Темур қўл остидаги навкарлари билан айрим амирларга хизмат қилади, жангларда чиникади.

1360 ва 1361 йилларда Чиғатой хонадонидан бўлган Мўғулистон хони Туғлук Темур Мовароуннахрдаги оғир сиёсий вазиятдан фойдаланиб, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади. У ҳеч қандай қаршиликсиз Қашқадарё воҳасига бостириб киради. Ўша вактларда Қашқадарё вилоятининг ҳокими Ҳожи Барлос, душманга қарши курашиб ўрнига, Ҳуросонга қочади ва ўша ерда ўлдирилади.

Темур амакисининг вилоятини қўлдан бермаслик мақсадида Туғлук Темур ишончини қозониб, унинг хизматига ўтади ва Кеш вилояти-

---

\*Тарих китоблари ва дарсликларда Амир Темурнинг отаси Тарагай номи билан тилга олинади. Аммо бу исм ҳеч қандай маънони англатмайди. Фикримизча, унинг исми Тўрғай Баҳодир бўлган. Қадимги туркий удумга кўра, тўнғичига ўғил кўрган ота хушхабарни эшитгач, ташкарига шошилган. Атрофда илк бор кўзга ташланган нарса — хоҳ у жонзод, хоҳ буюм бўлсан фарзандининг исмини ўша нарса номи билан атаган. Амир Темур отасининг исми ҳам тўрғай (куш) номидан бўлса керак. Сохибқирон Темурнинг набираси Улугбекнинг асли исми-шарифи ҳам Муҳаммад Тўрғай бўлган. Шундай фикр Ҳермон Вамбери асарида ҳам қайд этилган.

га ҳоким бўлиб тайинланишга муваффак бўла-  
ди. Мўғулистон хони Туғлук Темур ўғли Илёс-  
хўжани Мовароуннаҳрнинг ҳокими қилиб юбо-  
ради. Аммо Темур унга хизмат қилишни иста-  
майди ва Балх ҳокими амир Ҳусайн ибн Мусал-  
лам ибн Қозоғон билан иттифоқ тузади. Темур  
Ҳусайннинг жиян синглиси Ўлжаой Туркон  
Оғога уйлангач, уларнинг иттифоқи қариндош-  
лик алоқалари туфайли янада мустаҳкамланади.  
Темур аввал ўзбошимча амирларга қар-  
ши ички, сўнгра эса мўғулларга қарши таш-  
ки кураш олиб боради. Сейистондаги жанглар-  
да қули ва оёғидан ярадор бўлиб, бир умрга  
оқсоқ бўлиб қолади.

1363 йилли Туғлук Темур вафот этиб, Мў-  
ғулистонда хонлик таҳтини Амир Қамаруддин  
эгаллайди. Ўша йили Амударёning чап соҳи-  
лидаги Кундуз шаҳри ёнида мўғуллар билан  
бўлган биринчи жангда Темур ғалаба қозона-  
ди. Шундан сўнг мўғулларни тўхтовсиз таъ-  
киб этиш бошланади. Мўғуллар ҳам Мовароун-  
наҳрни осонгина бериб қўйишни истамас эди-  
лар. Туғлук Темур вафотидан кейин Мовароун-  
наҳрдан ҳайдалган Илёсхўжа 1365 йилда катта  
қўшин билан Сирдарё томон йўлга чиқади.  
Ҳусайн билан Темур ҳам зудлик билан жанг-  
га тайёрланадилар. Улар ўртасидаги жанг ўша  
йили май ойининг йигирма иккинчисида Чиноз  
билан Тошкент ўртасида бўлади. Жанг пайти-  
да қаттиқ жала ёғиб, ҳаммаёқ лой бўлганлиги-  
дан тарихда у «Жангги лой» номи билан маш-  
хур бўлиб қолган. Жангда Темур билан Ҳусайн  
келишиб ҳаракат қилмаганликлари оқибати-  
да уларнинг бирлашган қўшини мағлубиятга  
учрайди. Чунки жангда Темур қўшини душ-  
маннинг ўнг қанотини чекинишга мажбур ки-

либ, зафар топаётган бир пайтда Ҳусайн ўз аскарлари билан чап қанотдан енгилиб жанг майдонини тарк этади. Яккаланиб қолган Темур эса чекинишга мажбур булади. «Лой жанги»даги мағлубият душманга Мовароуннахрға, хусусан унинг марказий шахри Самарқандга томон йўл очиб беради. Мўғуллар Мовароуннахрнинг марказий вилоятларида одатий талон-тарожни яна давом эттирадилар. Бундай оғир бир сиёсий вазиятда ҳокимиятсиз қолган мамлакат аҳолиси, гарчи ўз ҳолига ташлаб кўйилган бўлса ҳам, она юрт мудофаасини ўз қўлларига олишга ва мўғуллар ҳужумини қайтаришга киришади. Ўз ғалабалари билан сармасст Илёсхўжа бошлиқ мўғуллар жабрдийда халқнинг қақшатғич зарбасига учрайди. Мовароуннахрда қарийб бир ярим аср давом этган мўғуллар ҳукмронлигига ва маҳаллий феодалларга қарши кўтарилган бу халқ ҳаракати тарихда «сарбадорлар» ҳаракати номи билан шуҳрат топади.

Сарбадорлар ҳаракати даставвал, 1337 йил эрта баҳорида Хурсон (ҳозирги Афғонистоннинг шимоли-гарби, Марв воҳаси ва Эроннинг шимоли-шарқий қисми)да бошланади. Сарбадорлар, мақсадга эришиш учун, озодлик йўлида дорга осилишга ҳам тайёрмиз, деган шиор остида мўгул босқинчилари ва маҳаллий мулкдорлар зулмига қарши кураш олиб борадилар. Хурсоннинг ғарбий қисмida улар мўғуллар ҳукмронлигини тор-мор қилиб, мустақил Сарбадорлар давлати барпо этадилар. Бу давлатнинг маркази Сабзавор шаҳрида бўлиб, у 1337 йилдан 1381 йилгача, қарийб 45 йил ҳукм суради. Сарбадорлар асосан дехқонлар, хунармандлар, шайхлар ва қуллардан иборат бўлиб,

улар ичида икки оқим — мўътадил ўнг қанот ва мулкий ҳамда ижтимоий тенглик тарафдорлари бўлмиш сўл оқим мавжуд эди. Уларнинг ҳукумати демократик тартибга асосан қурилган бўлиб, унда табакалар деярли бир-биридан фарқ килмаган. Масалан, қуллар тўла озод этилмаган бўлса ҳам, улар бошқалар билан бир каторда саналганлар.

Сарбадорлар ҳаракати 14- асрнинг 60-йилларида Мовароуннахрда мўғул хонларининг ҳужуми туфайли кучайиб кетади. Самарқанд бундай ҳаракатнинг марказига айланади. Қўзғолонга мадраса талабаси Мавлонзода, пахта титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Кулуйи (Наддоф) ва мерган Хурдаки Бухорийлар бошчилик киладилар. Сарбадорлар мўгулларга Самарқанд шаҳрида қақшатқич зарба берадилар. Илёсхўжа дастлаб Самарқандни, сўнгра эса бутун Мовароуннахрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Шундан сўнг Сарбадорлар ички душман — катта ер ва мулк эгаларига қарши қуаш олиб борадилар. Уларнинг кўшк ва уй-жойлари вайрон этилиб, молмулклари талон-торож килинади. Шу тариқа Самарқандда Сарбадорлар ҳокимияти ўрнатилади. Улар бутун киш давомида Самарқандни ўzlари идора қилиб турадилар. Сарбадорлар бошлиқ самарқандликларнинг мӯғуллар хони Илёсхўжа устидан галабаси тұғрисидаги хабар Ҳусайн билан Темурга ҳам бориб етади. Темур қишини Қаршида, Ҳусайн эса Амударё бўйида ўtkазиб, 1366 йил баҳорида улар Сарбадорлар қўзғолонини бостириш учун Самарқандга йўл оладилар. Улар Самарқанд яқинидаги Конигил мавзеида тўхтайдилар. Ҳар иккала амир Сарбадорларнинг душман устидан

Козонган галабаларидан мамнун бўлганликларини ва улар билан учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Сарбадорлар амирларни «яхши» ниятда эканликларига ишонадилар. Уларга иззат-хурмат кўрсатадилар. Бирок эртаси куни Сарбадорларнинг бошликлари Ҳусайн билан Темур қароргоҳига боргандарида, улар катл этилади. Фақат Мавлонзода Темурнинг илтимоси билан ўлимдан кутқариб қолинади. Шу тариқа сарбадорлар бошлиқсиз қолдирилиб, ҳаракат бостирилди. Мовароуннаҳрда Амир Ҳусайннинг ҳукмронлиги тикланади. Аммо кўп ўтмай Ҳусайн билан Темур ўртасидаги муносабат ёмонлашиб, очикдан-очик низога айланади. Темурнинг нуфузи ортиб бораётганлигидан ҳавотирланган Ҳусайн Балҳ шаҳрига қайтиб, ҳазинани ҳам бирга олиб кетади ва шаҳарни мустаҳкамлашга киришади. Темур эса Кеш ва Карши вилоятларининг ҳукмдори бўлиб қолади ва ўзининг собиқ иттифокдоши ҳамда қайноғаси Амир Ҳусайнга қарши пинҳона ҳаракат қила бошлайди.

## ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ

14- асрнинг 60- йилларида Мовароуннаҳрда сиёсий ва иқтисодий вазият ниҳоятда оғирлашиб кетади. Феодал тарқоқликнинг кучайиши, ички феодал урушларнинг узлуксиз давом этиши ва ташки душман хужумларининг авж олишидан дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ишлари таназзулга учраб, аҳоли оғир тангликни бошидан кечирмокда эди. Бундан савдогарлар, ҳунармандлар ва дехқон-

лар гоятда норози эдилар. Аҳолининг бундай табақалари орасида мавжуд оғир аҳволдан кутулиш, мамлакатни бирлаштириш ва кучли бир давлат ташкил этиш харакати кучаяди.

Хусайндан кўра Темур ўз замонининг бундай талабини яхшироқ тушунарди. Шунинг учун ҳам у ўз фаолиятининг дастлабки босқичида барча харакатни Мовароуннаҳрда марказлашган мустакил давлат тузишга қаратади. Бундай мақсадни амалга оширишда у руҳонийлар билан бир қаторда шаҳарнинг саводгар ва хунарманд табақаларига суюнади. Бу борадаги амалий ишни Балх шаҳрига жойлашиб олган рақиби Хусайнга қарши юришдан бошлайди. 1370 йил март ойида Темур яхши куролланган қушини билан Кешдан чиқиб Балхни камал қиласи ва катта талофатлар бериб, шаҳарни эгаллади. Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори амир Хусайн ўлдирилади. Бу воқеалардан сўнг мамлакатда Темурнинг сиёсий мавқеи кучайиб кетади. Чунки энди Мовароуннаҳрда унинг учун кучли рақиб қолмаган эди. Ўша йили Балҳда қўшин бошликларининг йигилган қурутойида Темурнинг ҳукмронлиги расман қарор топади. Манбаларда таърифланишича, қурутойда аввалги Чифатой хонлигининг эътиборли амирлари, Темурнинг ёшлидаги қуролдошлари ва унинг собик душманлари ҳозир бўлган эдилар. Улар орасида Амир Шайхмуҳаммад Баён Сулдуз, амир Ўлжойту, амир Қайхисров Хутталоний, амир Дувуд Дуғлот, амир Сорбуға Жалойир, амир Жоқу Барлос, амир Зинда Ҳашм ва бошқа мұтабар маъмурлар бор эди. Темур қадимги одатга биноан оқ кигиз устига ўтқазилиб, юкори кўтарилади. Темурнинг пири Саидбарака дуойи

фотиха қилгач, у Мовароуннахрнинг амири деб эълон қилинади. Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб олгач, Темур ўз давлатини сиёсий ва иктисадий жиҳатдан мустаҳкамлашга киришади. Авваламбор бу даврда Темурга мустаҳкам пойтахт — бебош маҳаллий ҳукмдорларнинг хужумларига қарши тураладиган бир қароргоҳ зарур эди. Шу мақсадда у 1370 йилда Самарқандга келади.<sup>1</sup> Бу ерда у шаҳар деворлари, қалъалар ва саройлар бино килишга киришади. Бу иморатлар Афросиёб мўгуллар томонидан вайрон этилгандан кейин 150 йил ўтгач, биринчи марта бунёд қилинган иншоотлар эди. Сўнгра у холдан тойған мамлакатда қонун ва тартиб ишларини жорий этади. Тўғри, деярли бир асрлик бошбошдоқлик ҳукм сурган мамлакатда қонунлар жорий этиб, тартиб ўрнатиш осон эмасди. Уни оз-оздан амалга ошириш мумкин эди. Темур дастлаб ўзига мустаҳкам таянч барпо этиш мақсадида барлос қабиласидан махсус гвардия ташкил килади. Чунки бундай ишончли гвардия айниқса, унинг сиёсий курашлари учун зарур эди. У ўз гвардиясига ва барлос қабиласига катта имтиёзлар беради. Айни вактда Темур ўз давлати чегараларини мумкин қадар кенгайтиришга киришади. Аввал у Амударё ва Сирдарё орагидаги ерларни, шунингдек Фарғона ва Шош вилоятларини ўз тасарруфига олади.


Аммо Мўғалистон томонидан бўладиган хавф ҳали тамоман йўқолмаган эди. Темур давлати учун айниқса, Жўжи улусида қад кўтарган Олтин Ўрда ниҳоятда хавфли эди. Темур салтанати билан Олтин Ўрда хонлиги орагидаги бу даврга келиб мустақил бўлиб олган Хоразм ерларида Кўнғирот сўфиларининг дав-

лати карор топди. Қадимдан иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан Мовароуннахр билан муштарақ бўлган Хоразм Мўғуллар даврида икки кисмга бўлиниб, маркази Урганч шаҳри бўлган Шимолий Хоразм Олтин Ўрдага, маркази Қат қалъаси бўлган Жанубий Хоразм Чифатой улусига қараган. 14- асрнинг 60- йиллари охирида Олтин Ўрдада юз берган ғалаёнлар вақтида Кўнғирот сўфилари Шимолий Хоразмда янги сулоланинг мустақил ҳукмронлигини тиклаб оладилар. Сўнгра Қат ва Хива шаҳарларини босиб олиб, Шимолий Хоразм билан Жанубий Хоразм ерларини бирлаштирадилар. Айни пайтда Хоразм иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Олтин Ўрдага боғлик эди. Темур эса бутун Хоразмни Чифатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблар эди. Шунинг учун у Хоразмни босиб олиш сиёсатини тутди. 1372 йилда Темур Хоразмга биринчи бор ҳужум қилди. Хоразмликлар мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, Темурга бўйсунмадилар. Шу боисдан Темур Хоразмга беш марта юриш қилиб, ниҳоят, 1388 йилда уни бутунлай қўлга киритишга муваффак бўлади. Темурнинг охирги юришида Урганч шаҳри вайрон этилди, шаҳар аҳолиси эса Самарқандга кўчирилади.

Шундай қилиб, Темур Мовароуннахр ва Хоразмда феодал тарқоқлик ва ўзаро низоларга чек қўйиб, Сирдарё бўйларидан Орол дengизигача бўлган ерларда яшовчи халқларни ягона давлат тасарруфида бирлаштирди. Бу шубҳасиз, Мовароуннахр халқлари тақдирида ижобий аҳамият касб этди. Аммо Темур бу билан қаноатланмади. У тез орада қўшни давлатлар ва халқлар устига ҳужум қилиб, жаҳонга ҳукмрон бўлишни ўз олдига мақсад

килиб құяди. 1382 йилда Темур даставал Закавказьени забт этди. Темурнинг Ўрта Осиё чегарасидан шимолга томон ҳарбий юриши асосан, Жұжи улусида қад күтарған Олтин Ўрда давлатига қаратилди. Кора денгиздан Олтой тоғларигача чүзилған ва Даشتі Қипчок деб номланған ерлар Жұжи улуси тасарруфида бұлған. Бу улуснинг Уралдан Кора денгизгача бұлған марказий ва энг катта қисми Олтин Ўрда номи билан аталиб, бу феодал давлатни 13- асрнинг 40- йиллари бошида Ботухон ташқыл қилған эди. Уралдан шарқдаги ерлар Оқ Ўрда деб юритилар эди. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бу икки үрданинг ҳаёти бир-бири билан узвий боғлик бұлған. Ўрта денгиз ҳавзасидан бошланиб, шу үрдаларнинг ерлари орқали үтган мамлакатларо савдо йули үрта асрларда энг асосий карвон йули хисобланған. Олтин Ўрданинг пойтахти дастлаб Сарой Боту (Астрахон шаҳридан шимолрокда), 14- асрдан Сарой Берка (хозирги Волгоград шаҳри яқинида) бўлиб, ҳар иккиси ҳам Итил (Волга) дарёси бўйида жойлашған эди. Шарқ ва Фарбдан келадиган савдо карвонларининг деярли ҳаммаси шу шаҳарлар орқали утарди.

Олтин Ўрдага қарши зарба беришда Темур унинг ички зиддиятларидан усталик билан фойдаланади. Темур Олтин Ўрдани үз давлатига құшиб олмокчи эмасди, фақат у шимолигарбда үз давлати учун жуда хавфли куч булған хонликни заифлаштириш ва унинг шарқий қисмини үз таъсири остидаги хонлар тасарруfiga топшириш ҳамда Сарой Берка орқали үтадиган карвон йулини ҳам Мовароуннахр орқали үтиши учун курашади. Темур Олтин Ўрданинг фақат Сирдарё күйи оқимида-



ги иктисадий, сиёсий, ва маданий жиҳатдан Хоразм ва Мовароуннаҳрга бевосита боғлиқ бўлган ерларинигина қўшиб олмокчи эди. Бу даврда Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдада икки мустақил ҳокимият қарор топиб, улар ўртасида кучли низолар давом этарди. Темур Ўрусхоннинг тазиикидан қочиб, ўз ҳузурига ҳомийлик истаб келган Оқ Ўрда хонзодаларидан Тўхтамишга бир неча бор ҳарбий ёрдам беради. 1379 йилда Тўхтамиш Темурнинг ҳомийлигига бўлади. Аммо Тўхтамиш Оқ Ўрдани, кейинроқ Олтин Ўрдани қўлга киритгандан сўнг, Темур кутгандек унинг таъсири ва паноҳи остида қолмади. У ўз ҳомийсига лозим бўлган шукронани тез унудди. Тўхтамиш оёққа туриб олгач, мустақил сиёсат юргизиб, кези келганда ҳатто Темурга қарши иш кўра бошлади. 1380 йилда Куликова майдонида Олтин Ўрда хони Мамай устидан қозонилган ғалаба Тўхтамишга Олтин Ўрда таҳтини эгаллаб, Жўжи улусининг ҳар иккала қисмини янгидан бирлаштиришга имкон берди. У Олтин Ўрдани бирлаштириш ва унинг қудратини оширишга киришди. Ўз зафарларидан сармаст бўлган Тўхтамиш Олтин Ўрдани тиклаш билан унинг чегараларини кенгайтириш мақсадида Русия ерларига, Закавказье ва Озарбайжонга бир неча бор юришлар қилди. 1385 йилда у Табризни босиб олиш учун у ерга катта қўшин юборди. Ҳатто 1387—1388 йилларда Тўхтамиш Темурнинг навбатдаги ҳарбий юриши вактида фурсатдан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга ҳужум қилди.

Олтин Ўрданинг қайта бирлаштирилиши ва унинг кучайиб бориши, бунинг устига Тўхта-

Мишнинг жаҳонгирилик сиёсати Мовароуннахрда қарор топган Темур давлати учун ниҳоятда хавфли бўлиб, Темурнинг фаолиятига ҳалақит берибгина қолмай, балки унинг учун доимий таҳдид ҳам эди. Бу хавфни бартараф қилиш учун Темур Тўхтамишга қарши 1389, 1391 ва 1394—1395 йилларда уч марта катта юриш қиласи. Айниқса, сўнгги икки юриш унинг учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Темур 1391 йилда 200 минг қўшин билан Самарқанддан чиқиб, қишин Тошкентда утказади. Баҳорда Кипчок дашти орқали ўтиб Уралга етиб боради. Темур ўзининг бу юриши ҳақида 1391 йил апрелида, «Турон султони Темур Булғор хокими Тўхтамишга қарши 200 минглик аскар билан бу ерлардан ўтди», деған сатрларни Улугтоғ этагидаги қоятошлардан бирига ўйдириб ёзиради. Темур ва Тўхтамиш қўшинлари ҳозирги Самара билан Чистопол шаҳарлари оралиғида жойлашган Қундузча (Контурча) дарёси водийсида бир-бирига рўбарў келади. 1391 йилнинг 18 июнида бу ерда уч кун кирғинбарон жанг бўлиб, у Тўхтамиш қўшинининг батамом мағлубияти билан тугайди. Гарчи Темур жангда Тўхтамиш устидан ғалаба қозониб, жуда катта ўлжани қўлга киритган бўлсада, аммо Олтин Ўрданинг ҳарбий ва иқтисодий қудрати ҳали кучли бўлиб, у тамомила шикаст топмаган эди. Шунинг учун улар ўртасида рақиблик давом этди.

Темур ва Тўхтамиш қўшинлари ўртасида сўнгги шиддатли жанг 1395 йилда Шимолий Кавказда Тарак дарёси водийсида содир бўлади. Бу дафъа жангда ҳам Темур ўз душманига қақшатгич зарба беради. Катта талофат бериб мағлубиятга учраган Олтин Ўрда хони Руз

князликлари ерлари томон чекиниб, унинг қалин ўрмонзорларида ўзига паноҳ излади. Темур Тұхтамишни рус ерларида таъқиб этиб Москвагача боради. Қайтишда Рязань князлиги ерлари орқали ўтиб, қуи Волга бўйи ва унинг марказий шаҳарлари Сарой Берка, Сарой Боту ва Хожитархон (Астрахон) шаҳарларини эгаллайди Темур Олтин Ўрда тасарруфидаги барча маданий вилоятларнинг хўжалик ва савдо-сотик ишларига катта путур етказди. Бу вилоятлар ва улардаги йирик шаҳарлар анча вактларгача иқтисодий жихатдан қаддиларини ростлай ололмайдилар. Натижада Хитойни Яқин Шарқ мамлекатлари билан боғлаган савдо йўлининг Олтин Ўрда орқали ўтган шимолий тармоғи барҳам топади. Эндиликда бутун савдо қатнови яна Мовароуннаҳр шаҳарлари: Ўтрор, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро орқали Балҳ, Ҳирот ва Султония томон йўналади.

Россия муарриҳлари Б. Л. Греков ва А.Ю. Якубовскийларнинг асосли хуносаларига қаранды, Темурнинг Тұхтамиш устидан ғалаба қозониб Олтин Ўрдага берган қақшатғич зарбаси факатгина Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек Рус князликлари учун ҳам буюк аҳамият касб этган эди. Чунки Олтин Ўрданинг, хусусан унинг сўнгги хонлари Мамай ва Тұхтамишларнинг Рус ерларида олиб борган узлуксиз талон-тарожлик юришлари Москва князлигига таҳлика солиб, унинг атрофидаги рус князликларининг ягона Россия давлатига бирлашишига имкон бермай, уларнинг тинкасини қуриптган эди. Бундай ғовнинг барҳам топиши билан шубҳасиз, Россия давлатининг марказлашуви йулида та-

бий ё равиша шарт-шароит вужудга келди. Эндиликда Темур ўзининг дикқат эътиборини бутунлай Эрон, Ирок, Сурия, Кичик Осиё ярим ороли, Ҳиндистонни босиб олишга қаратади.

Хуросон ва Эроини фатҳ этишни Темур ҳали Тұхтамишни енгмасдан олдин бошлаган эди. Форс ерларини босиб олишда Темур Эронда хукм сурган сиёсий парокаңдаликтан фойдаланди. 14- асрнинг иккинчи ярмида Эронда бирлашган ягона давлат мавжуд эмас эди. Мамлакат бир неча мустақил ҳокимликларга булиниб идора қилинар эди. Озарбайжонда Жалоирлар давлати (1336—1411 йиллар), Сабзаворда Сарбадорлар давлати (1337—1381 йиллар), Хиротда Куртлар давлати (1337—1381 йиллар) хукм сурарди. Бу давлатлар гарчи ўзаро бирлашиб ҳаракат қилған тақдирда ҳам Темурнинг жуда катта қўшинига қарши тура оладиган ҳарбий кучга эга эмас эди. Шу сабабли Темур улар устидан осонлик билан тезда галаба қозонди. 1380 йилда Темур бир неча етук сарҳанглар билан ўғли Мироншоҳ Мирзо ни Хуросонни фатҳ этиш учун юборади. Унинг орқасидан асосий куч билан тезда ўзи ҳам етиб боради. Хуросонда у икки хонадон — шимолда Сарбадорлар, жанубда Куртлар билан жанг килишга мажбур бўлади. Айниқса Куртлар ҳокими Фиёсуддин Пирали Темурга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Мустаҳкам шаҳар девори ва машхур Ихтиёруддин қалъасига эга булган Ҳирот шаҳри 1381 йилда шиддатли жангдан сўнг забт этилади. Темур шаҳар девори ва истеҳкомларини бузиб ташлайди. Ҳиротнинг машхур уламо ва фозиллари Шахрисабзга жүнатилади. Шаҳарга катта ўлпон солинади. Ҳиротнинг қулаши билан деярли бир вақтда Сар-

бадорлар давлати ўз мустақиллигидан ажралди. Ўша даврнинг илму маърифат ва санъат марказларидан ҳисобланган Тус, Нишопур ва Сабзавор шаҳарлари жангсиз таслим бўлади. Чунки ўз шаҳарларини ҳаробага айланишини истамаган хуросонликлар ихтиёрий равишда шаҳар дарвозаларини фотиҳ қўшинига очиб берадилар.

Шундай қилиб, бутун Хуросон Темур тасаруфига ўтади. Темурнинг Эронга юриши бу билан чекланмади. У Эронга 1386 йилдан бошлаб «уч йиллик», 1392 йилдан «беш йиллик» ва ниҳоят 1399 йилдан «етти йиллик» юришлар қилиди.

1383 йилда Темур Сейистон (Сакистон), сўнгра Балужистонни забт этиб, Эроннинг жанубий ва шимоли-ғарбий вилоятлари томон аскар тортади. Эроннинг бу ўлкаларида ўша вактда икки сулола ҳукм сурарди. Жанубий Форсда — Исфаҳонда Музаффарийлар ҳоким эди. Ироқ ва Озарбайжон вилоятлари эса Жалойирийлар ҳукмдорлари қўлида бўлган. 1387 йилда Форс вилоятининг ҳукмдори Шоҳшуjo ўз юртини талон-тарож ва вайронагарчиликдан сақлаб қолиш мақсадида ўз ихтиёри билан Темурга жангсиз таслим бўлади. Қизини Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Пирмуҳаммадга бериб, сулҳни никоҳ билан мустаҳкамлайди. Бироқ Жалойирийлардан Султон Аҳмад (ҳукмронлиги 1382—1410) узининг курд суворийлари ҳамда озарбайжонлик ҳарбийлардан ташкил топган қўшини б-н Темурга қарши туради. Аммо жангда муваффакиятсизликка учраб Бағдодга чекинади. Сўнгра Темур Аракс дарёсидан кечиб ўтиб, бир зарба билан бутун Кавказни ўзига бўйсундиради. Нахичевон, Ширвон ва

Тбилисига ғолибона кириб боради. Гилонни босиб олгач, у ердан Арманистонга ўтиб, машхур Ван қалъасини забт этади.

~ 1392 йилда Темур Астробод ва Мозондарон-ни қўлга киритгач, шиддатли муҳорабадан кейин тоғли Эроннинг асосий шаҳри Омулни, сунгра Луристон ва Хузистонни забт этади. Темур Озарбайжонни батамом бўйсундириш учун катта қўшин билан бир неча бор юриш қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят 1397 йилда Озарбайжон Темурга бутунлай таслим була-ди.

1398 йилнинг май ойида Темур 90 минг аскар билан Амударёдан ўтиб Хиндистонга юриш қиласи. Августда Кобул шаҳрини забт этгач, олти ой мобайнода Мултонни камал қилиб туради. Сунгра Хинд дарёсидан ўтиб, декабрь бошларида у Деҳлига етиб боради. Деҳли ос-тонасида содир бўлган жанг Темурнинг кўп йиллик юришлари тарихида энг шиддатли ва кўп талофатли муҳораба хисобланади. Бу ҳар-бий тўқнашувда Деҳли хукмдори Султон Маҳ-муд душман сафларига қарши ўргатилган жан-говар филларни ишга солади. Темур аскарла-ри зўғотали михлар қоқилган тахталарни бос-тириб келаётган ҳайвон йўлига ташлаш, пис-тирмадан чиқиб филлар ҳартумига қилич со-лувчи сарбозлар отряди, ҳамда устига шох-шабба боғламлари ортилиб, жанг пайтида улар-га ўт қўйиб юборилган тужа ва кўтослар воси-тасида филлар ҳужумини даф этадилар. Фил-ларнинг бир қисми шикаст топиб, қолганлари кўркувдан орқага қайтиб хинд аскарлари са-фини бузиб, уларнинг бир қисмини янчиб юбо-ради. Деҳли ҳокими жангда енгилади. 1398 йилнинг 15 декабрида Темур 15 минг аскар би-

лан Дехлига кириб боради. Ўлжа олинган бойликлар билан малакали бинокор уста ва хунармандлар Самарқандга жўнатилади, қолган кисми амир ва лашкар бошлиқларига бўлиб берилади. Уларнинг ҳар бирига 150 нафардан асир олинган хунармандлар тегади. Темур қушин тортиб Ганг дарёси соҳилларигача боради. Ўша ердан орқага қайтиб, 1399 йилнинг баҳорида Самарқандга етиб келади ва ўзи билан кўпгина Хиндистон филларини ҳам олиб келади.

Пойтахтда Темур қисқа вакт дам олгач, Фарбий Осиёга янги сафар ҳозирлигини кўриб қўшинлари билан йўлга чиқади. Киш мавсумини у Корабоғда ўтказиб, 1400 йилнинг ёзида Сурияга юриш қиласди. Аввал Ҳалаб (Алеппо) ва Байрут шаҳарлари олиниб, 1401 йилнинг бошларида бир ойлик қамалдан сўнг Дамашқ таслим бўлади. Дамашқ забт этилгач, Темур қўшинга бироз дам бериш максадида Қорабоғға қайтади. Чунки муттасил юришлар, шиддатли жанглардан ҳориб, беҳисоб ўлжалардан меъдаси тўйган қўшин ўзининг аввалги жангаворлик шиддатини йўқотган эди. Бунинг устига ёши олтмишдан ошиб қолган Соҳибқироннинг ўзи қаттиқ хасталangan эди. Аммо касаллик Темурнинг қаддини ҳам, иродасини ҳам бука олмади. Шу ахволда у усмонли туркларнинг султони Боязид Йилдиримга қарши уруш эълон қиласди.

Ўз даврининг жанговор суворийлари ҳамда 14- аср 2- ярмида янги тартибда тузилган пиёда аскарлар — «еничери»лардан иборат кўшинга эга бўлган усмонли турклар 1354 йили Галлиполни, 1362 йили Адрианополни забт эттилар. 1365 йили Султон Мурод Худовондиёр

пойтахтни Бурсадан Адрианопол (туркча Эдирне) га күчирди ва бу шаҳар 1453 йилгача пойтахт булиб турди. Султон Боязид (1389—1402 йиллар) даврида усмонли турклар Кичик Осиё ярим оролида кучли ҳарбий-феодал давлатга айланади. Улар бутун Болқон ярим оролини забт этишга киришади. 1396 йил 25 сентябрда Никопол останасида Туркия султони Боязид кариийб 200 минг кишилик армияси билан салбичиларнинг 70 минглик бирлашган қўшинига кақшатгич зарба беради. Жангда Европа рицарларининг барча сараси ҳалок бўлди, қолгандари (10 мингга яқин киши) асир олинди. Сўнгра Султон Боязид Константинополни қамалга олиб, Византия устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бу воқеалардан сўнг бутун Шарқий Европа давлатлари тахликага тушиб қолади. Худди шу пайтда Темурнинг Кичик Осиё ярим оролига усмонли турклар султони Боязидга карши юриши бошланади. Бу даврда содир бўлган бундай мураккаб сиёсий вазиятдан Султон Боязид ҳам, Шарқий Европа давлатлари ҳукмдорлари ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ва ундан иложи борича бешикаст чиқиб олишга ҳаракат қиласилар. Шарқий Европа давлатлари Боязидга карши курашиш учун Темур билан иттифоқ тузишга интилсалар, Туркия султони эса Темурни биргаликда Европага қарши курашга даъват этади.

Боязидга қарши биргаликда курашиш таклифи билан 1401 йилнинг август ойида Константинополнинг мувакқат ҳокими Иоанн VIII Палеолог Қорабоффа — Темур қароргоҳига Доминикан монахлари Фрэнсис билан Александрни элчи қилиб юборади. Юнонистон императори Мануэль III Трапзонлик ва архиепископ

Иоани Султониялик ҳам мана шундай таклиф билан Темурга мурожаат қиласидар. Венеция Темур агарда Боязидга қарши уруш бошлагудек бўлса, кемалар билан ёрдам қилишга ваъда беради. Ўз навбатида Темур билан Боязид ўртасида ҳам ёзишмалар олиб борилади. Боязид ўз мактубида Темурга биргаликда Европага қарши курашиш имконига ишора қиласиди. Бирок, Темур бундай таклифни рад қилиб, усмонли турклар саройида паноҳ топган туркманларнинг исёнкор Оқкуюнлу ва Корақуюнлу қабилаларининг бошликларини унга топширишни талаб қиласиди. Ўзаро музокаралар давомида ҳар икки томон ҳам ҳаёт-мамот йўлида буладиган катта жангга тайёргарлик курадилар.

Темур билан Боязид кўшинлари ўртасида жанг 1402 йилнинг 28 июлида Анкара ёнида бошланади. Шунинг учун бу муҳораба тарихда «Анкара жангги» билан маълум. Муҳорабада ҳар икки томондан ҳаммаси бўлиб 400 минг нафар яхши машқ кўрган, жангларда чиниқсан жангчи ва лашкарбошилар иштирок этади. Бу тарихий жангда Темурнинг буюк саркардалик қобилияти ва маҳорати ҳар томонлама тўла намоён бўлади. 200 минглик Темур кўшинининг ўнг қанотига ўғли Мироншоҳ, чап қанотига набиралари Султон Ҳусайн ва Халил Султонлар билан кенжা ўғли Шоҳруҳ кўмондонлик қиласиди. Самарқанддан етиб келган янги жанговор қисмлардан ташкил топган кўшин марказини Темурнинг севимли набираси ва валиаҳди Муҳаммад Султон бошқарди. Кўшин марказининг манглайида учига ярим ой шаклидаги олтин тўғро урнатилган тўриқ от ёли осилган зангори давлат алами

(байроғи) муттасил тутиб турилган. Марказ ва қанотлар ортида сохибқирон ва унинг икки набираси Пирмуҳаммад ва Искандарлар бошлиқ захирадаги қисмлар жойлаштирилиб, улар жанг ҳолатини муттасил кузатган ҳолда душманга тұсатдан бериладиган ҳал қилувчи зарбага тайёр турған.

Боязид армиясининг ўнг қанотига Султоннинг қайниси серб князи Лазаревич қўмондонлик қиласи. Бу қисм ўт иргитгич (раъдандоз) лар билан қуролланган серб полкларидан ташкил топган эди. Македониялик аскарлардан иборат қўшиннинг сўл қанотини Боязиднинг ўғли Сулаймон Чалабий бошқаради. Бу қанот турк суворийлари билан кучайтирилган эди. Беш минглик пиёда «еничери»лар ҳамда отлиқ сипоҳий қисмлардан иборат марказ эса Боязид ва унинг ўғиллари Мусо, Исо ва Мустафолар томонидан бошқарилади.

Икки катта қўшин ўртасида бошланган жанг авжига чиқиб, ҳал қилувчи паллага етганда Боязид лашкарининг Онатули қисмлари Темур томонига ўтиб кетадилар. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, турклар лашкарининг каттагина қисми душманга жангсиз таслим бўлган, натижада Султон Боязиднинг қўшини батамом тор-мор этилиб, ўзи асир олинади. У билан бирга унинг хотини серб маликаси Оливера, ўғиллари Мусо ва Исо Чалабийлар ҳам асирга тушадилар. Темур бу зафарли ғалаба билан бутун Кичик Осиё ярим оролини забт этиб, Ўрта дengизнинг шарқий соҳилида жойлашган Измир шаҳрига этиб боради. Измир забт этилгач, салбчиларнинг Яқин Шарқдаги охирги қароргоҳи тугатилиб, Эгей дengизида жойлашган Хиос ва Лесбос оролла-

ридаги Генуя мулкларининг ҳукмдорлари таслим бўладилар. Ўз навбатида Миср подшохлари ҳам Темурга ўз итоаткорликларини изхор этадилар. Темур Усмонли туркларнинг пойтахти Анқарани, шунингдек Никея, Бурса ва Измир шаҳарларини ҳамда кўплаб қишлоқларни талон-тарож қилади. Бурса шаҳрида у Византия ва бутун насоро оламининг Боязидга йиғиб берган божларидан иборат катта ўлжани қўлга киритади. Биргина Бурса шаҳридан олинган олтин ва жавоҳирларнинг ўзи каттагина карвонга юк бўлган.

Боязид устидан қозонилган буюк ғалаба билан Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV ва Византия императори Темурга ўз муборакномларини юборадилар. Хуллас, Европага улкан хавф солиб турган империяга берилган зарба учун Темурдан эндиғина уйғонаётган бутун Европа миннатдор эди. Аммо Темур усмонли турклар давлатини бутунлай йўқ қилиб юбориш ниятида эмас эди. У бундан манфаатдор ҳам эмасди. Чунки салб юришларининг оқибатлари, Европа давлатларининг Яқин Шарқ мамлакатларидаги илинжалари ҳали мусулмон олами ёдидан кўтарилимаган эди. Шунинг учун ҳам Темур Боязид ворисларига ҳиммат кўзи билан бокиб, уларга бекиёс муруватлар қилди. Сулаймон Чалабийни у туркларнинг Европадаги вилоятларига ҳоким қилиб тайинлаб, унга ҳукмдорлик този ва ёриқлар инъом этди ва мансабдорлик сарпосини кийгизди. Эдирне (Адрианополь) шаҳри унинг пойтахти қилиб белгиланди. Ана дўлу ярим оролининг шимоли-ғарбий қисми суюрғол сифатида Исо Чалабийга инъом этилиб, Бурса шаҳри унинг пойтахти бўлди. 1403 йил-

да асирикда вафот этган Боязид лозим даражадаги иззат-икром билан Бурса шахридаги Усмонлилар сулоласининг хилхонасига дафн этилди.

1404 йилнинг май ойида Темур Кичик Осиёдан Самарқандга қайтиб келади ва ўзининг Хитойга бўладиган ҳарбий юришига тараддуд кўради. Шубҳасиз, Темур Хитойга юриш учун бир неча йил пухта тайёргарлик кўрган эди. Сафар учун керакли маълумотлар йиллар давомида Хитойга юборилган савдо карвонлари орқали аллақачон тўплаб олинганди. 1404 йилнинг охирида қаҳратон қишда у яхши қуролланган 200 минглик қўшин билан Самарқанддан Хитой сафарига чиқади. Қўшиннинг асосий қисми ҳисобланган ўнг қанот Шоҳрухия, Тошкент ва Сайрам оралигида тўпланаади. Унга Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон ҳамда Умаршайхнинг ўғли Аҳмад қўмондонлик қиласидилар. Темурнинг набираси Султон Ҳусайн бошлиқ қўшиннинг сўл қаноти Ясси (Туркистон) ва Савронда жойлашади. Темурнинг ўзи қўшиннинг марказини бошқариб, деқабрь ойида Оқсулот мавзеида тўхтайди. Ўша ойнинг 25- куни у Ўтрор шаҳри томон йўл олди. 1405 йилнинг бошларида Сирдарёга етиб боради. Қишиҳоятда қаҳратон эди. Сирдарё қалин тўнгиб қолганидан қўшин 4 январда муз устидан бемалол дарёни кесиб ўтади. Соvuқнинг қаттиқлигидан аскарлар аксариятининг қулоқ ва бурунлари, қўл ва оёқларини соvuқ олган эди. Бир қанча аскарлар ва айрим ҳарбий бошликлар ҳатто совуқдан, тўнгиб ҳалок бўлган эди. Бироқ Темур мағруронга қайсалик билан қўшинни фақат олға сурарди. 14 январда у Ўтрорга етиб келиб, шаҳар яқи-

нида ўрдugoх (лагерь) куришга мажбур бўла-ди. Чунки у йўлда шамоллаб, қаттиқ бетоб бў-либ қолган эди. Ўтрорда унинг касали зўрайиб ётиб қолади. Зудлик билан уни Ўтрор ҳокими Бердикнинг саройига оладилар. Сарой таби-би Мавлоно Файзуллоҳ бемор Темурнинг ҳола-ти умидсиз экани тўгрисида маълум қилади. Манбалардан маълум бўлишича, ҳолати разм вақтини яқинлашганини сезган соҳибқирон ҳамсафар набиралари ва қуролдош амирлари-ни ўзаро иттифоқ ва дўстона ҳаёт кечиришла-рини истаб, ўзига ворис этиб тайинланган Пир-муҳаммадга итоат этишларини васият қилган. Ҳатто Темур хилватгоҳида ҳозир бўлган амир-лардан Шоҳмалик ва Шайх Нуриддинлар унинг васияти вожибини оғишмай сўзсиз адо этажак-лари ҳақида аҳди ваъда ҳам берганлар. Бу во-кеадан сўнг 1405 йилнинг 18 февраль куни кеч-курун Темур вафот этади. Унинг вафоти ҳақи-даги хабар гарчи аввалда сир тутилса-да, аммо кўп вақт ўтмай бу нохуш хабар мамлакат бўй-лаб тарқалиб кетади. Темурнинг жасади Са-марқандга олиб келинади. Бу ерда ўзи ихлос қўйган пири Имом Саид Барака учун бино қи-линган муҳташам мақбарага дафн қилинади.

Шундай қилиб, Темур ўзининг 35 йиллик ҳукмронлик даврида кўп қўшни мамлакатлар-ни забт этди. Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора Денгизга қадар ва Орол денгизидан Форс қўл-тиғига қадарли ғоят катта территорияни ўз ичи-га олган улкан бир салтанатни вужудга келти-риш. Бундан ташкари, яна у Осиёнинг жануби-ғарбий томонлари, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимоли-ғарбда Куйи Волга, Дон бўйлари, ши-моли-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёси бўй-

73 56

лари ҳамда жануби-шарқда Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларни ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Ушбу мамлакатлардан у жуда кўп ўлжаларни олиб кетди. Темур факат ўлжалар билан чекланиб қолмай, боз устига Европа ва Фарбий Осиё мамлакатларини Узок Шарқ билан боғлаган жаҳон савдоси йўллари устидан ҳукмронлик қилишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У Олтин Ўрда территориясидан ўтган шимолий савдо йўлини Ўрта Осиё орқали ўтган қадимий йўлга яна буриб юборишга зўр бериб ҳаракат қилди. Темур ана шу мақсадни кўзда тутган ҳолда Олтин Ўрданинг савдо-сотик ривожланган шаҳарлари Азок (Азов), Сарой Берка, Астрахон, Урганч ва бошқа шаҳарларини вайрон қиласди. Темурнинг вафоти ва ундан кейин юз берган сиёсий тангликлар бу режанинг тўла амалга оширилувига ҳалақит берди.

Темурнинг ҳарбий юришлари, олиб борган жангларининг оқибатларига баҳо берилар экан, шуни таъкидлаб утиш керакки, унинг фаолияти қўйилган мақсад ва режалари жиҳатидан икки босқичга бўлинади. Биринчи босқич 1360—1386 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Темур Мовароуннахрда марказлашган давлат тузиш йўлида курашди, Мовароуннахрни бирлаштиришдан манфаатдор булган маҳалий зодагонлардан иборат ижтимоий кучлар ёрдамида ўрта асрларнинг тарқоқ феодал мулкаларини бирлаштириш учун кураш олиб борди. Темурнинг бу даврдаги фаолияти Ўрта Осиё ҳалқларининг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёти тараққиёти йўлида шубҳасиз ижобий аҳамият касб этди.

Феодал тарқоқлик тугатилиб, марказлашган давлатнинг тузилганлиги ижобий оқибатларга олиб келди. Мамлакатдаги ишлаб чикарувчи кучларни ва мӯғулларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлиги даврида жиддий зарар қўрган иқтисодиётни тиклаш учун кулайроқ шарорит вужудга келди. Айни вактда хўжаликнинг асоси бўлган дехқончиликда муайян силжишлиар рўй берди. Ҳунармандчилик, ички ва ташки савдо ривожланди, фан ва маданият равнақ топа бошлади.

Темур фаолиятининг иккинчи асосан 1386 йилдан бошланиб, 1402 йилгача давом этади. Бу даврда Темур «уч йиллик», «беш йиллик» ва «етти йиллик» ҳарбий юришларини амалга оширган. Унинг Олтин Ўрда, Эрон, Ирок, Закавказье, Қичик Осиё, Миср ва Хиндистонда олиб борган юришлари ва жангубжаллари, шубҳасиз, тажовузкорлик тусига эга эди. Бу урушлар ниҳоятда шафқатсизлик билан олиб борилган.

Темурнинг истило килинган мамлакатлардаги зулмкор тартиблари кўпинча қўзғолонлар кутарилишига сабаб бўларди. 1383 йилда Сабзавор ва Ҳирот шаҳарларида, 1387 йилда Исфихон ва Шерозда, 1401 йилда Бағдодда катта халқ қўзғонлари бўлиб ўтади. Бу қўзғолонларни Темур шафқатсиз бостириб, қўзғолончиларни қаттиқ жазолайди.

Темурнинг ҳарбий юришлари ва жангубжалларидаги бундай фаолияти теранроқ талқин этилиб, унга баҳо бериладиган бўлса, шунни айтиш мумкинки, у аввало Осиё саркардаси эди. Темур ўзининг ғолиб аскарлари ва қуролларидан ўз замонасининг таомили бўйича фойдаланган. Тўгри, жазо ниҳоятда қаттиқ,

лекин кўпинча адолатли бўлганди. Исфихон ва Шерозда аввал тузилган ўртадаги ахдга хиёнат қилингандиги ва катл этилган уч минг аскари учун Темур қасос тариқасида катли ом килган. Хуллас, Темур Ўрта асрларда шаклланиб ривож топган феодал жамиятининг мураккаб сиймоси. У юксак ҳарбий даҳолик ва қатъиятлик билан ўз жамиятига хизмат қилди. Шу сабабли бўлса керак, муаррихлар бундай сифатларга эга бўлгани учун Темурни Македониялик Искандар, Қайсар (Юлий Цезарь) ва Чингизхонларга қиёс қилиб, улар билан бир сафга қўядилар.

Шундай қилиб, Темурнинг кўп йиллик ҳарбий юришлари оқибатида, зўрлик асосда бўлсада, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Шимолий Ҳиндистонни қамраб олган ўз даврида жаҳондаги энг йирик ҳарбий-феодал салтанати ташкил топди. Айни вактда бу давлат тасаруфидаги мамлакатларда яшаган ҳалқлар ўртасида бевосита иқтисодий ва маданий алоқалар кучайиб, уларнинг кейинги тақдирида у ижобий роль ўйнади.

### **СОҲИБҚИРОН ДАВЛАТИНИНГ ИЧКИ ҲАЁТИ, ҲАРБИЙ ИСЛОХОТ**

Темур замонасининг буюк империясини барпо қилган бўлса-да, аммо у умрининг охиригача ўзини бу давлатнинг «қонуний» хони деб ўзлон қила олмади. Чунки у насл-насаби жиҳатидан чингизийлар сулоласига мансуб эмас эди. Шунинг учун ҳам Амир Козонхон томонидан белгиланган анъанага кўра, Темур аввал ўз хузурида Мовароуннаҳрнинг Чингиз-

хон авлодидан бўлган ўттизинчи хони Суюргатмишни (1370—1388 йиллар), унинг вафотидан кейин эса Суюргатмишнинг ўғли Султон Маҳмудхонни (1388—1402 йиллар) расмий хон қилиб қўтариб, ҳатто умрининг охиригача уларнинг номидан ёрлиқлар чиқартиради, пуллар зарб эттиради. Аммо ҳар икки хон ҳам номигагина «хон» бўлиб, давлатнинг сиёсий ҳаётига ва Темур берган фармойишларга мутлақо аралашмасдилар. Шунга қарамасдан, Темур мамлакатда ўзининг бевосита ҳукмронлигига қонуний тус бериш ва уни мустаҳкамлаб олиш мақсадида ўзининг олдинги рақиби Амир Ҳусайннинг тул хотини Сарой Мулкхонимга уйланади. Сарой Мулкхоним Мовароуннаҳрнинг Чифатой хонадонидан чиққан сўнгги хони Чингизийлар авлоди Қозонхоннинг қизи эди. 1370 йилда Сарой Мулкхоним билан бўлган<sup>5</sup> никоҳ туфайли Темур узининг амирлик даражасига «кўрагон», яъни «хоннинг куёви» унвонини<sup>5</sup> қўшиб олади ва расмий ҳужжатларда «Амир Темур кўрагоний» номи билан юритилишига мушарраф бўлади.

Темур босиб олинган вилоятларни ўғиллари, набиралари ва нуфузли амирларига суюргол тарзида инъом қилиб улар орқали бошқарди. Мовароуннаҳрдан ташқари ўз тасарруфидаги барча вилоят ва мамлакатларни Темур тўрт улусга бўлди. Тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгирга Балх вилояти билан 12 минг навкарлик қўшин, иккинчи ўғли Умаршайхга Форс вилояти ва 10 минг аскар, учинчи ўғли Мироншоҳга Озарбайжон, Ирок ва Арманистон билан 9 минг кишилик қўшин, кенжা ўғли Шоҳруҳга Хурсон, Журжон, Мозондарон, Сейистон (Сакистон) билан 7 минг аскар бе-

рилди. Гарчи улуслар марказий ҳукуматга итоат этсалар-да, аммо улар маълум мустақилликка эга эдилар. Улус ҳукмдорларининг алоҳида давлат девонхонаси бўлиб, уларнинг марказий ҳукуматга тобелиги хирожнинг бир қисмини Самарқандга юбориб туриш ва олий ҳукмдор ҳарбий юришларида ўз қўшини билан қатнашиш ёки талаб қилинган аскарни юбориб туришдан иборат эди.

Суюрғол Темур давлати ташкил этилиши арафасида жорий этилиб, у «иктоъ» каби маълум туман ёки вилоятларни ҳукумат ёрлиғи билан Ғарбдаги «феод» ёки «лен» тарзида олий ҳукмдор авлодлари ва алоҳида хизмат кўрсатган, юқори табақага мансуб зодагонларга инъом тариқасида беришни англатади. Баъзан суюрғол ерлари марказий ҳукуматнинг фармони билан авлоддан авлодга мерос бўлиб ҳам утган. Масалан, Муҳаммад Ҷаҳонгир вафотидан сўнг унга тегишли Балх вилоятига Кобул, Ғазна ва Қандаҳорни қўшиб, марҳумнинг ўғли Пирмуҳаммадга берилади. Шунингдек, Темур Умаршайхнинг ўғли Рустамга Исфаҳонни, Мироншоҳнинг ўғли Абубакрга Бағдодни суюрғол қиласи. Шу тарзда салтанатнинг Мовароуннаҳрдан ташқари қисми бир қанча булакларга бўлиниб кетади. Вилоят ҳокимлари — шаҳзода ва амирлар ўз тасарруфидаги улусларда кишваргирлик — иложи борича мустақил ҳукмронлик қилишга интилар эди. Марказий ҳукумат эса вазият жиддийлашган пайтлардагина вилоят ҳокимларини тийиш учун уларнинг ички ишларига аралашарди. Шубҳасиз, суюрғол тартибининг кучайиши оқибатда айрим вилоятларнинг маълум даражада мавқенини ошишига олиб келган ва ички ни-

золарни келтириб<sub>5</sub>чиқарған. Темур ҳаётлик чоғидаёк мамлакатнинг<sub>5</sub>чекка үлкаларида ҳам эмас, ҳатто унинг марказий вилоятларида ҳам низолар ва урушлар бўлиб турган. Лекин, чекланмаган хукуқ ва имтиёзларга эга бўлган, кучли қўшинга таянган буюк ҳукмдор айрим вилоятларнинг саркаш феодал доиралари томонидан кўтарилган исёнларни ва халк ҳаркатларини доимо осонгина бостира оларди.

Темур даврида давлатнинг марказий маъмурияти бошида девонбеги, унинг ёнида аркбеги (маросимларни бошқарувчи) ҳамда тўрт вазир турарди. Биринчи вазир ер соликлари, чегара божини ундириш ҳамда миршаблик ишларини бажарган. Иккинчиси аскарлар маоши ва озиқ-овқат таъминотлари билан шуғулланган. Учинчи вазир ҳарбийлар, уларнинг лавозиму-mansablarга тайинланиши ва мерос ишларига қараган. Тўртинчиси сарой ҳаражатларини бошқарган. Темур давлат тузилиши соҳасида катта узгаришларни амалга оширган бўлса-да, ҳар ҳолда мамлакатни 14-асрнинг биринчи ярмида мӯғул хони Қебек ҳукмонлиги даврида жорий этилған ҳарбий-маъмурий булинишини сақлаб қолади. Аммо давлатнинг маъмурий идора этиш таркибининг тақомиллига суюрғоннинг кенг тарқалиши тускинилк қиласи.

Темур ички ва ташки сиёсатида асосан қўшинга сұянар эди. У ҳарбий куч билан забт этилган мамлакатлар халқларини зўрлик билан тутиб турарди. Шунинг учун ҳам у ҳарбий ислоҳга, айниқса қўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашкарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички инти-

зом масалаларига ниҳоятда катта аҳамият берарди. Шу боисдан Темур манбаларда замонасининг машхур саркардаси ва энг йирик лашкарбоши сифатида тилга олинади. Унинг ҳарбий истеъоди, саркардалик маҳорати қўшинларининг тузилишида ҳамда Олтин Ўрда хони Тұхтамиш, Декли султони Маҳмуд ва Туркия султони Боязидлар билан олиб борган жангларида шиддатли маҳорабалар майдонида қўллаган — «савқулжайш» (стратегия) ва жанг килиш услублари «таъбиятулжайш» (тактикалари) да намоён бўлган.

Темур қўшини ўнталик аскарий биримлар асосида тузилган лашкарлардан иборат эди. Лашкар «туман» — ўн минглик, «ҳазора» — минглик, «ҳўшун» — юзлик ва «айл» — ўнлик биримларига булинган. Туманларда аскарларнинг сони 10 минг, қўшинда 100 минг нафардан ортиқ бўлган. Темур ўнминглик лашкарни бошқариш учун «туман оғаси», минглик бўлинмалар учун «мирихазора», юзликлар учун «хўшунбоши» ва ўнликлар учун эса «айлбоши» каби ҳарбий мансабларни жорий этади. Уларнинг ҳак-хуқуқлари, ойлик маоши белгилаб берилади. Масалан, оддий сипоҳий маоши минган отининг баҳоси баробарида, баҳодирлар 2—4 от баробарида, айлбоши қарамоғидаги навкарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки баробарлик маош олган. Мингбошиларнинг маоши ҳўшунбошини кидан уч баробар ортиқ бўлган. Жангларда баҳодирлик кўрсатиб ғалаба қозонган амир учун инъомлар ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, қайси бир амир бирон қўшинни енгса ёки мамлакат ёки вилоят забт этса у туг, ногора, баҳодирлик мартабаси, давлат кенгашларига

бемалол кириш ҳуқуқи ҳамда бирон вилоятнинг ноиблиги билан сийланган.

Бўлинма бошликлари — амирлар Темурга тобе бўлган қирқ аймоқ (қабила) дан ўн иккитаси: барлос, аргин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдуз, тўғой, қипчоқ, арлот, тотор ва тархонлар орасидан сайлаб олинган. Амирлик мартабаси Темур фаолиятининг дастлабки йилларида унга содик бўлган 313 нафар кишига берилган. Булардан биттаси — амир ул-умаро, тўрттаси — бекларбеги, юзтадан — мингбоши, юзбоши ва ўнбоши бўлган. Булардан ташқари яна ўн икки нафар кишига биринчидан то ўн иккинчи даражали амирлик унвонлари берилган. Ўн иккинчи даражали амир одатда амир ул-умаронинг ноиби хисобланган. Ўн икки амирнинг ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан ногора, амир ул-умарога бир байроқ, ногора, ўн минглик қўшин — туғ ва чортуғ, тўрт нафар бекларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ногора, чортуғ ва бурғу (карнай) берилган.

Бу нишонлар қўшни бўлинмаларини ҳам фарқлаб турган. Масалан, катта қизил байроқ, қўшин бошлиғи амир ул-умаро ёки бекларбегининг аломати эди. От ёли боғланган найзали узун туғ туман оғасининг, икки томонига кокиллар осилган икки дўл ногора юзшининг аломати бўлган. Отлик қисмларни бошқариш учун маҳсус ажратилган суворий довулчилар икки томонига икки дўл ногорадовул осилиб, жанг пайтларида суворийларни маҳорабага солиш мақсадида улар бонг уриб қоқилган.

15- аср муаллифи Абдураззок Самаркандининг ёзишича, ҳарбий сафарда ҳар бир

жангчи ўзи билан бир йилга етадиган озиқовкат, камони билан ўттиз ўқли садоқ, совут, найза ва қалқон олган. Ҳар икки суворийнинг битта заҳира чопқур оти, урдugoҳда ҳар бир «айл» — ўнлук қисмда биттадан чодир, қозон, кетмон, ўрок, болта, бигиз, иккитадан белкурак, 100 та игна, ярим ман арқон, битта ошланган пишиқ тери бўлиши шарт эди. Ҳарбий сафарбарлик вактида ҳар бир вилоят олдиндан белгилаб қўйилган асосий «асл», ҳамда заҳира — «изофа», яъни резерв қисмларни тўплаб берарди. Вилоятлар тошотар (сангандоз), девор бузувчи (манжаниқ), ўт отадиган (раъдан доз ва нафтандоз) ҳамда ўзи отар қуролларни ишлата биладиган жангчиларни тайёрлаб берар эди. Аскарий қисмларни вилоятлардан тўплаш билан товочи мансабидаги амалдорлар шуғулланар эди.

Темур аскар ва амирлашкарларга алоҳида эътибор беради. Ҳар бир зобит (булинманнинг хўшун ёки айлбошиси) жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз саналган. Оддий навкар низомни қатъий бажаришга мажбур булиб, жангда у аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала қилиши ва адолатли бўлиши лозим хисобланган. Қўшинлар ҳарбий юришга чикқан вактда, айниқса интизомга қаттиқ риоя қилинار эди. Ҳар бир бўлинманинг айлбоши, хўшунбошиси, туман оғаси ва қўшин амири ўз ўрнини яхши биларди ва унга қатъий риоя қиласди. Сафарда энг олдинда ҳар бир қўшин қисмлари билан энг довюрак ва ботир аскарлардан танлаб олинган хабаргири, яъни хабарчилар деб юритилган айғоқчи-кузатувчилар бўлинмаси юрган. Хабарчилар орқасидан соқчи-

лар бўлинмаси — «ясовул» борган. Кўшиннинг асосий қисмлари олдида «манглай» — авангард қисмлар харакатда бўлган. Манглай асосий кучлардан, баъзан эса бир неча туманлардан иборат бўлган. Манглай билан қўшиннинг асосий қисмлари оралигига эса қўмондоннинг қароргоҳи ва унинг ён атрофида изофа, яъни захира (резерв) қисмлар жойлашган. Мухораба жанг оқибатини ана шу изофа қисмлар ҳал қилган. Юриш вақтида қўшинлар олдида алоҳида йўл бошловчилар — «кучорчилар» групҳи бўлган. Кучорчиларни қўшин қисмлари ўртасида Темурнинг ўзи таксимлаб берган. Темур қўшини асосий жанговор қисми — марказ ҳамда ўнг қанот (барангар) ва сўл қанот (жавангар)лардан иборат бўлган. Ҳар бир қанотнинг олдида қуриқчи манглай — авангард, ён томонларида ҳам қуриқчи аскарий қўшилмалар — «канбул»лар бўларди. Шу тариқа қўшин етти қисм — «қўл»лардан иборат бўлиб, булардан учтаси: марказ, барангар, жавангарлар мустақил; тўртаси: икки манглай ва икки канбуллар тобе қисмлар эди. Қўшиннинг бундай жойлаштирилишининг узига хос томони шунда эдики, унинг қанот қисмлари марказий қисмига қараганда анча кучли эди. Бундан шубҳасиз сав-кулжайш (стратегия) ҳамда жангда турли хил мухораба услублари — таъбиятулжайшни кўллаш мақсади кузда тутилган. Ўрта аср муалифи Шарофуддин Али Яздий қўшинни етти қўл — қисмга бўлиб жойлаштириш тартиби ни биринчи бўлиб Темур жорий қилган деб ёzáди. Бу қўллар жангларда мустақил харакат килиб, факат қўшин қўмондонига бўйсунган.

Харбий юриш вақтларида йўлларда тўхтаб ўрдугоҳ — қароргоҳ қуришга туғри келарди.



Амир Темур.

Малик Набиев чизган сурат. 1994.

Агарда үрдugoх душманга яқинроқ жойда жойлашса, унинг атрофи мудофаа иншоотлари — «турлар», хандаклар, «choxpar» (чуқур ўра) лар ва «кочи» — марзалар билан үраб олинар эди. Қүшиннинг изофа (резерв) қисмлари кумондон үрдugoхини қуриқлаб турар эди. Жанг вактида улар зарур бўлган жойларда жангга солинарди. Қўриқчи канбуллар эса душман қүшиннинг ўнг ёки чап қанотини ёриб киришига ва ён томонларидан айланиб ўтиб, орқадан зарба беришига йўл қўймасликка ҳаракат қиларди. Канбуллар энг ботир ва тажрибали аскарлардан тузилар эди.

Қўшинда айниқса у жангга кирган пайтларида пиёда аскарлар алоҳида ўринни тутган. Жанговар сафга тизилган пиёда қисмлар отлиқлардан олдинда турар ва душман ҳужум килган вақтда чохпар ва турлар (мудофаа иншоотлари) орқасига яширинган ҳолда биринчи бўлиб жангга кирадилар. Шунинг учун ҳам қанотдаги туман оға ва қўшин амирлари пиёдалар билан отлиқларни жанговар тартибда жойлаширишга катта эътибор берардилар.

Шундай қилиб, Темур замонасининг кучли ва энг жанговар қўшинини ташкил қиласди. Аскар бошлиқлари ва навкарларини қаршилик кўрсатувчи кучларга нисбатан бешафқат руҳида тарбиялашга муваффақ бўлади. У қўшинни турли-туман жанговар қурол-яроғлар, ўт ва тошотар — раъдандоз, манжаниқ ва үзиотар куроллар билан қуроллантирди. Жангларда мухораба қилишнинг янги услубларини қўллади. Забт қилинган мамлакатларда норозилик билдирган ёки қўзғолон кўтарган аҳолини шафқатсиз жазолади. Қўпинча кутилган хавф рўй бермасдан туриб унинг олдини олиш чора-

ларини куради. Темур қўшинини Жаҳонгир, Сайфуддин ва Пирхусайн барлослар, Оқбуға, Усмон Аббос, Муҳаммад Султон Қамарий, Тибон Баҳодир, Урисбуға, Ҳамза Сулдуз, Амир Муризода, Муҳаммад Қазғон, Сарик Атка ва Музаффар Учкора каби жангларда шуҳрат топган маҳоратли сарҳангалари бошқаради.

Темурнинг ҳарбий санъати ва давлатни бошқариш тартибига бағишлиланган маҳсус асар битилиб, у «Темур тузуклари» номи билан машҳур. Тузукдаги барча воқеалар Темур тилидан ҳикоя қилинади. Шунинг учун бу асар шахсан Темурнинг оғзидан ёзиб олинган деб ҳисобланади. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу таҳт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошликларини сайлаш, сипоҳларнинг маоши, мамлакатни идора этиш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошликларининг бурчи ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожутаҳт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида баён этилади.

Хофизи Абронинг ёзишича, Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. Амалий жиҳатдан фойда келтира оладиган ҳар қанақа билимни қадрлаган. Темур давлат ишлари учун ҳамма нарсанинг фойдали томонларини олишга ҳаракат қилган. У давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда, шу соҳанинг билимдонлари ва уламолар билан маслаҳатлашарди. Одатда у тибиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндлари, шунингдек, иллюзиёт соҳасидаги машҳур уламолар билан сұхбатлар үтказарди. Бундай сұхбатларда под-

шоликка оид муҳим ишлар ҳақида ҳам сўз юритиларди. Масалан, 1403 йилда у ўз хузурида уламоларнинг мажлисини чакириб, унда нутқ сўзлаган. Мамлакат ҳамда фуқароларни бошқаришда, турли хил иншоотлар ва жамоат биноларини қуришда унга олимлар ва фузалолар ўз маслаҳатлари билан кўмаклашишларини сўраган.

Темур саройида уламолардан Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бахруддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмонуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Олоуддин Коший, Жалол Хокий ва бошқалар хизмат қиларди. Темур илм-фанинг риёзиёт, ҳандаса, меъморлик, фалакиёт, адабиёт, тарих, мусика соҳаларининг ривожига катта эътибор берар эди. Шундай бўлса-да, ўз режа ва мақсадларининг рӯёбга чиқаришида Темур кўпроқ мулкдор зодагонлар ва ҳарбий жангчилар орасида шухрат топган тақводор руҳонийлар табакаси вакилларига суюнади. У Имом Сайид Баракани ўзининг пири деб ҳисоблайди. Сайид Барака Темур «килич билан ниманики кўлга киритган бўлса, шуларни тоат-ибодат, ҳамда фатволар бериб дуогўйлик билан мустаҳкамлаб беришга ҳаракат қиласди». Темур мамлакат аҳолисининг тақводор қисми ўртасида ўз иуфузини ошириш мақсадида ислом мазҳаблари ўртасидаги баъзи бир келишмовчиликлардан усталик билан фойдаланади. Вилоятларда камситилган мазҳаб тақводорларини химоя остига олиб, ҳатто айборларни қаттиқ-қўллик билан жазолайди. В. В. Бартольднинг ёзишича, «Суриядা Али ва унинг авлодларини химоя килганлиги ва бунинг учун суриялик-

лар томонидан чинакам шиа аталган Темур, Хурсонда сунний таълимотини тиклаган. Мозандаронда пайғамбар чорёрларининг қабрларини ёёқ ости қилган шийй дарвишларини жазолаган».

Ўзининг кўп йиллик ҳарбий юришлари давомида Темур ўз салтанатининг шон-шуҳрати учун унинг марказий қисми бўлган Мовароуннаҳр, айниқса пойтахт Самарқанднинг ободонлигига алоҳида аҳамият беради. Бунинг учун у забт этилган мамлакатлардан моддий бойликлар билан бирга жуда кўп хунармандлар, санъат аҳллари ва олимларни асир қилиб Мовароуннаҳрга олиб келади ва мамлакатни обод этишда уларни зўрлаб ишлатади. Темурга ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани муҳташам меъморлик обидаси барпо этиш билан нишонлаш одати бўлган. Шу мақсадда Хиндистондан олиб келинган юзларча моҳир гишт терувчи биннолар, Шероз, Исфихон ва Дамашқнинг машҳур уста-хунармандлари мамлакатда ҳашамдор иморату иншоотлар бино киладилар. Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Багдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх Кулхўжа Аҳмад Яссавий қабри устига макбара бино қилдирса-да, лекин ўзининг саҳоват ва ҳимматини Кеш ва Самарқандда олий иморатлар курдиришда курсатди. Ўзининг Она Ватани Кешда отасининг қабри устига макбара, ўғли Жаҳонгирга макбара билан бирга масжид курдириди. Темур хукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида булиб, унинг ободонлигига катта аҳамият берди. Кешда дунёга донги кетган машҳур Оқсарой қад кутарди. Эроний меъморларнинг маҳорати билан бино

килинган бу мұхташам саройнинг пештоқи, тоқу равоқлари ва деворлари зангори ва олтін рангдаги арабий нақшли кошинлар, гулдор үймакор парчинлар билан зийнатланды. Сохибқирон Кешга алоҳида эътибор беріб, уни Мовароуннахрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар «Куббатул илм вал адаб» унвонига эга бўлди. Аммо Заҳируддин Бобур тарифлаганидек, «Темурбекнинг зоди-буди Кештин учун уни шаҳар ва пойтахт қилурга кўп саъй ва эҳтиромлар қилди. Олий иморатлар Кешта бино қилди. Чунки Кешнинг қобилияти шаҳар бўларга Самарқандча эмас эди. Охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни уқ ихтиёр қилди».

### **САМАРҚАНД – МАРҚАЗЛАШГАН ДАВЛАТ ПОЙТАХТИ**

Самарқанд салтанат пойтахти қилиб олингач, у алоҳида имтиёзга эга бўлган шаҳарга айланади. Самарқандда Исфихон, Шероз, Халаб, Хоразм, Бухоро, Карши ва Кеш шаҳарларининг меъмору бинокорлари кўли билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилади. Шаҳар ташқарисида эса боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этилади. 1403 — 1404 йилларда Самарқандда бўлган Испания элчиси Дон Рюи Гонзалес де Клавихо Темурнинг олиб бораётган бинокорлик ишларидан ҳайратда қолган эди. Худди шу даврда Шоҳи Зинда меъморий ёдгорликлари гурухининг Шодимулк оғо, Амир Ҳусайн, Ширинбека оғо каби ажойиб мақбаралари, ҳозирги вактда Бибихоним номи билан машхур бўлган жоме масжи迪, Гўримир даҳмаси ва бошқалар бино қили-

нади. Темур ўзининг бутун бинокорлик соҳасидаги фаолиятида ҳам аввало сиёсий мақсадларни кўзда тутади. Масалан, Шаҳрисабздаги машҳур Оксаройнинг кошинкор ва парчинкор пештоқининг гулдор нақшлари орасига «Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг, бизнинг иморатларимизга бок» деган хитобнома битилган. Туркистон шаҳрида Қулхўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини бино қилишда ҳам шундай мақсад назарда тутилган. Чунки деҳқончилик воҳалари билан бепоён Дашиб Қипчоқ яйловлари чегарасида қад кутарган бу улуғвор меъморий иморат кўчмани чорвадорлар наздида Темур давлатининг қудрати ва маҳобатига ишора қилиб турарди.

Мӯғуллар босқинида бутунлай вайрон этилган ва аксари аҳолиси қириб ташланган ва кисман қул қилинган Самарқанд шаҳри Темур ҳукмронлиги даврида ўзининг қадимги ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгитдан курилади. Шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори билан үралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи олтита дарвоза ўрнатилади. Шаҳар аркida Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсаройлар бино қилинади. Кўксарой тўрт қаватли бўлиб, гумбазлари ва деворлари зангори кошиналар, нақшинкор ва гулдор парчинлар билан коплангани учун у шундай аталган. Кўксаройда хонларни подшолик тахтига ўтқазиш маросими вактида уларни оқ кигиз устига олиб ўтказадиган, тошдан тахткурси — Кўктош қўйилган эди. Булардан ташқари аркда давлат девонхонаси, қурол-яроғлар устаҳонаси ва аслаҳаона, танга-

лар сўқиладиган зарбхона, қамоқхона каби иморатлар жойлашган эди.

Бу даврда Самарқандда кўркам ва муҳташам бинолардан ташқари шаҳристон ёни—рабоди доҳилда турли-туман касбдаги ҳунармандлар мажаллалари қад кўтаради. Темур мамлакатда, хусусан унинг пойтакти Самарқандда ҳунармандчиликни жонлантиришга алоҳида эътибор беради. Испан элчиси Клавихонинг ёзишича, у ҳунарли бирор кишини ҳам Мовароуннахри ташлаб кетишига йўл қўймаган. Аскинча, Темурнинг амри-фармони билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Ҳалабнинг машҳур пахта йигирувчи, Анқаранинг мовут тўқувчи корхоналари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, кўп касб-ҳунар соҳиблари бошқа шаҳарлардан Самарқандга кўчириб олиб келинди. Ўша даврда шаҳарда турли дин ва мазҳаблардаги кишилар истиқомат қиласиди. Клавихонинг маълумотига кўра, Самарқандда 150 мингдан зиёд аҳоли яшаган. Шаҳар майдони Испаниянинг Шиблия (Севилья) шаҳридан кенгрок бўлган. Лекин унинг бу маълумотида шаҳар арки билан қалъа, яъни ички шаҳар қисмларигина кўзда тутилган холос.

Темур шаҳарлардаги қурилишлардан ташқари, Самарқанд атрофида ўзининг хешу-акраболарига атаб гўзал боғлар қурдирди. Моҳир меъмор, тажрибали соҳиблорлар (Аҳмад Богошамолий ва бошқалар)нинг ақл-заковати, меҳнати-ю маҳорати билан барпо этилган Богоидилкушо, Богочинор, Богоибиҳишт, Богобаланд, Давлатобод, Богоинав, Богошамол қаби чорбоғлар ва улардаги гўзал кўшклар ўша давр боғдорчилик санъатининг намуналари-

дандин. Боғларда чинор, садақайрагоч каби манзарали дараҳтлар тартиб билан ўтқазилган. Манбаларда таъриф этилишича, Самарқанд булуки (атрофи) уша вактларда шаҳар нинг энг гузал ва энг ҳашаматли қисми ҳисобланган. Бу ерда катталиги бир ярми-икки чақиримга чўзилган боғлар ва улардаги сайдрохлардан ташқари, аркони давлатнинг ўйин-кулги қиласиган жойлари — ишратхоналар ва хилватхоналар жойлашган. Манбаларда айтилишича, шаҳарнинг шарқ томонидаги Боғдил-кушонинг ташқи ҳовлисида подшоҳ саройлари бўлиб, унда қуролланган аскарлар турган, ички ҳовлида эса, туғлар билан безатилган олти фил ҳайкали сафга терилган. Учинчи ҳовли Темурнинг меҳмонлар қабул қиласиган олтин таҳти қароргоҳи бўлган. Бу ҳовлиларнинг ташқарисида гирдига олма ва чинорлар ўтқазилган ҳовузлар, уларнинг суви шодравони — фавворасида қизил ва сариқ олмалар қалқиб ўйнаб турган. Шаҳарнинг жанубидаги Боғибиҳишт гузал меъморий услубда қурилган саройи ва қувончни оширувчи боғи билан машхур бўлған. Шарафуддин Али Яздийнинг таърифлашича, сарой Табризнинг соғ оқ мармаридан бино қилиниб, атрофи хандак билан ихота этилган. Боғнинг бир тарафида ҳайвонот боғчаси ҳам бўлган. Темур бу саройни севимли набираларидан бири Мироншоҳнинг қизига ҳадя қиласиган эди. Буш вактларида у неварасининг Боғибиҳиштдаги хилватхонасида (эрмитаж) бўларди. Боғичинор ҳам шаҳарнинг шу қисмида эди. Боғда кўркам чинорлар қад кутарган, сўлим йўллар хоч шаклидаги қасрга олиб борарди. Қасрнинг ташқариси Шом наққошларининг моҳирона ижоди билан беза-

тилган, ичкариси гўзал сурат ва лавҳалар билан зийнатланган қимматбаҳо буюмлар (офир кумуш куббалар, тахтлар ва бошқа майший ашёлар) га лиқ тўла эди. Боғишамол ва Боғинав саройилари тархи мураббаъ — тўғри тўрт бурчак шаклда бўлиб, томонлари бир ярим минг қадам бўлган. Саҳни қайрағоч ва фил суюгидан кошинли қилиб ишланган.

Самарқанд ва унинг атрофидаги шоҳона сарой ва боғларда тантанали маросимлар — тўйлар, издаҳомлар, сайллар ва шоҳона меҳмондорчиликлар утказилган. Айниқса шаҳар атрофидаги боғларда ташкил этилган издаҳом ва сайллар ниҳоятда гавжум бўлиб, уларда Самарқанд аҳолисининг деярли ҳамма табака вакиллари — давлатмандлару фақир-фуқаролар иштироқ этган. Тантанали издаҳом тартибидан тортиб, аъёнларнинг түёна либослари гача катта эътибор берилган. Масалан, расмий маросимларда амир ул-умаро, бегларбекилар, амирлар, нўёнлар, сардорлар, улус, туманот ва ҳўшунот амирлари, шунингдек, мингбошилар, юзбошилар мансаб ва мартабалари га қараб подшоҳнинг сўл томонидан, саййидлар, қозилар, уламо, фузало, машойих, улуғ ва олий табақадаги кишилар подшоҳнинг ўнг тарафидан ўрин олганлар. Девонбеги ҳамда вазирлар — тахт рўбарўсидан, калонтарлар (шаҳар ҳокими), кадхудолар (қишлоқ оқсоқоли), вазирларнинг орқасидан жой олганлар. Баҳодирлар, қиличбоз йигитлар ва қоравулларнинг жойи тахт орқасида бўлган. Гарчи Темур ўз салтанати тахтини ҳароб этилган мамлакатлар эвазига қурган бўлса ҳам, жаҳонгир ўша халқларнинг тантанавор маросимлари ва урф-одатларини қабул қилиб, ўз саройи-

да жорий этган. Масалан, сарой хонимлари бошига шокилали бурк, эгнига олтин уқа билан безатилган узун қизил қабо кияр эдилар. Қабонинг ёқаси бўйинни кисиб турадиган, енгиз бўлиб, орқа этаги жуда узун бўлганлигидан уни маҳсус жориялар кутариб юришган. Уларнинг сони баъзан ўн беш кишига етарди. Юзларига эса ҳижоб тутганлар. Қизил мовутдан тикилган дубулғага ухшаш учли қалпок усти қизил ёқут, забаржад, дурлар билан безатиларди. Аёллар Кичик Осиёнинг қимматли жавоҳири-ю, Исфихон, Мўлтон, Ганжа, Дамашқ, Бурса, Венеция заргарларининг нафис зеб-зийнатлари билан ўзларига оро берсалар, эркаклар ноёб тошлар билан безатилган қуроллар ва камарлар такиб юрганлар. Испания элчиси Клавихони Конигил мавзеида бўлиб ўтган шоҳона издаҳом айникса ҳайратда қолдирган. Конигилда 10—15 минг чодир ўрнатилиб, издаҳомда сарой ахли, вазир-вузаролардан ташқари, аҳолининг турли табақа вакиллари қатнашган. Клавихо чодиргоҳда чодирларни мансабдор шаҳсларнинг лавозими бўйича жойлаштирилиш тартиби, жиҳози, безаклари ҳамда уларнинг турлари ҳақида ёзади. Унинг тарьифлашича, бу ерда доирасимон оддий кичик утовлардан тортиб, арабий ва Иброҳимий чодирлар, эроний сарпардарлар ўрнатилган. Чодирларнинг айримлари ниҳоятда катта, туртбурчак шаклда, эни 100 қадам, баландлиги уч найза буйи бўлиб, улар 12 дона олтин устунга ўрнатилган. Подшоҳ ҳарами учун ҳам алоҳида чодирлар тикланган. Улар сариқ рангда, ипак билан чатилган олтин нақшли бўлган, ташқарисига уқалар тутилган, эшик ва деразалар ипак тизимчалар билан тортиб қўйилар эди.

Чодиргоҳ базмида қизиқчилар, мұқаллилар, дорвоздар билан бирга кашмирий күзбойло-гичлар ҳам қатнашған. Қизиги шундаки, издахомда хонимлар хижобсиз иштирок этардилар. Маликалар «изн ом» — оммага рухсат этилган базмлар уюштириб, уларга издахомдагиларни чорлардилар. Үнда әркаклар, ҳаттоқи насороний элчи ҳам қатнашгани таъриф этилади. Шундай қилиб, Темур үз давлатининг тузилиши, қонун-қоидаларини тартибга солиш билан бир вактда олий даргоҳ ҳаёти билан боғлик бўлган анъаналарни турли хил янги шоҳона маросимлар билан бойитди.

Бу даврда Мовароуннахрнинг дехқончилик воҳаларида, хусусан Зарафшон водийсида ўнлаб сугориш тармоқлари чиқарилиб, дехқончилик майдонлари кенгайтирилади. Янги қишлоқлар барпо этилади. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур салтанат пойтахти Самарқанд атрофида қад кутарған бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Димишқ (Дамашқ), Миср (Қохира), Багдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Темурнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунрок турмоғи лозим эди. Шу билан бирга бу даврда Мовароуннахр шаҳарларида, айниқса унинг пойтахтида савдо ва ҳунармандчилик ғоятда ривожланади. Янги бозорлар, савдо расталари бино қилинади. Шаҳар билан дехқончилик воҳалари ва чорвадор кўчманчи аҳоли ўртасида савдо алокалари кенгаяди. Шаҳарлар мол айирбошлиш савдосида мухим роль уйнайди. Бу пайтларда Самарқандда савдо ва ҳунармандчилик жуда ҳам

ривож топганлиги испан қироли Генрих IIIning элчиси Гонзалес де Клавихони ҳайратда қолдирган эди. Самарқанд бозорларида буғдой ва гуручнинг мўллиги ва арzonлиги ҳакида гапириб, Клавихо шаҳар хунармандчилиги маҳсулотларини қайд қилиб ўтади. «Бу ернинг бойлиги факат емакликларнинг мўл-кўллигидагина эмас, балки ўзида кўплаб ишлаб чиқариладиган ипак матолар: атлас, кимхоб, ҳар хил ип ва жун тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пустинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ҳамда бошқа молларнинг сероблигидадир», деб таъкидлайди элчи. Бу шаҳарда олди-сотти учун қулай маҳсус савдо растасининг мавжуд эмаслиги туфайли, подшоҳ шаҳарни кесиб ўтувчи катта кўча чиқаришни ва унинг икки томонига мол сотиш учун раста ва дўконлар қуриши буюрди. Подшоҳ бу ишни ўзининг икки мирзосига топширди ва улар бу вазифани бажаришга астойдил киришмаса, каттиқ жазоланишларини уқтирди. Мирзолар ишга киришилар. Подшоҳ кўрсатиб берган йўналишида кўча ўtkазила бошлади. Кўча йўналишидаги ўй-жойлар, кимники булишидан қатъи назар, бузилиб текисланди. Иш тўхтовсиз давом этди, ишловчилар гурухи муттасил алмаштирилиб турилди. Кўча кенг олиниб, унинг ҳар икки томонига савдо дўконлари қурилди, ҳар бир дўкон олдида оқ тошлар билан қоплаган баланд курсилар ўрнатилди. Барча дўконлар жуфт-жуфт қилиб бир-бирига туташтирилади. Кўчанинг тепаси эса бошдан-оёқ тим қилиб равоқсимон шаклда ёпилди. Ёруғлик тушиши учун унга қатор табадон — дарчалар ўрнатилиди. Дўконлар қуриб битирилиши биланок

уларга савдогарлар ўрнашар ва турли-туман молларни сотишга киришардилар, кўчанинг ҳар ер, ҳар ерида ҳовузлар барпо этилди. Бу ерда ишлаётганлар маошни шаҳар ҳазинасидан олар эди. Мубошир (ишбоши) заруратга қараб канча ишчи талаб қилинса шунча одамни ишлатиши мумкин эди. Улар кечак-ю Кундуз шунчалик шовқин-сурон қилишар эди-ки, бу ерда бамисоли жинлар уя кургандек эди. Бундай катта қурилишни йигирма кундан озроқ муддатда амалга оширилгани шубҳасиз кишини ҳайратга солади, деб ҳикоя қилган эди Клавихо.

Испан элчиси Самарқанднинг ташқи савдо-да хам катта ўрин тутганини қайд қилиб шундай ёзган эди: «Русь ва Татариядан чарм ва сурп, Хитойдан жуда яхши тўқилган ипакликлар, айниқса дунёга донғи кетган атласлар олиб келинади. Улар ичида энг қимматлиси сидирға жужунчалардир. Бундан ташқари яна Хитойдан ташқи дунёнинг бошқа ерларида то-пилмайдиган мушк ҳамда лаъл, гавҳар, билур, равоч ва кўплаб зиравор ва дориворлар келтирилади. Ҳиндистондан бу шаҳарга турли-туман зираворлар: мускат ёнғофи, қалам-пирмунчок, занжабил, анбар, долчин ва Искандарияга олиб борилмайдиган бошқа турли нарсалар келтирилади».

Ўша давр муаррихи Ибн Арабшохнинг ёзишича, Самарқандга чет мамлакатлардан олтин ва кумуш, хусусан Ҳуросондан маъданлар; Ҳинд ва Синдан ёқут, олмос; Хитойдан атлас, яшин тоши, мушк ва бошқа моллар олиб келинарди. Чет мамлакатлардан Самарқандга келтирилаётган молларнинг микдори нақадар куп булганини Клавихонинг бу шаҳарда бул-

ган вактида Хитой пойтахти Хонбалиқдан 800 туялик савдо карвони келганидан билиш мумкин.

Шубҳасиз, бу даврда Темур ва унинг жойлардаги ноиблари Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлариға йўналган асосий халқаро савдо йўли — «Буюк ипак йўли»ни назорат қилиб, савдо карвонлари қатнови ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим чора-тадбирлар курадилар ва Шарқ билан Farb ўртасида савдо-сотик ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга фоят катта эътибор берадилар

### **ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ**

Тарихий қиска фурсатда қудратли салтанатга айланган Темур давлати ва унинг ҳукмдори замондошларининг эътиборини ўзига жалб этибина қолмай, балки Евросиё мамлакатларида юз бераётган барча воқеаларга ҳам таъсир курсалди. Бу Темурнинг Farbга томон «етти йиллик» юришлари даври (1398 — 1404) гача, қудратли Усмонли турклар империясига қарши уруш бошлишга қадар яққол намоён бўлган эди. 14- аср охири — 15- аср бошларида Яқин Шарқда мураккаб сиёсий вазият вужудга келди. Бу вактда бир томондан ҳарбий қудрати тобора ортиб бораётган Туркияning Болқон ярим ороли давлатлариға нисбатан таҳди迪 кучайиб, бутун Европани ҳавф остига солаётган бўлса, иккинчи томондан, бу қудратли давлатнинг ўзи Farbга томон шиддат билан бостириб келаётган ҳавфли рақиб —

Амир Темур қўшинлари билан тўқнашиш таҳликаси остида қолган эди. Натижада Кичик Осиёда икки истилочи — ўша вақтда ўз ҳарбий қудрати жиҳатидан энг юксалган Темур билан Ғарбий Европага даҳшат солиб турган Боязиднинг манфаатлари ўзаро тўқнашди. Бундай сиёсий вазиятда Туркияга қарши душман кучларининг маълум даражада бирлашуви табиий эди. Авваламбор Боязиддан енгилib, ўз ер ва мулкларидан маҳрум бўлган Кичик Осиёдаги майдада сultonликларнинг ҳоким ва амирлари Темурдан мадад истаб, унинг Корабоғдаги ўрдugoҳига бориб паноҳ топадилар. Византия ва Ғалатиядаги Генуя ҳокимнинг ноиблари, Франция қироли ҳамда Султония шаҳрининг католик миссионер (таблиғ) лари нажот истаб Темурга мурожаат қиладилар. Туркия султони Боязидга бирлашиб зарба бериш мақсадида Византия императорининг Константинополдаги ноиби Иоанн VII Палеолог ва Генуянинг Перадаги (Константинополь яқинидаги мавзе) ҳокими Трабзон (Трапезунд) императори Мануил III воситасида Темурни Туркияга қарши юриш бошлишига ундейдилар. Бунинг эвазига улар ҳарбий юриш вақтида унга ёрдам бериш ҳамда Константинополь ва Перанинг Боязидга тўлаб келган божини бундан бўён Темурга тўлашга ваъда қиладилар. Бундай таклиф шубҳасиз, Темурга макбул бўлади. Шундай қилиб, 14- аср охири — 15- аср бошларида Туркия империясига зарба бериш учун қулай сиёсий вазият вужудга келади.

Бу даврда Темур Боязид билан ўзаро дипломатик ёзишмалар олиб бориш билан бир қаторда, Туркия билан бўлажак тўқнашувда

Трабзон ва Константинополнинг ҳарбий кемаларидан фойдаланишга ҳаракат қиласи. Шу максадда у Генуя ва Венецияга совға-саломлар ҳамда мактублар билан Ватикан вакили архиепископ Иоанн Галонифонтибус бошчилигига элчилар юборади.

Ўзаро ёрдам масаласида Темур Константинополь императорининг ноibi Иоанн VII Палеолог билан ҳам ёзишмалар олиб боради. Темурнинг 1402 йил 15 май куни Иоанн VII Палеолог номига йўллаган хатининг мазмунига қараганда, Константинополь императори ва Генуянинг Перадаги ҳокими Боязидга қарши курашда Темурга хизмат қилиши, ҳатто унга «одамлар ва ҳар қайсиси 20 тадан 40 ҳарбий кема билан» ёрдам бериш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Буни Испания элчиси Клавихо ҳам ўз кундалик дафтарида қайд қилиб утади.

Темур бу даврда Франция қироли Карл VI (1380 — 1422), Англия қироли Генрих IV (1399 — 1413) ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара (1390 — 1407) лар билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, ёзишмалар олиб боради. Бу давлатлар орасида айниқса Франция Византия империяси тақдирига бефарқ қарай олмас эди. Шу боисдан Франция фуқаролари ҳисобланган генуяликларнинг ер ва мулкларини, айниқса Галатиядаги мустамлакаларини химоя қилиш учун Карл VI ўз навбатида Темурдан мадад кутарва у билан дипломатик алоқалар ўрнатишга интилар эди. Темур ва Карл VI ёзишмаларида қайд этилишича, сохибқирон қиролни жиддий қўллаб-кувватлайди. Шундай қилиб, Темурнинг Кичик Осиё ва Фарбий Европа дав-

латлари билан олиб борган дастлабки дипломатик ёзишмалари ва элчилик алоқалари унинг Ғарбга — Туркия устига юриши муносабати билан бошланиб, улардан асосан Боязидга карши биргаликда курашиш режала-ри кўзда тутилади. Бироқ Анқара яқинида туркларнинг икки юз минглик қўшини устидан қозонилган буюк ғалабадан сўнг Темурнинг Ғарбий Европа давлатлари билан булган алоқаларининг мазмуни тубдан ўзгари-ди. Эндиликда Темур улар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда элчилик ва ўзаро савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйиш каби масалалар билан чекланади.

Византия императоридан бож олиб, уни билвосита бўйсундириш билан кифояланган Темур, 1402 йил ёзида Франция ва Англияга маҳсус элчилик юборади. Элчиликка замонаси-нинг моҳир дипломати Архиепископ Иоанн Галлонифонтибус бошчилик қиласи. Иоанн орқали Темур Карл VI ва Генрих IV номларига маҳсус мактублар йўллади. Элчилар Парижга 1403 йил майда етиб борадилар. Бу ерда Иоанн тантанали вазиятда Темурнинг Туркия устидан қозонган ғалабаси, сulton Боязидни асирга олингани, турклар асири олган христианларни озод қилингани тўғрисида хабар берар экан, икки мамлакатнинг савдогарлари учун эркин савдо муносабатлари олиб борилишини таъминлаш ва агар кирол ҳамда герцоглар рози бўлсалар, бу эркин савдони тегишли битим ёки шартнома билан мустаҳкамлашни таклиф эта-ди. Бунинг учун авваламбор мунтазам ўзаро элчилик алоқаларининг барқарорлиги лозим эди. Шу боисдан Темур 1402 йил 1 августда Франция қироли Карл VIга йўллаган макту-

біда бу ҳақда қуйидагиларни алохіда таъкидлаган эди: «Бундан кейин сизнинг (одамларингиз) бизнинг ерларимизга ва бизнинг (кишиларимиз) сизнинг үлкангизга үтган аждодларимиз давридагидек, бориб-келиб турсалар, сизнинг ва бизнинг номимизни ҳамма жойда олқышлаб турсалар, мамлакатимиз савдогарлари учун фойда келтиришса, күп хурсанд бұлар әдик. Шуны ҳам айтиш керакки, әндилік да бизнинг юртимизда савдогарларингизнинг хавфсизлиги таъминланади».

Франция қироли Карл VI 1403 йил 15 іюніда Темурга йүллаган жавоб мактубидан маълум булишича, Темур таклифлари Франция томонидан мамнуният билан қабул қилинган. Демак, Темурнинг Анкара жангидан кейин Франция саройи билан олиб борган ёзишмалари үзаро савдо шартномаси тузишга қаратылған дипломатик ёзишма булып, бу масалада Ватикан вакили архиепископ Иоани Галонифонтибус мухим роль үйнаган. Үнга Франция қироли Карл VIнинг жавоб хатини Темурга етказиш масъулияты юкланған.

Темур давлати билан Англия үртасида үзаро дипломатик алоқалар үрнатылышыда ҳам Ватикан вакилининг воситачилик ролі катта бүлди. Худди шу даврда у Темур давлатининг гарбий вилоятлари ҳокими Мироншоҳ (1366 — 1408) билан Англия қироли Генрих IV үртасида олиб борилған дипломатик ёзишмаларда фаол қатнашды. 1393 йилда Шимолий Эрон, Ирок, ҳамда Табриз ва Султонияни үз ичига олғай (илгари Хулокуийлар тасарруфида бүлганса) мулкларга ҳоким қилиб тайинланған Мироншоҳ Темурнинг кексайиб қолған даврида Гарбий Европа хукмдорларининг диккат-эъ-

тиборини ўзига жалб этади. Бу даврда Мироншоҳ Европа давлатлари билан ўзаро савдо алоқаларини жонлантириш мақсадида христиан руҳонийларига хайриҳоҳлик билдириб, савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида чора-тадбирларни амалга оширади. Шу сабабли Ғарбда Мироншоҳ тез орада «католик динининг хомийси сифатида» шуҳрат қўзонади.

Темур, Мироншоҳ ва Генрих IV ларнинг ўзаро дипломатик ёзишмаларидан маълум бўлишича, Англия билан элчилик алоқаларини ўрнатиб, савдо-сотикини жонлантириш йўлида олиб борилган ҳаракатларда, айникса Мироншоҳнинг ташаббуси катта бўлган. Чунки буюк Темур империясининг Ғарбий давлатлар билан олиб борган дипломатик ва савдо алоқалари даставвал Мироншоҳ тасарруфидаги ўлкалар орқали утар эди. Бундан авваламбор ушбу вилоятларнинг ноиби манфаатдор эди. Чунки Мироншоҳ қўл остидаги мулкларнинг ғарбий чегаралари Европа давлатларининг сиёсий ва иқтисодий доирасидаги Болқон ярим ороли орқали Ўрта дengiz мамлакатлари билан туташган эди. Англия қиролининг 1403 йилнинг ўрталарида Темур ва Мироншоҳга йўллаган жавоб мактубларида улар билан шартнома тузиш истагини изҳор этади ва шу мақсадда Англияning аҳволи ҳамда шарт ва шароитларидан яхшигина хабардор бўлган Архиепископ Иоанни вакил тайинлаб, унга тула ишонч билдиради. Англия қироли Генрих IV 1403 йил 15 июнда Темурга ёзган жавоб мактубида «ўзаро алоқаларимиз доирасини кенгайтириш, давлатларимиз савдогарларнинг бир-бирлари билан илгари, аждодлари-

миз даврида бұлганидек, учрашиб туришларини таъминлаш ниятидамиз», деб таъкидланған эди.

Миср ва Туркия султонлари устидан қозо-  
нилған ғалабадан сұнг Темур Ғарбий Европа-  
да янада кенг шухрат қозонди. Европа муста-  
бидларининг Шарққа бұлған азалий қизиқи-  
ши ва интилиши янада кучайди. Айникса Кас-  
тилия (Испания) қироли Генрих III Шарқ билан  
жуда ҳам қизиқиб қолған эди. У Темур-  
нинг Туркия султоні Боязидга қарши олиб бор-  
ған шиддатлы жангу жадалларини дикқат билан  
қузатиб боради. 1402 йилнинг баҳорида Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуе-  
лос бошлигида дастлаб Испания элчилари Тे-  
мурнинг Кичик Осиёдаги қароргоҳига юбори-  
лади. Элчиларга Темур ва Боязидларнинг куч-  
кудрати, бойлиги ва армиясининг ададини би-  
лиш ҳамда улар күл остида яшаётған халқар-  
нинг урф-одатлари, дини ва қонунлари ҳақи-  
да аник маълумотлар түплаш топширилади.

Ғалаба муносабати билан ташриф буюрган Шарқ ва Ғарбнинг күпгина давлатлари элчи-  
лари қаторида Испания элчилари ҳам Темур томонидан қабул қилиниб, қирол номига ёзил-  
ған махсус мактуб ва инъомлар билан кузати-  
лади. Уларга қүшиб Темур Мухаммадкози исмли үз вакилини ҳам Испанияга элчи қилиб юборади. Бунга жавобан Генрих III үзаро дүстлик муносабатларини мустахкамлаш мак-  
садида 1403 йилда Темур хузурига иккинчи марта махсус элчилик юборади. Үнга Руи Гон-  
залес де Клавихо бошлиқ қилиб тайинланади. 1403 йил 21 майда Испаниядан жұнаб кет-  
ған элчилар денгиз орқали Константинопол-  
га, у ердан Трабзонга келишади. Бу ердан ку-

руқлик орқали Эронни кесиб ўтиб Балхга етиб келишади. Бу шаҳар якинида Амударёдан кечиб ўтиб, аввал Термиз ва Кеш шаҳарларида бўлишади, сўнгра Самарқандга ташриф буюришади. Испания элчилари Самарқандда Темур томонидан тантанавор қабул қилиниб, уларга катта эътибор ва зўр ҳурмат кўрсатилади. Темурнинг Самарқанд ва унинг атрофида бино қилдирган хашаматли сарой ва боғларида ўтказилган расмий қабул ва тантанали маросимларда Испания элчилари Хитой, Хинди斯顿, Рум, Зобулистон, Ирок, Шом (Сурия), Миср, Олтин Ўрда, Саклаб (Руссия) каби Шарқ ва Фарбнинг кўпгина мамлакатларидан келган элчиларнинг барчасидан ҳам юқорироққа ўтказилиб, уларга алоҳида эътибор берилади. Расмий қабул вактида Испания элчилари «Хитой подшосининг элчисидан пастроқда ўтирганини кўриб қолган Темур, — деб ёзган эди бу ҳақда Клавихо уз кундалигига, — уларни тўрга, Хитой элчисини эса пастроқка ўтқазишни буюради». Ўрта аср дипломатиясида бундай расмиятликка алоҳида эътибор берилган. Чунки расмий қабул ва тантанали маросимларда элчилар учун белгиланган маҳсус жойлар давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг рамзий даражасини кўрсатар эди.

Клавихо бошлиқ Испания элчилари 1404 йилнинг сентябрь — ноябрь ойларида Самарқандда бўладилар. Темурнинг Хитойга юриши муносабати билан бошқа кўпгина давлатларнинг элчилари қатори Испания элчилари ҳам 1404 йилнинг 21 ноябрида Самарқанддан жўнатиб юборилади. Клавихо Испанияга 1406 йилнинг март ойида қайтиб келади. Орадан

бир ой ўтгач, Клавихо Самарқанд сафарида бўлған Испания элчилиги ҳакидаги ахборотни ёзиб Кастилия қироли Генрих III га топширади. Қейинчалик унинг бу ахборотномаси «Буюк Темур тарихи» ва «Темур қароргоҳи Самарқандга сафорот кундалиги» номлари остида испан тилида бир неча бор нашр қилинади.

Темур вафотидан сўнг салтанатда бошланган сиёсий бошбошдоқлик ва уни бир қанча мустақил давлатларга бўлиниб кетиши оқибатида Ғарбий Европа давлатлари билан Темурнинг ўрнатган бевосита савдо ва элчилик алоқалари аста-секин сусайиб, қейинчалик эса бутунлай барҳам топди. Бу, шубҳасиз, Ўрта Осиёнинг Ғарбий Европа ва унда шаклланаётган жаҳон бозоридан ажралиб, Ўрта осиёликларнинг дунё ҳалқларининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётидан четда қолишининг бошланниши эди.

## ТЕМУРИЙЛАР ВА УЛУФБЕК ДАВЛАТИ

Темурнинг жасади Самарқандга олиб келиниб дафн этилиши ва марҳумнинг мотам маросимлари тугар-тугамас, ворислар ўртасида тожу таҳт талашуви бошланади. Ўша пайтларда Самарқандда сарой доирасида бекарорлик ва парокандалик хукм сурар эди. Гарчи Темурнинг ўртанча ўғли Мироншоҳ ҳамда Хурсон ноиби оқил ва тадбиркор кенжা ўғли Шоҳруҳ Мирзолар барҳаёт бўлсалар-да, соҳибқирон ҳаётлик чоғидаёқ ўзига валиахд этиб на-бираси — ўша вақтдаги Хиндистон ва Қобул вилоятларининг хукмдори Пирмуҳаммадни тайинлаган эди. Пирмуҳаммадни таҳтга ўтказиш

тарафдолари кучли бўлса-да, бирок Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Мирзо 1405 йилнинг 18 март куни Самарқандни эгаллаб, узини Мовароуннаҳрнинг олий хукмдори деб эълон қиласди. Пирмуҳаммаднинг йўлини тўсиб, унинг режаларини бузиб юбориш ниятида ҳатто у Амударёнинг ўнг томонидаги ерларни ҳам ўз тасарруфига олади.

Халил Султон гарчи Темурдан қолган ҳазиналар воситасида соҳибқироннинг нуфузли аъён ва киборларидан маълум қисмини ўз тарафига оғдириб, Мовароуннаҳр тахтини эгаллаб олган бўлса-да, аммо кўп вакт ўтмай, у Темурнинг садокатли амирлари, вилоят ноиблари ва шаҳзодаларнинг кучли норозилиги ва исёнига дуч келади. Биринчи бўлиб Туркистон ҳамда Фарғонанинг ҳокимлари Шайх Нуруддин билан амир Худайдод Халил Султонга қарши исъён кўтарадилар. Ҳатто унинг ўз укаси Мирзо Султон Ҳусайн Амударёнинг чап соҳили вилоятларида ўз ҳокимиётини ўрнатмоқ ниятида акасига қарши бош кўтаради. Ўз навбатида Темур тахтининг асосий валиахди Пирмуҳаммад Амударёдан кечиб ўтиб, Халил Султонга қарши Насафга томон аскар тортади. Темур салтанатида бошланган ўзаро урушлар шу тариқа авж олиб кетади.

Оқибатда Хурсонда Шоҳруҳ Мирзо; Балх, Ғазни ва Қандахорда Пирмуҳаммад; Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўғиллари Умар Мирзо билан Абубакр Мирзолар ҳокими мутлок бўлиб оладилар. Сирдарёдан шимолда жойлашган вилоятлар: Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрам амир Бердикекнинг тасарруфида қолади. Үратепа билан Фарғонани амир Худайдод Ҳусайнин эгаллаб олади. Хоразмни

эса Олтин Ўрданинг нуфузли амирларидан Иди-ку Ўзбек босиб олади.

Гарчи Шоҳруҳ 1405 — 1408 йилларда Ҳалил Султондан Самарқандни тортиб олиб, отаси Амир Темурнинг тожу таҳтини эгаллашга ҳаракат қиласа-да, аммо уддасидан чика олмайди. Бунга Балх, Сейистон, Хурросон ва Озарбайджонда темурий шаҳзодалар ва айрим иқтидорли амирларнинг бирин-кетин кутариб турган ғалаёнлари жиддий тўскинлик қиласиди. Ўзаро таҳт талашиш натижасида Темурнинг валиаҳди Пирмуҳаммад ва ўртанча ўғли Мироншоҳ ғалаён ва фитналарнинг курбони бўладилар. Пирмуҳаммад 1407 йил 22 февральда вазири Пир Али Тоз бошлиқ фитначилар қўлида шаҳид бўлади. 1408 йил 22 апрель куни Коракуюнли туркманларининг қабила бошлиғи Кораюсуф билан бўлган жангда Мироншоҳ ҳалок бўлади. Озарбайжон ва Ироқ вилоятлари темурийлар қўлидан кетади.

1409 йил баҳорида Мовароуннахрда вазият янада кескинлашади. Амир Ҳудайдод Ўратепа ва Шоҳруҳия шаҳарларини осонгина қўлга киритиб, Самарқандга томон аскар тортади. Шероз яқинида Зарафшон дарёси бўйида содир бўлган жангда Ҳалил Султон қўшини мағлубиятга учрайди, ўзи эса асирга олинади. Ҳудди шу даврда Сейистон ҳокими Шоҳ Кутбuddин ва Кирмон ҳокими Султон Увайсларнинг кўзғолонини бостириб, бу вилоятда тўла осойишталик ўрнатишга улгурган Шоҳруҳ эндиликда бутун эътиборини Мовароуннахрга қаратади. Чунки у ота юртидаги ҳодисаларга лоқайд қарай олмасди. 1409 йил 25 апрелида у Амударёдан ўтиб, Самарқанд сари юриш

қилади ва жангсиз шаҳарни эгаллашга мусасар бўлади.

Темур вафотидан кейин қарийб беш йил давом этган ўзаро феодал уруш ва исёнлар, шубҳасиз мамлакат аҳолисининг иқтисодий аҳволига кескин таъсир этиб, халқнинг жиддий норозилигига сабаб бўлган эди. Темурийзодалар олий ҳокимият учун, ноиблар ўз вилоятларида мустақил бўлиб олиш учун қурашардилар. Бундай бошбошдоқликка хотима бериш максадида Шоҳруҳ бошлаган ҳаракат мамлакат фуқоросининг кўпгина табақалари томонидан қувватланади. Шу боисдан Шоҳруҳ Темур ҳукмронлиги ўрнатилган вилоятларни ўз қўл остига олишга ҳамда мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга муттасил ҳаракат қилади. 1420-йилларга келиб у Темур меросининг, Сурия ва Арабистондан ташқари, асосий қисмини ўз тасарруфига олади. Шоҳруҳ бундан буён мамлакатни бошқаришда Темурийзода ва нуфузли амирлардан иборат ҳокимларнинг аксариятига ишончсизлик билан қарайди. Уларнинг ўрнига деярлик ҳамма вилоятларда ўз ўғиллари ва набираларини ҳамда ўзига яқин тутган қариндошларини ноибликка тайинлайди. Шоҳруҳ Балх билан Бадахшон вилоятларини Иброҳим Султонга, Кобул, Ғазни ва Қандаҳорни Қайду Мирзога, Хурсоннинг бир қисмини ҳамда Ҳабушон, Нисо, Обивард вилоятларини Бойсункур Мирзога, Эроннинг ғарбий үлкалари ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисмини Султон Мұҳаммадга, Форс вилоятини Абдулла Мирзога суюргол тариқасида инъом қилди. Шу йўл билан мамлакатни бошқариш енгил бўлади, деб ўйлади. Бирок, натижа Шоҳруҳ кутган-

дек бўлиб чикмайди. Бунга Шоҳруҳ кейинрок невараси Султон Муҳаммаднинг (Бойсунқур Мирзонинг ўғли) қилмишларидан сўнг ишонч ҳосил қиласди. Султон Муҳаммад Эронга ҳоким қилиб тайинлангач, бобосига ноиблик қилишдан бўйин тоблаб, ўзбошимчалик билан ўз ерларини кенгайтиришга киришади. Шоҳруҳ итоатсиз набирасига қарши қўшин тортишга мажбур бўлади.

Шоҳруҳнинг узок ҳукмронлик даврида Темур давлатининг асосий қисми унинг кўл остида сақланиб қолса-да, аммо бу улкан мамлакат икки давлатга бўлинган эди. Улардан бири Амударёдан жанубда жойлашган Шоҳруҳ давлати бўлиб, унинг маркази Ҳирот шахри эди. Иккинчиси эса, Амударёдан шимолда Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган Улуғбек давлати бўлиб, Самарқанд унинг пойтахти эди.

1409 йилда Шоҳруҳ Самарқанддан Ҳиротга қайтиш олдида ўн беш ёшли Мирзо Улуғбекни Мовароуннаҳр билан Туркистонга ҳоким қилиб тайинлайди. Шаҳзода балоғатга етгунга қадар давлатни бошқаришни Шоҳруҳ ўзининг содик амалдорларидан бири Муборизуддин Шоҳмаликнинг ихтиёрига топширади.

Улуғбекнинг асли исми Муҳаммад Тўрғай бўлиб, у Темурнинг Яқин Шарққа беш йиллик юришлари вақтида 1394 йил 22 марта Султония шаҳрида таваллуд топади. У Темур Ўрдугоҳи ва саройида катта онаси Сароймулхоним ва онаси Гавҳаршодбегимларнинг бевосита паноҳида тарбияланади. Соҳибқироннинг бошқа набиралари қаторида у Темурнинг ҳарбий юришлари ва сарой анъаналарида ишти-

рок этади. Тўрт ёшидан бошлаб Улуғбек қисса-хон Ҳамза ибн Али (Шайх Озорий) тарбиясида бўлади. Ундан хат, савод ва ҳисоб бўйича илк сабоқлар олади. Кейинчалик Улуғбекка оталик этиб амир Шоҳмалик тайинланади. Оталикдан у давлатни идёра қилиш санъати (лавозимларга мансабдор шаҳсларни тайинлаш, солик тўплаш, руҳонийлар, амалдорлар ва ўзга юртлардан ташриф буюрган элчиларни қабул қилиш каби тартиб қоидалар) ни ўрганди. Улуғбек 12 ёшга қадам қўяркан, уни Муҳаммад Султоннинг қизи Ўгайбегимга унаштиришади. Она томонидан Ўгайбегимнинг наслу-насаби Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312 — 1342 йиллар) хонадонига мансуб бўлгани туфайли Улуғбек ҳам бобоси каби «қўрагон» унвонига сазовар бўлади.

Улуғбек давлати жанубда Амударё, Фарбда Бухоро воҳасига туташиб кетган Ўрганжий дашти (Марказий Қизилқум) нинг шарқий чеккалари, шимолда Сирдарёning қуи оқимидағи Сифноқ ва Ўтрор шаҳарлари, шарқ ва шимоли-шарқда Шарқий Туркистон билан чегараланаар эди. Улуғбек, гарчи Мовароуннаҳр билан Туркистоннинг ҳокими деб эълон қилинган бўлса-да, аслида унинг ҳокимияти даставвал фактат Самарқанд, Бухоро, ва Насаф вилоятлари билангиша чекланади. Чунки Шоҳруҳ, аввал бошдан Фарғонани то Ўзгангача Амирак Аҳмадга, Ҳисори Шодмонни Муҳаммад Жаҳонгирга инъом қилиб, Улуғбекни бирмунча чеклаб қўяди. Туркистон эса Шайх Нуруддининг тасарруфида эди. Ўша вактда у на Улуғбек ва на Шоҳруҳни тан оларди. Шунинг учун мамлакат хали нотинч эди.

Шайх Нуриддин Туркистон билан ҳам қа-

ноатланмайди. 1410 йилда у Мұхаммад Жаҳонгир билан ҳамда Янги ва Сайрам вилоятларининг ҳокими амир Абдулҳолик шунингдек окурдалиқ хонзодалардан Чингиз Ўғлонлар билан иттифок тузиб, темурийларга қарши исъён күтаради. Ўша йили 20 апрелда Самарқанд яқинидаги Қизилравот мавзеида исёнкор иттифоқчилар билан Мирзо Улугбек ва Шоҳмаликларнинг қўшинлари ўртасида жанг бўлади. Жангда Улуғбек мағлубиятга учраб Калифга чекинади. Шоҳруҳ 1410 йилнинг ёзида исёни бостириш учун катта куч билан Самарқандга етиб келади. Шайх Нуруддин исёни бостирилгач, Сирдарёning ўнг соҳилида жойлашган шаҳарлар: Тошкент, Ясси, Саброн, Сайром, Янги қайтадан темурийлар давлати таркибиغا қўшиб олинади ва бу үлкаларни идора қилиш ҳам Улугбекнинг зиммасига юкланди.

Ўша пайтларда Улуғбек билан Шоҳмаликнинг муносабатлари бузилиб қолади. Чунки шухратпарамот оталиқ Улуғбекни давлат ишларига яқин йўлатмай, ҳатто у билан ҳисоблашмай ҳам қўйган эди. Шу сабабли Шоҳруҳ 1412 йилда Шоҳмаликни Самарқанддан олиб кетишга мажбур бўлади. Ўша вақтдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Туркистонни бошқариш батамом 18 яшар Улуғбек қўлига ўтади.

Мамлакатда маълум даражада ҳокими мутлақ бўлиб олган Улуғбек эндиликда Фарғона ни амакивачаси Амирак Аҳмад қўлидан тортиб олиб, бу үлкада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилади. Ўз мақсадини амалга ошириш учун у дастлабки мустақил ҳаракатини Фарғонага юришдан бошлайди. 1414 йилда у амирлари Мусо ака, Мұхаммад Тобон ва Али-

лар бошчилигида катта қүшин билан Фарғонага боради. Улуғбекнинг қўшинига бас келишга кўзи етмаган Амирак Аҳмад жангсиз Андижон ва Ахсини топшириб, Ўш ва Олай орқали Қашғарга қочади. Аммо орадан кўп вакт ўтмай Қашғар ҳокимининг мадади билан Фарғонани қайтариб олади. Ўш яқинида жангда Улуғбек қўшини мағлубиятга учрайди. Мусо ака, Муҳаммад Тобон ва Али каби номдор баҳодирлар ҳалок бўладилар. Бу воқеадан сўнг Улуғбек 1415 йилнинг баҳорида Фарғонага иккинчи марта қўшин тортишга мажбур бўлади. Бу гал ҳам Амирак Аҳмад Улуғбекдан чўчиб яна Қашғарга қочади. Шоҳруҳнинг Амирак Аҳмад номига ишончнома юбориб бу ишга аралашуви туфайли шоҳзодалар ўртасидаги ўзаро низо ҳал этилиб, Фарғона ҳам, Қашғар ҳам Улуғбекнинг қўлига ўтади.

1413 йилда Шоҳруҳ томонидан Хоразм Олтин Ўрда хонлари тасарруфидан қайтариб олингач, Улуғбек давлатининг ғарбий ва жанубий чегараларининг ҳавфсизлиги муқимлашган бўлса-да, аммо унинг шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий томонлари хали хавотирли эди. Шу сабабли Улуғбек бу даврда Даشتி Қипчоқда бошланган ўзбек шахзодаларининг ўзаро низоларига ҳамда Мўғулистонда авж олган ички курашларга жиддий эътибор беришга ва аралашибга мажбур бўлади.

Улуғбек кўмаги билан Даشتти Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари улусида Бароқ ўғлон, Мўгулистонда Шермуҳаммад ўғлон ҳокимиятни қўлга оладилар. Бу шаҳзодалар орқали Улуғбек икки қўшни ўлкада ўз сиёсатини ўтказиши мўлжаллаган эди. Бироқ хонлар Улуғбекнинг ишончини оқламайдилар. Шундан сўнг

Улугбек отасининг ризоси билан 1425 йилнинг эрта баҳорида Мӯғулистон устига юриш бошлайди. Иссиққўл яқинида содир бўлган тўкнашувда Улуғбек мӯғуллар устидан ғалаба қозонади ва катта ўлжа билан Самарқандга қайтади. Ўлжалар орасида икки бўлак нефрит (кош) тоши ҳам бор эди. Кейинчалик бу нефритдан Амир Темур сағанасига қабр тоши ясатирилади. Мӯғулистон уруши Улуғбек томонидан мамлакатнинг яхлитлиги ва ҳавфсизлигини сақлаб қолиш мақсадида олиб борилган урушлар ичида энг зафарлиси бўлган эди. Бу зафарли юришнинг нишони тарзида Жиззах яқинидаги Илонўтти дарасида ҳижрий 828 (1428) йилда Улуғбек томонидан қоятошга ёздирилган ўзига хос «Зафарнома» ҳозирги кунгача сақланган.

Орадан икки йил ўтгач, 1427 йилда Улуғбек Даҳти Қипчоқда ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олган Бароқ ўғлонга қарши юришга мажбур бўлади. Улуғбек ёрдами билан ўзбеклар улусида таҳтдор бўлиб олган Бароқ ўғлон, унинг мурувватини унутиб, эндиликда Сирдарё бўйидаги Ўтрор, Саброн ва Сифноқ сингари шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги ерларга даъвогар бўлиб чиқади. Бу шаҳарлар атрофини талаб Сифноққача бўлган ерларни эгаллаб олади. Улуғбек Бароқ ўғлонга қарши кўшин тортади. Шоҳруҳ кичик ўғли Жўқийни кўшин билан тезда Улуғбекка ёрдамга юборади. Лекин Улуғбекнинг омади келмади. Бароқхон Сифноқ яқинида тунда Улуғбек кўшинига тусатдан ҳужум қилиб унга қаттиқ зарба беради. Улуғбек аввал Тошкентга, сўнгра Самарқандгача чекинишга мажбур бўлди. Бароқ ўғлоннинг лашқари уни Самарқанд остоналари-

гача таъкиб қилиб боради. Ясси, Саброн, Тошкент, Шоҳруҳия, Самарқанд ва Бухоронинг теварак-атрофидаги қишлоқларни талаб қайтади. Бу мағлубиятдан кейин Улуғбек эл-юрт ва отаси олдида юзи шувит бўлиб, Самарқанд таҳтидан ва Мовароуннаҳр ҳокимлигидан ажралишига оз қолади. Чунки аҳоли орасида Улуғбек ва унинг кўшинига нисбатан норозилик пайдо бўлади. Сифноқ мағлубиятидан кейин Улуғбек, гарчи умрининг охиригача ўзга вилоятларга мустақил ҳарбий юриш уюштиришга журъат қилмаган бўлса-да, аммо 30 — 40- йиллари отаси Шоҳруҳ билан бирга Дашти Қипчоқнинг Шарқий кисмини ўзига бўйсундирган Абулхайрхон (1428 — 1468) га қарши кураш олиб боришга тўғри келади. Кўчманчилар ҳар йили, айниқса қиши фаслида Мовароуннаҳрнинг ички ноҳияларига бостириб кирава ўтрок аҳолини форат қилиб қайтардилар. Масалан, Абулхайрхон етакчилигига кўчманчилар 1431 ва 1435 йиллари Хоразмгача бостириб кириб, унинг ғарбий кисмини Урганч билан бирга забт этадилар. Бирок Даҳти Қипчоқ кўчманчилари ва Абулхайрхон билан курашиш Улуғбек билан Шоҳруҳ учун осон бўлмади.

Шундай қилиб, Мовароуннаҳрни идора этишда, айниқса мамлакат ташки сиёсатида Улуғбек, айрим ҳоллардагина, мустақил ҳаракат қилган бўлса-да, аммо аслида у салтанат олий хукмдори Шоҳруҳнинг Мовароуннаҳрдаги интизомли ва итоаткор ноиби бўлиб қолади. Ҳутбага отасининг номини қўярди, тангалар ҳам Шоҳруҳ номи билан зарб килинарди. Ташки ва ички сиёсатга алоқадор ҳар қандай масалани у отаси билан маслаҳатлашиб ва келишиб, унинг рози-ризолиги билан ҳал этишга

ҳаракат қиласи. Вакти-вақти билан у Ҳиротга катта совға-саломлар олиб борар, отасини улус аҳволидан воқиф қилиб турарди, Мовароуннахр хирожининг бир қисмини унинг хазинасига жўнатиб туришга, Шоҳруҳнинг ҳарбий юришлари вақтида унга маълум миқдорда аскар, от-улов, озиқ-овқат ва қурол-аслаҳа юборишга мажбур эди.

Шоҳруҳ 1447 йил 12 март куни невараси Султон Муҳаммад (Бойсунқурнинг ўғли) исёнини бостириш вақтида бетобланиб Рай вилоятида оламдан ўтади. Шоҳруҳ ва унинг фарзандлари, неваралари хукмронлиги даврида бошқа темурий шаҳзодаларнинг мавқеи жуда пасайиб кетган эди. Шоҳруҳ вафот этиши биланоқ Ҳуросон ва Моваруннахрда улар ўртасида тожу тахт учун кураш яна авжга миниб, мамлакатни бекарорлик чулғаб олади. Одатга кўра, тахтга Шоҳруҳнинг тўнғич ўғли Улуғбек ўтириши керак эди. Аммо Бойсунқурнинг ўғиллари Олоуддавла билан Абулқосим Бобур Улуғбекка қарши ҳаракат бошлидилар. Ҳуросон ва Ҳиротни Олоуддовла, Мозондарон ва Жўржонни Абулқосим Бобур, Ғарбий Эрон билан Форсни Султон Муҳаммад эгаллаб, ҳокими мутлақ бўлиб оладилар. Муҳаммад Жўкий (1444 йили вафот этган)нинг кичик ўғли Абубакир эса оғаси Муҳаммад Қосимга қарши қурол кўтариб, ундан Балх, Шибирғон, Қундуз ва Бағлон вилоятларини тортиб олади. Ўзбошимча шаҳзодаларга қарши Улуғбек қўшин билан чиқишига ва улар билан музокаралар олиб бориб келишишга мажбур бўлади. Чунки, 1447 йилнинг апрелида Олоуддавла Улуғбекнинг ўғли Абдуллатифнинг қўшинини Нишопур яқинида тор-мор қилиб, узини асирга

олган ва Ҳиротга келтириб Ихтиёруддин қалъасига қамаб қўйган эди. Абдулатифнинг ҳәти таҳлика остида қолгач, Улуғбек Олоуддавла билан сулқ тузишга мажбур булади. Ҳар икки тараф ҳам сиёсий вазиятга кўра урушни давом эттиришдан манфаатдор эмас эди. Чунки бошбошдоқлик авжига минган, ҳар бир шаҳзода Ҳирот тахтига даъвогар бўлиб, ўзича кураш олиб борар эди. Битимга кўра, Абдуллатиф озод қилиниб, Улуғбек эса Ҳирот ва Хурсонга бўлган даъвосидан воз кечади. Бирок кўп вақт ўтмай Абдуллатиф билан Олоуддавла муносабатлари яна кескинлашиб кетади. 1448 йилнинг баҳорида Улуғбек ва Абдуллатифнинг 90 минглик бирлашган қўшини Ҳиротга юриш қиласиди. Тарноб яқинида бўлган жангда Олоуддавла қўшини тор-мор келтирилиб, Ҳирот қўлга киритилади. Бу ғалабадан сўнг Абдуллатиф, гарчи бобоси Шоҳруҳнинг Ҳирогдаги тахтига ўтиришга мусассар бўлсада, аммо унда отасига нисбатан адоват пайдо бўлади. Чунки ғалаба тўғрисида теваракатрофга юборилган фатҳномаларда Абдуллатифнинг номи иниси Абдулазиздан сўнг тилга олинади. Унинг Ихтиёруддин қалъасидаги ҳазинаси Улуғбек томонидан олиб қўйилиб, маълум даражадаadolatsizlik ва меҳрибонсизликка йўл қўйилган эди. Бу шубҳасиз, ўта шухратпараст, ҳамда мол-дунёга уч Абдуллатиф учун етарли баҳонайи сабаб бўлади. У отасининг душманлари билан яширин тарзда тил бириткириб, зимдан Улуғбекка қарши харакат кила бошлийди. Авваламбор Абдуллатиф Ҳиротда бор йўғи ўн беш кун ҳокимлик қиласиди. Абдулқосим Бобур қўшинининг шаҳарга яқинлашиб келаётганидан хабар топиб, пойтахтни

жангиз бүшатиб, Мовароуннахр томон қочади. Улуғбек фармони билан Балҳга ноиб қилиб тайинлангач, вилоятда «тамға» (бож) ни бекор қилиб, савдогарларни ўз тарафига оғдириб олади. Отасидан норози бўлган амирларни атрофига тўплайди. Ҳатто Абулқосим Бобур билан боғланиб, уни Улуғбекка қарши биргаликда курашишга ундейди. Шундай қилиб, Абдуллатиф ўз отасига қарши очикдан очик душманлик йўлига ўтади. Давлатнинг яхлитлигини сақлаб қолмок учун Улуғбекда ўзининг исъёенкор ва маккор ўғлига қарши юриш Килишдан бошқа илож қолмайди. Айни замонда мамлакатда сиёсий вазият жуда кескинлашиб, Улуғбекнинг аҳволи янада мушкуллашади. Бундай қалтис вазиятдан Дасти Қипчоқ кўчманчилари ҳам фойдаланиб қолишга ҳарарат қиласди.

Хиротдан Самарқандга қайтар экан, Улуғбек олд томондан Дасти Қипчоқ кўчманчиларининг ҳужумига дучор бўлади. Абулхайрхон бошчилидаги кўчманчилар ушанда Тошкент, Шоҳруҳия, Самарқанд ва Бухоро теварагидаги қишлоқларни талаб, подшоҳ ва йирик мансабдорларнинг шаҳар атрофидаги чорбоғ ва кўшкларини, жумладан Боғимайдон, Чилсутун, Чиннихона каби кўпгина гўзал меъморий қасрларни вайрон қиласди. Икки тарафдан келган душманлар билан тўқнашувлар оқибатида Улуғбек қўшини каттиқ шикаст топиб, заифлашиб қолади. Шу вақтда Улуғбекнинг Самарқандда вактинчалик ноиб қилиб қолдирилган кичик ўғли Абдулазизга қарши Самарқанд амирларининг норозилиги кучайиб, Улуғбекнинг уни бартараф қилишга мажбур бўлади. Отасининг кийин аҳволда колганини кузади.

тиб турган Абдуллатиф қулай фурсатдан фойдаланиб, бош кўтаради ва Амударёдан кечиб ўтиб, Термиз, Кеш ва Ҳузорни осонгина забт этади. Сўнгра Самарқандга қараб йўл олади. 1449 йил октябрда пойтахт яқинидаги Дамашқ Кишлоғи ёнида каттиқ жанг бўлади ва бу жангда Улуғбек енгилади. Самарқанд амири Мироншоҳ Қавчин шаҳар дарвозаларини беркиттириб Улуғбекни ичкарига киришга кўймайди. У Шоҳруҳияга ҳам киролмайди ва Абдуллатифга таслим бўлишга мажбур бўлади. Шаҳар қозиси Шамсуддин Мухаммад Мискиннинг қаршилигига қарамасдан, Абдуллатиф Самарқанднинг жаҳолатпараст уламоларининг яширин фатвосини чиқартириб, отасининг ўлдирилишини уюштиради. Замонасининг машҳар олими ва ҳукмдори Мирзо Улуғбек 1449 йил 27 октябряда 55 ёшида Самарқанд яқинида фожиали суратда шахид бўлади.

Шундай қилиб, Улуғбек Мовароуннаҳри қирқ йил (1409 — 1449) идора қилди. Бу даврда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида кескин кураш давом этганлигига қарамай, бобоси Темурдан фарқли ўлароқ, у шиддатли харбий юришлар уюштириб, қўшни мамлакатларни босиб олишга интилмади. Аксинча, у ўз давлатини мустаҳкамлашга, мамлакат бирлигини сақлаб қолишга ва маданий ҳаётни кўтаришга ҳаракат килади.

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ИНҚИРОЗИ

Шоҳруҳ вафотидан кейин авж олиб кетган сиёсий кураш шуҳратпараст ва разил Абдуллатифни жаҳолатпарастлик ботқоғига батамом

ботириб, уни ёвуз инсонга — отасининг котилига айлантириди. Улуғбек шаҳид этилиб, орадан бир неча кун ўтгач таҳт даъвогарларидан қутулиш мақсадида у уз иниси Абдулазизни ҳамда отасига содик булган амирларни ҳам ўлдиририб, темурийларнинг Мовароуннаҳрдаги тоҷу таҳтини батамом эгаллаб олади. Гарчи ҳокимият мамлакат фукароси томонидан «падаркуш», яъни «ота қотили» деб лаънатланган Абдуллатиф ва унинг тарафдорлари қулига ўтган бўлса ҳам, аммо бу каттол шаҳзода падари бузруквори таҳтида узок вакт ўтиrolмади. Орадан олти ярим ой ўтар-ўтмас Абдуллатифга қарши саройда фитна уюштирилиб, у 1450 йил 9 май куни ўлдирилади. Бу қабих қотилнинг калласи танасидан жудо қилиниб, Регистон майдонида Мирзо Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйилади.

Бундай мудҳиш воқеадан сўнг ҳокимиятга бир вақтнинг ўзида Самарқандда Шоҳруҳнинг яна бир набираси, Улуғбекнинг севимли жияни ва куёви Мирзо Абдулла, Бухорода эса Мироншоҳнинг набираси Султон Абусаидлар подшоҳ қилиб кўтарилади. Абдулла мамлакатда барқарорликни тиклаш учун қўлидан келган барча чораларни кўрса-да, аммо у ҳам Самарқандда Темурийлар таҳтида узок вакт ўтира олмайди. У бор-йўғи бир йилдан сал кўпроқ ҳукмронлик қиласи. Аввал у амакиваччаси Абусаид билан, сўнгра қариндоши Олоуддавла билан курашади. Самарқандга бостириб келган Абусаид қўшинини тор-мор келтиради. Аламзода Абусаид Сирдарё бўйидаги Яssi ва Саброн атрофларига жойлашиб олади ва Мирзо Абдуллага қарши яна куч тўплайди. Даشت Кипчок ўзбекларининг хони Абулхайрхонга ёр-


дам сўраб мурожаат қиласи. Катта улжалар беришни ваъда қилиб, Мирзо Абдуллага қарши у билан битим тузади.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда муттасил давом этиб турган ўзаро курашлар кўчманчи қабилалар учун жуда қўл келади. Улар мамлакатнинг сиёсий ҳаётига тез-тез аралашиб, ички низоларнинг у ёки бу шаҳзода фойдасига ҳал булишига фаол таъсир курсата бошлайдилар. 1451 йилда Абулхайрхон катта қушин билан Абусаид иштирокида Тошкент, Чинос ва Жizzах орқали Самарқандга юриш қиласи. Шероз қишлоғи яқинида Булунғур анҳори ёқасида жанг бўлади. Маҳорабада иттифоқчилар ғалаба қозонади. Мирзо Абдулла жангда ҳалок бўлади. Шундай қилиб, Абулхайрхоннинг қўшинлари ёрдамида 1451 йилда Абусаид Самарқанд таҳтини эгаллаб, Мовароуннаҳрга ҳоким бўлиб олади.

Шоҳруҳнинг набираси Абулқосим Бобур 1452 йилда Ҳиротни эгаллаб, Темурийлар давлатининг Хуросон қисмини ўз тасарруфига киритди. 1457 йил баҳоригача, яъни вафотига қадар Хуросонни ўз кўлида тутиб туради. Хуросон билан Мовароуннаҳр ўртасида низолар давом этади. Хуросонда феодал таркоқлик авж олади. Темурийлар даври муарриҳларининг ёзишича, бу даврда Хуросон ўн бир бўлакка бўлиниб кетади. Ҳондамирнинг айтишича, уларнинг ҳар бири ўзича мустақил ҳокимлик эди. Астрободдан Сабзорвогра қадарли ерларни Мирзо Жаҳоншоҳ ўзига қаратган эди. Балхда Абусаид хукмдорлик қиласи бўлакка бўйсунмас эди. Мавлоно Аҳмад Ясовул Иҳтиёруддин қалъасини босиб олган эди. Мирзо Сул-

тон Санжар Марвда истикомат қиларди. Мирзо Шоҳмаҳмуд Тусда туриб, ўз ҳаёлида истиклол нақшини чизарди. Пирко мӯғул Нурота қалъасини ишғол қилган эди. Амир Абдулла Сарахс қўрғонини мудофаа қиларди. Малик Қосим Валадий ва Амир Искандарий Қоражосуфлар Амир Халил билан иттифок тузиб Сейистон вилоятининг Фарроҳ ва Исфизоргача бўлган ерларини қўлга киритган эди. Хабушон қалъасида Ҳасан Шайхтемур сардорлик вазифасини ўтарди. Сабас қалъаси Амир Увайс Ховандшоҳ қўл остида эди. Обивард қалъасида эса Мирзо Олоуддавла қарор топган эди. Мамлакатнинг бир-бирига карши бўлган майда бўлакларга бўлиниб кетиши, улар ўртасида уруш-талашларнинг тўхтовсиз давом этиши аҳолининг моддий ва маънавий ҳаётига қаттиқ путур етказиб, иктисадий жиҳатдан давлатни нихоятда танг аҳволга тушириб қўйган эди. Абулқосим Бобур Хурросонни батамом ўз тасрруфига кирита олмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда майда феодалларнинг мустақил ҳокимилигига барҳам беради. Бироқ 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот қилгач, вазият яна мушкуллашади. Хурросонда ҳам, Ҳиротда ҳам ҳокимияти дъво қилувчилар кўп бўлса-да, лекин уларнинг бирортаси давлатни идора қила оладиган кучга эга эмас эди. Бундай қулий вазиятдан фойдаланган Абусаид 1457 йилда Ҳирот таҳтини эгаллайди ва Темурийлар давлатининг ҳар икки қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлади. Бироқ унинг ҳокимияти ҳам мустаҳкам эмас эди. Чунки Абусаид Хурросонда ҳам, Эронда ҳам вилоят ҳокимлари нинг мустақил ҳукмронликка интилишларига барҳам бера олмади, мамлакатда феодал тар-

XIV АСР ОХИРИ ВА XV АСР БОШИДА ТЕМУР ДАВЛАТИ



қоқлиги давом этди. Айниқса уни Абулқосим Бобур вафотидан кейин Хоразмни эгаллаб олган Султон Ҳусайн (Умаршайхнинг эвараси) нинг ҳарбий харакатлари ҳаммадан кўпроқ ташвишлантиради. Гарчи Абусаиддек кучли ҳокимга қарши курашиш қийин бўлса-да, Султон Ҳусайн 15- аср 60- йилларининг бошларида катта куч билан Ҳурсонда пайдо бўлади. У Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва бошқа вилоятларда гоҳ муваффакиятли, гоҳ муваффакиятсиз тарзда ҳаракат қиласи.

1469 йилнинг эрта баҳорида Абусаид Озарбайжон, Ғарбий Эрон ва Ироққача бўлган вилоятларни эгаллаб турган Оққўюнлу туркманларига қарши юриш қиласи. Озарбайжондаги Мўғон чўлида Оққўюнлуларнинг ҳокими Узун Ҳасан (1453 — 1478) билан бўлган жангда Абусаид ҳалок бўлади. Унинг ворислари отаси ўлимидан сунг, Султон Ҳусайн билан тўқнашишга журъат эта олмай, Мовароуннаҳрга қайтадилар. 1469 йил 24 марта Султон Ҳусайн Ҳурсоннинг ҳокими сифатида тантана билан Ҳиротга кириб боради. Натижада Темурийлар давлати яна икки мустақил қисмга: Султон Ҳусайн ҳукмронлигидаги Ҳурсон ҳамда Абусаид ворисларига ўтган Мовароуннаҳрга булиниб кетади.

Мовароуннаҳрда Абусаиднинг ўғилларидан аввал Султон Аҳмад (1469 — 1493), кейин Султон Маҳмуд (1493 — 1494) ва ниҳоят Маҳмуднинг ўғли Султон Али (1494 — 1501) мустақил ҳокимлик қиласи. Бироқ Мовароуннаҳр ҳукмдори, хусусан Султон Аҳмаднинг уқувсизлиги ва сусткашлиги туфайли мамлакатда феодал тарқоқлик янада авж олади. Бу вактда Мовароуннаҳр деярлик мустақил бўлиб олиб,

ўзаро низолашаётган Темурий шаҳзодалар ёки мулкдор феодал зодагонлар бошчилик қилиб турган кўпдан-кўп вилоятларга бўлиниб кетган эди. Мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳәётида сўфийлик таълимоти йирик намоёндаларининг таъсири беҳад кучайиб, унинг сиёсий турмушида ҳам улар муҳим роль ўйнай бошлаган эдилар. Масалан, мамлакат уруш хавфи остида қолиб, эл-юрт бошига катта ташвишлар тушган пайтларда сўфийлик тариқотининг йирик намояндадаридан бири Хўжа Убайдулло Ахрор (1404 — 1492) юрт бошига тушган мусибатларни даф қилиш йўлида бир неча бор жонбозлик кўрсатган эди. 1454 йилда Хуросон ҳокими Абулқосим Бобур Мовароуннахрга бостириб кириб, Самарқандни қамалга олганда, 1463 йили уч ҳукмдор: Самарқанд ноиби Султон Аҳмад бир тарафдан, Андижондан Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзо билан Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон иккинчи тарафдан Ховос яқинида катта қўшин билан муқобил турганда, сўнгра Абдуллатифнинг ўғли Муҳаммад Жўқий билан Амир Нурсаидбек Нурота ва Шоҳруҳия теварагида қўзғолон кўтарганида Хўжа Убайдулло Ахрор мажароларга катъиян аралашиб, рақибларни ярашишга мажбур этади.

Султон Ҳусайннинг давлати Амударёning жануб ва ғарб томонида жойлашган бўлиб, у ўз тасарруфида Хуросон, Хоразм ҳамда Эроннинг шарқий ва шимолий вилоятларини бирлаштирган эди. У темурийларнинг қарийб 40 йил ҳукм сурган сўнгги йирик давлати бўлиб, бу давлатда ҳам сиёсий вазият осойишта эмас эди. Хуросонда бетұхтов давом этган ўзаро феодал урушларига, шаҳзода ва амир-

ларнинг бошбошдоқлигига қарамай мамлакатнинг хўжалик ва маданий ҳаёти Мовароуннахдагига қараганда анча юксак даражада бўлган. Мамлакатнинг обод этилиб, равнак топишида, унда барқарорлик ўрнатиб, бирлигини саклаб туришда замонасининг тадбиркор ва доно ҳукмдори Султон Ҳусайн билан бир қаторда буюк адиб ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ҳам хизмати ниҳоятда катта бўлди.

Алишер Навоий 1441 йилда Ҳиротда дунёга келган. Унинг имтиёзли барлос баҳодирларидан бўлган отаси ва бобосининг каттагина ер-сувлари ва бошқа мол-мулклари бўлган. Султон Ҳусайн билан Алишер мактабдош эдилар. Улар болалик ҷоғларидаёқ Ҳуресоннинг ҳукмдори Абулқосим Бобур хизматида бўлганлар. Унинг вафотидан сўнг Султон Ҳусайн билан Алишер 12 йил давомида бошқа бошқа шаҳарларда бўлишади. Ҳусайн бу даврда аввал Ҳоразмда, сўнгра Ҳуресоннинг Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва бошқа вилоятларида «дарбадарликда» (қозоқликда) юриб куч тўплайди ва турли жойларда Абусаидга қарши исён кўтаради. Алишер Навоий бу йиллар Машҳад ва Ҳирот мадрасаларида ўқиёди. Ўша пайтлардаёқ у шоирлик истеъоди туфайли катта шуҳрат қозонган эди. Ёшликтан Султон Ҳусайн билан яқин бўлган Алишер ўзига нисбатан Абусаидда адоват кайфиятини сезгач, Самарқандга кетиб, маълум муддат у ерда яшашга мажбур бўлади. Самарқандда у илм-фан ва шеърият билан машгул бўлди. Фалакиётшунослик, риёзиёт ҳикматшунослик, муҳандислик илмини ўрганди. Бу борада унинг мадрасада икки йил олган таъ-

лими катта роль ўйнади. У машхур олим, фалсафа, мантиқ, ҳуқук, араб тили, адабиёт ва поэтиканинг уткир билимдони Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандийдан сабоқ олади. Султон Ҳусайн бир неча йил давом этган машақкатли жанглардан сўнг ниҳоят 1469 йилда Ҳиротни эгаллагач, Навоийни ўз хузурига таклиф этади. Алишерни у дастлаб муҳрдорлик лавозимига, 1472 йил бошида амир унвонини бериб, бош вазир қилиб тайин этади.

Султон Ҳусайн ҳукмронлигининг дастлабки даврида Алишер Навоий қўлидан келганча адолат үрнатиб, ҳалққа ғамхўрлик кўрсатди, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида катта роль ўйнади. У мамлакатда кучли, марказлашган феодал давлатнинг вужудга келиши, вилоятлар суғорилиб обод этилиши, қишлоқларда дәхқончилик, шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдонинг тараққий қилиши, адабиёт, санъат ва илм-маърифатнинг равнаки, давлатнинг ички барқарорлиги ва ташқи муносабатлари яхшиланиши, аҳолининг тинч ва осойишта яшashi учун барча имкониятлардан фойдаланди. Инсонпарварлик ғояларини рӯёбга чиқариш учун ҳаракат қилди. Давлатнинг бутунлигини саклаб қолиш мақсадида у Ҳурсонда кутарилган жиддий ҳалқ қўзғолонларини адолат тарозуси билан тинчлантирди. Лекин Султон Ҳусайн давлати Навоий кутганича бўлиб чиқмайди. Суюрғол тартибига асосланган бу давлатда, бир томондан, вилоят ҳукмдорлари, ҳатто тожу тахт валиаҳдлари Бадиuzzамон ва Мұҳаммад Султон исёнлари юз беради. Иккинчи томондан, оғир феодал зулми оқибатида Ҳирот ва вилоятларда ҳалқ қўзғолонлари кутарилади. Учинчидан, ўз манфаатларини кўзла-

ган очкүз сарой аёnlари Навоий ва унга хам-фикр бўлган шахсларга нисбатан фитна-фасодни ғоятда авж олдириб юбордилар. Бош вазирлик лавозимида турган Навоий 1476 йилда истеъро беришга мажбур бўлади. Кейинчалик уни саройдан, ҳатто пойтахтдан узоклаштиришга Султон Ҳусайнни ҳам кўндирилар. Унинг мамлакат осойишталиги ва эл фаровонлиги учун қилган саъй-ҳаракатларига жиддий зарба берилади.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳукм сурган танглик, кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга олишини, Темурийлар сулоласини ағдариб ташлашни осонлаштириди.

Темурийлар салтанатнинг шимолида ва унга бевосита ёндошган Дашиби Қипчоқда ташкил топган Шайбон улусининг султонлари кучайиб бормоқда эдилар. Бу улуснинг чорвадор қабилалари тарихда «ўзбек», яъни «ўзига ўзи бек» номи билан шуҳрат топган эди. Чорвадор ўзбек қабилалари Мовароуннаҳр аҳолиси билан этник ва тил жиҳатдан жуда яқин эдилар. Мовароуннаҳрда содир бўлган сиёсий танглик ва парокандалик даврларида ўзбек султонлари гоҳ темурзодаларга ёрдам бериб, Самарқанд таҳтига улардан бирини ўтказиб, катта инъомлар олар, гоҳ лашкар тортиб унинг обод шаҳар ва қишлоқларини талаб қайтардилар. 15-аср охири — 16-аср бошида Шайбонийхон бошлиқ ўзбеклар Мовароуннаҳрга томон шиддат билан юриш бошлаганларида, уларга на Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзо, на Бухоро ноиби Муҳаммад Боки тархон, на Тошкент ҳокими Маҳмудхон ва на кексайиб қолган Ҳирот ҳукм-

дори Султон Ҳусайн ҳам бардош бера олмаган. Қисқа муддат ичиде Темурийлар салтанати террориясини қўлга киритган Шайбонийхон бу диёрда уз давлатини барпо этишга мұяссар бўлди. Шу аснода темурзодалардан бўлган Фарғона ҳокими ёшгина Заҳириддин Муҳаммад Бобур Темурийлар салтанатини ҳимоя қилиш ва уни саклаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида муттасил кураш олиб борса-да, аммо мамлакатда ҳукм сурган оғир иқтисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида у душман устидан ғалаба козона олмайди. Ўз Ватанида омади келмаган Бобур Мовароуннаҳни тарқ этиб, ўзгалар юртига чиқиб кетишга мажбур бўлади. Аввал у Афғонистонни, сўнгра Ҳиндистонни бўйсундириб, Европа адабиётида «Буюк мўғуллар» номи билан маълум бўлган Бобурийлар салтанатига асос солади. Уч асрдан ортиқроқ давр давомида ҳукм сурган бу давлат паноҳида Ҳиндистон бирлашади, юксалади, равнақ топади ва шуҳрат қозонади.

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ХЎЖАЛИК ВА ЕР ЭГАЛИГИ

Мамлакатда тез-тез содир бўлиб турадиган ўзаро ички урушларга қарамасдан 15- асрда ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ҳамда қишлоқларида бирмунча ободончилик ишлари амалга оширилади. Мавжуд суғориш тармоқларини таъмирлаш ва кенгайтириш ҳамда янги ариқлар қазилиб, ободонлаштириш ишларига маълум даражада аҳамият берилади.

Дехқончилик воҳаларининг сув таъминоти тартибга солинади. Даштларга сув чиқарилиб янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Бу борада хусусий соҳибкорларнинг дашт жойлардан янги ерларни очиш, коризлар қазиб, боғлар барпо қилиш ва қаровсиз қолган ташландик ерларни суғориб обод этиш учун амалга оширилган ҳар қандай фаолият темурийлар томонидан қуллаб кувватланади. Ҳатто бундай соҳибкорлар бир-икки йил давомида ҳамма солик ва тўловлардан озод этилади.

Бу даврда темурийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв воҳаларида, Тус ҳамда Хирот ва унинг атрофида йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, айрим дехқончилик вилоятларининг сув таъминоти тубдан яхшиланади. Темурийлар ҳукмронлик қилған даврда амалга оширилган энг йирик суғориш иншоотларидан бири Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бош олувчи Даргом анҳоридан чиқарилган қадимги Анҳор каналининг қайта тикланиши бўлди. Замонасининг энг йирик суғориш тармоғи ҳисобланган бу канал орқали Зарафшон дарёси сувининг бир кисми Қашқадарёга ташланиб, унинг адогига жойлашган дехқончилик ерлари сув билан тўла таъминланади.

Бухоронинг қадимда суғорилган ерлари бўйлаб олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мӯғуллар босқини оқибатида бутунлай вайрон этилган воҳа сув хўжалиги 15- асрга келиб тўла тикланади. Унинг дехқончилик ер майдони бир мунча кенгайиб, суғориладиган ерлар чегараси Урганжий дاشти томон ичкарига қарийб 5 — 6 км кириб бо-

ради. Улуғбек хукмронлиги даврида (1409 — 1449) Бухоро воҳасининг жануби-шарқий чегарасига ёндашган Сомонжук даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилади.

Мурғоб дарёсининг мӯғуллар босқини даврида бузиб ташланган бош тӯғони Султонбанднинг Шоҳруҳ томонидан тикланиши ва суғориш тармоқларининг лойқадан тозаланиши туфайли Марв шаҳри ва Мурғоб воҳаси сув билан етарлича таъминланди ҳамда сувсизликдан қуриб қолган шаҳар атрофидаги ерларга қайта сув чиқариб, деҳқончилик ер майдони кенгайтирилди. Султон Ҳусайн Мирзо хукмронлик қилган даврда эса, унинг ташаббуси билан Марвируддан Янги ариқ чиқарилиб, каттагина ер майдони суғорилиб обод этилади.

Бу даврда Хирот ва Машҳад шаҳарлари атрофларида Алишер Навоийнинг ташаббуси билан амалга оширилган суғориш ишлари айниқса дикқатга сазовордир. Навоий Тус вилоятининг юқори қисмида жойлашган Чашмағул мавзеида Турукбанд сув омборини курдиради. Ўн фарсах (60 — 70 км) узунликда маҳсус канал қаздириб Турукбанд сув омборида жамғарилган сув Машҳадга олиб келинади. Натижада Машҳад шаҳрида сув таъминоти яхшиланиб, шаҳар атрофидаги ерларга ҳам сув чиқарилади ва обод этилади. Бу даврда муҳандислик суғориш иншоотлари қуриш ишлари бирмунча тараққий қиласиди. Темурийлар ва уларга тақлид қилувчи вилоят ҳокимлари томонидан Мовароуннаҳр ва Ҳурросон шаҳарлари атрофида истироҳат боғлари барпо этиш муносабати билан кўплаб суғориши тармоқлари чиқарилиб, улар тошховуз, дарғот,

наво, чиғир, чархпалак, қайнама, шаршара, осма күпприк, хандак, тазар ва сардобалар каби турли-туман сув иншоотлари билан жиҳозланади.

Кишлоқ хўжалигида ғалла, сабзавот ва полиз экинларининг ўша даврда маълум бўлган деярли ҳамма навлари етиширилган. Боғдорчиликка зўр аҳамият берилган, мевали дарахтларнинг кўпдан-кўп хиллари ўстирилиб, мамлакат аҳолиси ёзда тармева, қиш ва баҳор мавсумларида эса қуруқ мевалар билан таъминланган. Хўжаликнинг асосий турларидан яна бири чорвачилик эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида айниқса яйлов чорвачилиги: йилқичилик, қўйчилик, жумладан қоракўлчилик, туячилик, қорамолчилик ҳамда подачилик мухим ўрин тутган. Шубҳасиз, қишлоқ хўжалиги соҳасида етиширилган моддий бойликлар хоҳ у дехқончилик, хоҳ чорвачилик маҳсулотлари бўлмасин оддий меҳнаткаш халқнинг оғир ва мاشаққатли жисмоний меҳнати воситасида вужудга келтирилиб, унинг тақсимоти мамлакат аҳолиси табақаларининг ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари моҳиятини белгилаган.

Бутун 15- аср давомида Мовароуннаҳр ва Ҳуросонда аввалгидек ер ва мулқчиликнинг асосан тўрт шакли: мулки девоний — давлат ерлари, мулк — хусусий ерлар, мулки вақф — мадраса ва ибодатхоналар тасарруфидаги ерлар ва ниҳоят жамоа ерлари бўлган. Дехқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга аввалгидек мамлакат ҳукмдори сulton ёки амирлар эгалик қиласиди. Темурийлар даврида давлат ерларини суюргол тарзида инъом қилиш кенг тарқалади.

Суюргол ерлари майдони, шарти ҳамда ер

ва ёрлиққа эга бўлган шахсларнинг табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Одатда, шаҳар ёки вилоятлардан тортиб, то алоҳида кишлoқ-қача суюрғол шаклида инъом этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоятлар кўпинча ҳукмрон сулола намояндалари ёки йирик ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган. Бундай суюрғол ер ва мулклар кўпинча авлоддан-авлодга мерос бўлиб ҳам қоларди. Суюрғол эгасига ўз суюрғоли доирасида амалдорлар тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуки берилган. Абдураззок Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳруҳ даврида Хоразм — Шоҳмаликнинг; Фарғона — Мирзо Аҳмаднинг; Тус, Машҳад, Обивард, Нисони ўз ичига олган Хурсон — Бойсунтур Мирзонинг; Кобул, Фазна ва Кандаҳор вилоятлари Мирзо Қайду Баходирнинг суюрғоли эди. Суюрғол ёрлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга факат номигагина қарам бўлиб, одатда, улар деярли мустақил эди.

Суюрғол эгалари тобелигини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан улар тасарруфидаги ер майдонларини қисқартирар ёки уларнинг маъмурий ва адлия жиҳатидан ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб кўяр эди. Суюрғол эгаси марказий ҳукуматга бўйсунмаган тақдирда суюрғол ҳукуқидан маҳрум бўлар ва ҳоким унинг вилоятини бошқа шахсга берар эди. Бўйсунмагани учун Шоҳруҳ 1414 йилда Мирзо Искандарни, 1415 йилда эса Мирзо Бойкарони суюрғолдан маҳрум қилган.

Темурийлар даврида майдони жиҳатидан майда ва суюрғол эгасининг ҳақ-ҳуқуқи анчамунча чекланган суюрғол ерлари ҳам бўлган.

Бундай майда суюргол ерлари, одатда, хизмат кўрсатган кичик мансабдаги ҳарбийлардан тортиб, олий ҳукмдорнинг мунтазам гвардиясидаги аскарларигача берилган. Бобурнинг ёзишича, Султон Ҳусайн Бойқаронинг 14 минглик гвардияси ва 40 минглик мунтазам қўшини (ғул)нинг ҳар бир аскарига 80 жариб, яъни 40 танобдан ер берилган.<sup>1</sup> Навкарларга берилган бу ерлардан ҳам мутлақо солик ва тўловлар олинмаган.

Деҳқончилик майдонларининг бошқа каттагина қисми мулк мақомидаги ҳусусий ерлардан иборат эди. Шубҳасиз, йирик мулкдорларнинг катта ер майдонлари ҳам, меҳнаткаш зироатчиларнинг майда пайкаллари ҳам, ҳусусий мулк ерлари қаторига кирган. Мулк ерларининг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларнинг тасарруфида бўлган. Масалан, энг йирик мулкдорлардан Хўжа Ахрорнинг 1300 га яқин ер-мулки бор эди. Бу мулкларнинг айримлари 300 қўшга<sup>2</sup> teng бўлган.

Бу даврда бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига бирон хизмати учун тархонлик ёрлиғи бериш кенг урф бўлган. Тархонлик ёрлигини олган мулкдорлар барча солик, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлик ёрлиғи, одатда, амир, бек, сарой амалдорлари, сайдлар ва бошқа юкори табака ва килларига берилган. Бундай ёрлиқни олишга муяссар бўлган мулкдор исмига «тархон» сўзи кўшиб айтилган. Тархонлар кўпчилиги жуда

<sup>1</sup> Жариб — 958 кв. м.; таноб — 2—2,5 минг кв. м.

<sup>2</sup> Бир қўш — бир жуфт ҳўқиз билан мавсумда хайдаб экиш мумкин бўлган ер майдони.

бой бўлган. Масалан, бу даврда Хирот атрофидаги мулклар Дарвешали Тархон, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги катта ер майдонлари Абулали Тархон кўлида эди. Бобур Абулали Тархоннинг шохона ҳаётини тасвирлар экан, унинг ҳашаматли саройи, хизматидаги уч минг кишидан иборат хизматкору навкарлари, ўтказган дабдабали тўй-томушалари, берган қимматбаҳо савдо-саломлари ва ҳалқка килган жабр-зулмлари тўғрисида ёзади.

Темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз ва бошқа вилоятларнинг деҳқонларидан ҳамда шаҳар аҳолисидан йигиладиган давлат даромадларининг анчагина кисми тархонлар кўлида эди. Мовароуннахрда улар катта иқтисодий базага эга эди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳам тархонларнинг нуфузи кучли бўлиб, катта сиёсий хуқуқдан фойдаланаар эдилар. Ҳатто ўзаро низо-жанжаллар вақтида тархоннинг қўллаб-куватлаши бирорта вилоят ҳокимининг такдирини белгилашда баъзан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

15- асрда ҳам аввалги даврлардагидек катта ер майдонлари ва суғориш тармоқлари, шунингдек қўплаб дўкон, корхона, тегирмон, обжувоз, бозор, карvonсаройлар масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва мозорларга бириклирилиб, улар мулки вакф деб аталган. Меҳнаткаш аҳоли ўртасида эса вакфкор ерлар номи билан юритилган. Маълумки, Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннахр ва Ҳурсонда қўплаб масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва шифохоналар бино қилиниб, уларнинг барчаси вакф мулкига эга эди. Вакф мулкларидан тушган даромад масжид, мадра-

са, шифохона ва хонақоҳларнинг таъмири, жиҳози, шунингдек мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар ҳамда лангархона (мусоғирхона) ва шифохоналарнинг кундалик ҳаржлари (озик-овқат, ёқилғи ва ёритғичлари) учун сарф этилган.

Бу даврда дәхқончилик ерларининг маълум бир кичикрок қисми қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган. Бундай ерлар қишлоқ тўплари ёки жамоаларининг мулки ҳисобланган. Жамоа ерлари мулкчиликнинг Қадимий турларидан бўлиб, улар кўпроқ тоғ олди ноҳияларининг сувга танқис жойларида бир мунча кенг тарқалган эди. Бундай жамоа мулкчилиги, одатда, кам сув тоғ жилғаларининг сувъи жамғарилган ёки ер ости сувларини ер юзиға чиқариш учун қишлоқ жамоаларининг кучи билан барпо этилган ўта машақкатли ва мураккаб сув иншоотлари — қулфакли ҳовузлар (майдада сув омборлари) ва коризлар воситасида ўзлаштирилган ерларда вужудга келган. Купчиликнинг иштироки ва маблаги билан барпо этилган суғориш иншоотлари ва улар воситасида ўзлаштирилган ерлар жамоа мулкига айланған. Мулкчиликнинг бундай тури Темурийлар хукмронлиги даврида унчалик кенг тарқалмаган бўлса-да, ҳаркалай мавжуд эди.

15-асрда Мовароуннахр ва Хурсонда ер Эгаларини дәхқон, экин майдонларига ишлов берувчиларни эса музорий (зироатчи) деб юритилган. Зироатчилар қишлоқнинг меҳнаткаш табақасига мансуб бўлиб, улар тўрт гурухга бўлинган: давлат ерлари (девон мулки) да яшовчи музорийлар; 2) мулкдорларнинг ерларини ишловчи музорийлар; 3) ўз ерига эга бўл-

ган дәхқонлар; 4) вакф мулкларида яшовчи музорийлар.

Музорий давлат ёки вакф ерларида ҳам, тархон ёки суюрғол эгалари каби йирик мулкдорларнинг ерларида ҳам ёлланма зироатчи бўлиб дәхқончилик қилган. Уларнинг ҳосилдан оладиган хиссаси ер эгаларининг ердан ташқари, уруғлик, омоч, хўқиз, от ва арава кабиларни берганига қараб белгиланган. Қандай ерда дәхқончилик қилишидан қатъи назар музорий ҳамма вакт соликларни тўлар ва мажбуриятларни ўтар эди.

Дәхқончилик ерларида олинадиган асосий солик хирож (ёки мол) деб аталган. Хирож, асосан ҳосил етилиб, уни йифиб олиш вактларида маҳсулот, баъзан пул ҳолида тўланган. Солик ҳосилга ва ернинг унумдорлиги ҳамда сув билан таъминланганлигига қараб белгиланган. Чунончи, дарё, булоқ ва кориз сувлари билан суғориладиган обикор ерлардан хирож ҳосилнинг учдан бир қисми микдорида олинган. Агар ер эгаси хирожни пул ҳисобида тўлашга рози бўлса, унда ҳосилнинг учдан бир қисми бозор нарҳи ҳисобида пулга чақилган. Масалан, 1461 йилда Султон Абусаид вазирлари Хўжа Муҳуддин Шерозий ва Хўжа Мавлоно Амирий Самарқандийни Мовароуннахрга юбориб, уларга дудонг, яъни олтидан икки (33,3 %) микдорда хирож олишни буюради. Агар ҳосилнинг чўғи ўртачадан пастроқ бўлса, хирож тўққиздан икки, яъни 22 % микдорида тўланган.

Лалмикор ерларнинг унумдорлиги обикор ерларга нисбатан паст бўлгани учун, лалмикорлик билан машғул бўлган музорийлар умумий ҳосилнинг олтидан бир, яъни 16,5 % дан

саққиздан бир, яъни 12,5 % гача миқдорида солик тұлаганлар.

Мулк ерларининг бир қисмидан ушр, яъни ҳосилнинг ўндан бир қисми (10 %) миқдорида солик олинган. Бундай ерлар, одатда, замонасиинг илм-фан, маърифат ва маънавий хаётининг акобир ва ашрафлари қаторидан жой олган саййидлар, хұжалар, уламо ва машоийхлар тасарруфида бўлган. Масалан, 15- асрнинг энг йирик мулкдорларидан Хўжа Аҳорон үзига қарашли қарийб 1300 ер-мулкидан ҳар йили Самарқанд хукмдори Султон Аҳмад ҳазинасига фақат ғалланинг үзидан 80 минг ботмон<sup>1</sup> миқдорда ушр тұлаб турган.

Бу даврда боғ ва дараҳтзорлардан мол сардарахт, яйловлардан мол ўтлок ва сувлок каби соликлар олиниб, уларни тұплашда қадимдан расм булиб келган тартиб-коидага амал қилинган. Чорва молларидан қирқдан бир, яъни 2,5 % миқдорда закот солиги олинган.

Ер соликлари, хирож, мол, ушр ва сардарахт ҳамда чорва молларидан олинадиган закотдан ташқари фуқаро солик йиғиш ва унинг ҳисоб-китоби билан банд бўлган турли лавозимдаги маъмурларнинг ҳизмати учун ҳам бир қанча йиғимлар тұлашга мажбур бўлган. Мас., бундай йиғимлардан соҳиб жамона — ҳосил миқдорини белгиловчилар; мухассилони — солик йиғувчилар; зобитона — киirimни бошқарувчилар; доруғона — доруғолар; миробона — сув тақсимловчи мироблар фойдасига олинган. Булардан ташқари меҳнаткаш аҳоли фавқулодда харажатлар учун аворизот ва тавож-

<sup>1</sup> 15- аср Мовароуннахр ботмони 20 кг. га teng бўлган.

жуҳоти хорижий каби одатдан ташқари соликларни ҳам тулаган.

Фалла ғарам килинмасдан бурун солик тұплаш қатъий ман этилганди. Солик муайян уч муддатда: саратон (июнь – июль), сумбула – мезон (август ва сентябрь) ва қавс (ноябрь) ойларида тұланар эди. Соликларни йиғиши пайтида соликчилар дехкон, чорвадор ёки бөгбонга нисбатан зугум үтказмаслиги, жисмоний күч ишлатмаслиги ва ишни уруш-жанжалгача олиб бормаслиги зарур бүлган. Умуман қарздорларни банди килиш ва занжир билан кишанлаб, уларга нисбатан қаттык чоралар күришга соликчиларнинг ҳакки йўқ эди.

Соликлардан ташқари меҳнаткаш ахоли ҳукмдор ва унинг маъмурлари, суюрғол әгалари ва тархонлар, шунингдек йирик мулкдорлар фойдасига муайян муддат текин ишлаб беришга мажбур эди. 15-асрда қурилиш ишлари кенгайиб, бу даврда қад кутарған саройлар, жамоат бинолари, мудофаа ва суғориш иншоотлари ҳамда йўл қурилиши ва тузатишлиарида меҳнаткаш ахоли кучидан кенг фойдаланилган. Бундай ҳашар ишлар бегор деб аталған. Бегорда катнашувчи ҳар бир ҳашарчи ишлаши учун керакли асбоб-анжомлар ва етарли емакларни ўзи билан олиб келиши лозим бўлган. Бу эса шубҳасиз, ҳашарчилар ахволини янада мушкуллаштирадар эди. Бу даврда ҳукмдор ва унинг маъмурларидан ташқари йирик мулкдорлар ҳам музорийларни бегор йўли б-н ишлатиш ҳукукига эга бўлган. Масалан, Ҳужа Аҳрор 300 қўш ердан 300 нафар музорийни бегорга чиқара олган.

Бу даврда ахолининг машаққатли бегор билан накадар банд булиб қолганини Навоий:

Ёр ҳолин англамок умидидин ноумид мен,  
Халқнинг юз меҳнату бегоридин бекормен,

мисраларида очик ифодалаган.

Меҳнаткаш ахоли гарданига бегордан ташкари яна бир қанча мажбуриятлар ва тұловлар хам юкланған эди. Гарчи Темур томонидан саришумор, хонашумор каби жон бош тұловлари ман этилған бұлса-да, аммо унинг ворислари замонида бундай тұлов ва мажбуриятлар ахолидан олинаверган. Бунинг устига солик белгиловчи ва йиғувчилар мүмкін қадар ахолидан күпрөк солиқ ундириб олишга ҳаракат қылар эди. Бу ерда 13-асрнинг машхур мутафаккир шоири Шерозийнинг тубандаги сұзларини келтириш үринлидир:

«Агар хукмдор үз фуқаросининг боғидан бир дона олма олиб тановул қылса, унинг яқинлари олма дараҳтини илдизи билан суғуриб кетадилар. Агар хукмдор халқнинг беш дона тұхумини конунсиз олса, унинг лашкарлари халқнинг минглаб товуғини сиҳга тортиб юборадилар».

Шунинг учун хам Темур ва унинг баъзи бир ворислари солиқ миқдори ва тұлов тартибини бузмасликка, суиистеъмолликни олдини олишга ҳаракат қылғанлар. Тартибга риоя қилмagan airyim маъмурларни жазога тортғанлар. Шунга қарамасдан, солиқ йиғувчиларнинг үзбошимчалиги муттасил давом этаверган. Масалан, Султон Ҳусайн маъмурлари ахолига үзбошимчалик билан фавқулодда солиқ согани оқибатида 1470 йилда Мұхаммад Едгор бош-

чилигидаги Хирот ахолиси кўзғолон кўтариади. Навоийнинг саъй-ҳаракати ва ўзбошимча маъмурларнинг жазоланиши билан кўзғолон бостирилди. Султон Ҳусайн фармон чиқариб Хирот ва унинг атрофида яшовчи дехқонлар, музорийлар ва хунармандларни икки йилга фавқулодда соликлардан ва қўшинни боқиш учун солинадиган тўловлардан озод қилишга мажбур бўлади.

### ХУНАРМАНДЧИЛИК, САВДО ВА ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ

Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳоқимиятнинг маълум даражада барқарорлиги, йирик шаҳарлар ва булуклар (шаҳар атрофи) да амалга оширилган ободончилик ҳамда дехкончиликнинг кенгайиши, шубҳасиз, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган хунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши учун кенг йўл очиб беради. 15- асрда, хусусан унинг охирги чораги ҳамда 16- аср бошларида хунармандчиликнинг турли тармоқлари ривож топиб, истеъмол молларини ишлаб чиқариш ғоят кўпаяди. Ички чакана савдо ва пул муносабатлари кенгайиб, у шаҳар ва унинг атрофи ахолисини, айниқса омилкор табақаларни ўз гирдобига камраб олади.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шоҳруҳия, Андижон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа кўпгина шаҳарлари ўзининг топографик киёфаси, ахолисининг касб-кори, ички ва ташки алоқалари билан ўрта аср Шарқининг хунармандчилик

ва гавжум савдо марказлариға айланади. Ҳунармандчиликнинг ривож топиб, унинг турли тармоқлар бўйича ихтиосланишининг кучайиши, шаҳарларининг тарихий топографиясини ҳам ўзгартириб юборади. Шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, касб-хунар билан боғлиқ бўлган янги-янги гузарлар, кўчалар, бозор расталари, тим ва тоқлар (усти гумбазли бозор) вужудга келади. Кўпгина шаҳарларда заргарон (заргарлик), мисгарон (мисгарлик), сўзангарон (игнасолик), совутсозон (совутсозлик), сангтарашон (тоштарошловчилар), шишапазон (шиша пиширувчилар), чармгарон (кўнчилик), камонгарон, пичоксозлик, эгарчилик каби ҳунармандчилик маҳаллалари бўлган.

Ҳунармандчилик соҳасида тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик (металл буюмлар ясаш), темирчилик ва бинокорлик етакчи ўринни эгаллаган эди. Бу даврда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, даштларда яшовчи ярим кўчманчи ва қўчманчи чорвадорлар ўртасида тўқимачилик маҳсулотлариға талаб ғоят катта эди. Шаҳарларда ип, ипак, жундан, зифир ва каноп толасидан турли хилдаги рангдор, гулдор ҳамда нафис ва дағал газмоллар кўплаб тўкиб чиқарилар эди. Масалан, уша пайтларда оқ, яшил, малла, зангори, бинафша ва сурранг ип калаваларидан карбос, яъни буз, гулдор чит, оқ сурп, нафис зарлар берилган фута; жундан олачалар; каноп толасидан қатон каби турли хил газламалар тўкилган. Бу матоллар нисбатан арzon бўлиб, ундан ички кийимлар, устки либосларнинг астарлари, кўрпа-тўшаклар тикилган. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткаш аҳолиси ҳамда даштлик чорвадор-

лар буткул карбосдан кийинган. Қаноп толасидан қатон, зиғир толасидан түкилган тарғу номли матолар анча пишиқ бўлган. Улардан жомаи қатоний деб аталган бирмунча қиммат чопонлар, қимматбаҳо тошлар қадалган арбоф қатоний тўнлар тикилган. Навоийнинг ёзишича, карбосга қараганда, қатон анча-мунча қиммат турган. Мехнаткаш аҳоли ўртасида гулдор чит ҳамда «Самарқанд ва Бухоро олачаси» каби газмоллар ҳам айниқса қадрланган.

Ип ва ипакдан тўкилган нафис футадан салла, белбоғ ва аслзода ёшлар кийим-кечаклари тикилган. Ўша даврда футанинг бир белбоғлик ёки бир саллалик баҳоси Ҳиротда эллик танга турган.

Маҳаллий ва четдан келтирилган ипакдан турли нав шойи газламалар тўкиш кенг йўлга қўйилган эди. Манбаларда атлас, қимхоб, бандорас ва духобалар қаторида товланувчан ялтироқ хоро, нафис ва гулдор дебо каби шойидан тўкилган газмолларнинг номлари учрайди. Шойи матолар, қирмизи ва зангори духобалардан зарбоф либослар тикилган. Шойи матолар ва зардўзи буюмлар зеб-зийнатлар даражасида қадрланар ва улардан, асосан сарой аёнлари ва мулкдор табака вакиллари кийинар ва фойдаланаарди. Подшо ва сultonлар элчилар орқали бир-бирларига бошқа буюмлар қатори шойи ва нафис ип газламалар тухфа қиласар эдилар. Қимматбаҳо газмол ва буюмларнинг бир қисми чет мамлакатларга ҳам олиб кетилар эди. Мовароуннахрда Самарқанднинг зардўзи либослари, атласи ва қирмизи духобаси ҳамда Ҳиротнинг қимхоби айниқса машҳур эди. Манбалардан маълум

булишича, 15- аср бошида Темур томонидан ўтказилган тантаналарда ҳунарманд ва савдо ахиллари ҳам қатнашган. Унда Ҳиротнинг кимхоб тўкувчилари кўчма дастгоҳда мато тўкиб ўз ҳунарларини намойиш этишган. Духоба тўкиш ўша давр қўл меҳнати учун анча мурракаб касб хисобланган. Бу, шабҳасиз, Сармарқандда тўқимачилик дастгоҳлари-ю, тўкиш санъатининг юксак даражада бўлганидан далолат беради.

Темурнинг ёғоч тобути устига ёпилган гулдор мато, Улуғбекнинг кийими, 15- аср обидаси Ишратхона мақбарасида дафн этилган боланинг ярим чириган кафани қолдиқлари ҳамда Шоҳизиндада очиб үрганилган темурийлар даврига мансуб мақбара даҳмасида сакланган йўл-йўл шойи тўн каби топилмалар 14- аср охири — 15- аср матолари тўқилиши юқори сифатли ва берилган ранго-ранг бадиий жилоси жиҳатидан мукаммал эканини, шунингдек тўқимачиларнинг асрий тажриба ва бой ҳунармандчилик анъаналарига эга бўлганини кўрсатади.

Шаҳарларнинг тўқимачилик маҳаллалари ва гузарларида, уларга яқин жойларда пиллақашлар, калавачилар ҳамда мато ва калаваларга бўёқ берувчи нилчи рангрезлар, читга гул босувчи муҳркаш ва читгарлар ҳам истиқомат қиласади.

Бу даврда матолардан ташқари, жундан ҳар хил гулли, қалин патли ва такир гиламлар, палослар ҳам тўқилар ва наматлар босиллар эди. Намат уй-рўзгорда фақат тўшама сифатида эмас, балки ҳарбий ихота кийимбошлилар тайёрлашда ҳам кенг ишлатилар эди. Гилам, палос ва наматлар шаҳарли ҳунарманд-

лардан ташқари, қишлоқ, хусусан чорвадор аҳоли томонидан ҳам кўплаб тайёланар эди.

15- асрда металлдан қурол-яроғ ва рўзғор буюмлари ясаш такомиллашди. Хунармандчиликнинг турли соҳаларига ихтисослашиш кучайди. Улар орасида мих ясовчилар (михчагарон), тақачилар (наълбандон), сим чўзувчилар (симкашон), пичоқчилар (кордагорон) каби турли хил буюмлар ясовчи усталар бўлган.

Бу даврда Самарқанд салтанат пойтахти сифатида аввалгидек қурол-яроғ ясаладиган марказ бўлиб қолади. Шаҳарда ҳатто маҳсус совутсозлар маҳалласи қарор топган эди. Қуролсозликда қилич, қалқон, ўқ-ёй, дубулға ва совутлар ҳамда жибалар ясаларди. Ҳокимлар, саркарда-амирлар учун ясалган маҳсус қурол-яроғлар олтин ва кумуш қопламали, қимматбаҳо тошлар қадалган нақшинкор бўларди. Ибн Арабшохнинг ёзишича, Темур Гури Амирга дафн этилгач, унинг деворларига олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган кийимбошлари, қурол-яроглари ва анжомлари осиб кўйилганди. Буюмларнинг энг кичигининг баҳоси таҳминан бутун бир вилоятнинг йиллик солиғига teng эди.

Шаҳарларда мисгарлик ҳам анча ривож топган эди. Мис ва жездан турли хил уй-рўзғор буюмлари ясалар ва майда мис чақалар зарб қилинар эди. Бу даврда ясалган мисгарлик буюмларининг номлари 1465 йилда Самарқандда Ишратхона вақфи тўғрисида тузилган ҳужжатда ҳам қайд қилинган. Мадрасага ҳадя этилган буюмлар рўйхатида турли қозонлар, кўзалар, мислангард, жез хуланча, олтин суви (зархал) юритилган обдаста (офтоба), кумуш бўйинли машроба, олтин суви берил-

ған жомлар, шунингдек, кумуш қадамали ўймакор темир, жез ва мисдан ясалган фонус, мойчироғ ва шамдонлар ҳамда зархалланган мис қандил тилга олинади. Ҳадя этилган буюмлар орасида темир оёкли мис манқал ҳам бўлган. Темурнинг буйруги билан 1397 йилда исфаҳонлик уста Иzzадин Ибн Тожуддин етти хил металл қотишмаси (ҳафтжӯш) дан катта жез козон ва иккита шамдон ясаган. Ҳозир ушбу осори атиқалар Аҳмад Яссавий макбарасининг катта зали (зиёратхонаси) да сакланмоқда.

Қайд этилган металл буюмларнинг ишланиш услублари бу давр мисгар ва чилангарларининг металлни тоблаб сугориш, эритиб ундан буюм ва асбоблар қуиши, улар сиртини бадиј кабартма ва ўймакор нақшлар билан қоплаш ҳамда олтин ва кумуш суви юритиш каби мураккаб ишлов технологиясидан фойдаланганлигини курсатади. 1399 — 1404 йилларда бино қилинган Бибихоним жоме масжиди эшиклари ҳам етти хил металл қотишмаси билан копланган эди.

15- асрда ҳам ҳар вақтдагидек ҳукмрон табака вакилларининг кимматбаҳо зеб-зийнат буюмларига бўлган талаби катта эди. Мамлакатда осойишталиқ карор топиши билан шахарларда, хусусан Самарканд ва Ҳиротда заргарлик ривож топади. Олтин, кумуш ва жез Котишмаларидан турли хил зеб-зийнатлар ва кимматбаҳо буюмлар ясайдиган ва уларга нозик дид билан нафис бадиј ишлов берувчи мохир заргарлар сони кўпаяди. Манбаларда Эътироғ этилишича, Темур ва темурийлар саройларида гардиши олтин ва кумуш ҳошияли, ташқариси ранго-ранг товланувчи кимматба-

хо тошлар, дурлар ва сирли нақшлар билан копланган идишлар күп бўлган. Бундай қимматбахо кўза, шоҳкоса ва патнисларнинг сирти кўпинча ўта нафис ислеми ўймакор нақшлар, хушхат ёзувлар билан жило берилган. Одатда нақшинкор бадиий буюмлар бойлик хашамлари хисобланиб, улар факт мулкдор табақаларгагина мансуб эди. Юксак малакали усталар томонидан мис, жез ва кумушдан ясалган хилма-хил билакузук, зирақ, булоқи ва узуклар эса меҳнаткаш аҳоли хотин-қизларининг кенг истеъмолдаги зеб-зийнат буюмлари хисобланарди.

Бу даврда кулолчилик ҳам ривож топиб, ҳунармандчиликнинг кўп тармоқли соҳасига айланади. Кулолчиликда коса, хум ва хумчалар, тандир каби буюмлар тайёрланарди. 14—15- асрларга мансуб сирланган сопол буюмлар бадиий жихатдан ранго-ранглиги, шакли ва турининг хилма-хиллиги ҳамда сифатлигиги билан ажralиб туради. Юқори сифатли кошинли сопол идиш-товоқлар пиширилган. Уларнинг аксарияти сидирға оқ сирли бўлиб, сиртига тўқ зангори ёки яшил, баъзан қора ёки қизғиш нақшлар туширилган. Бу даврнинг сирли норин товоқлари, шоҳкоса, лаган ва кўзалари, бир неча новачали мойчироқ ва шамдонлари бадиий жихатдан юксак даражада бўлган. Айни вактда сирсиз арzon идиш-товоқлар, хум ва хумчалар ҳамда болалар учун ясалган майда ўйинчоқлар меҳнат аҳлининг кенг табақаларига жуда аскотган. Булардан ташқари кулоллар сув қувурлари (гулбалар), чиғир ва чархпалак кўзачалари (дигир), кориз лагми гардиши (гёл) ва бошқа қўпгина сопол буюмлар пиширганлар. Айни вактда бинокор-

лик ашёлари ишлаб чикарадиган кошинпазлик, парчинсозлик, ғишт ва ғишт тахталар пиширадиган кирпичпазлик ҳам ривожланди.

Бу даврда тош йўниш (сангтарош) ва унга сайдал бериб, ўймакор нақшлар ва хушхат ёзувлар битиш санъати камолотга етади. Самарқандда Бибихоним жомеъ масжиди ҳовлисида Қуръонни қўйиш учун мармардан ишланган улкан лавҳ (курси), Улугбекнинг Гури Амирда Темур қабрига қўйдирган нефрит тоши, Шохизинда ва бошқа жойлардаги 15-аср га мансуб сағаналарнинг мармар тошлари ва уларга ишланган жимжимадор нақшлар, ўймакорлик билан битилган оят, марсия ва тарихлар ҳалқ хунармандларининг юксак бадиий асар намуналаридан бўлиб, уларда тош йўнувчиларнинг меҳнати ва санъати билан хаттотларнинг зўр маҳорати уйғунлашиб кетган.

Бу даврда мамлакатнинг йирик шаҳарлари ва вилоятлари, хусусан Самарқанд ва Ҳиротда қурилиш ишлари авж олиб, бинокор усталарга талаб ортди. Бинокорлар орасида меъмор, мухандис, гишт терувчи, сувоқчи-ганчкор, ганчкор-наққош, тош йўнувчи (сангтарош) ва дурадгор (нажжор)ларнинг мавқеи ортди. Бинокор усталар касбларига кўра ғишт териб иморат қаддини бино қилувчилар банно ва парчин ва гирихлар қоплаб иморатга пардоз берувчилар устод деб юритилган.

15-асрда шишасозлик ҳам анча тарақкий қилган. Самарқандда ҳатто шишасозлар маҳалласи бўлган. Манбаларда қайд этилишича, шишадан турли шаклдаги идишлар: кўзача, қадаҳ, сиёҳдон (довот), доридон, сурмадон, тувак ва сумаклар ҳамда бошқа турли хил рўзғор буюмлари ясалган. Мұхташам

бинолар ва давлатманд шаҳарлик зодагонларнинг уй-жойлари курилишида рангли ойналардан фойдаланилган. Масалан, Ишратхона мақбарасининг дераза-панжараларига ҳаворанг, гунафша, сарик, яшил ва кизил рангли шишалар ўрнатилган.

Бу даврда бинокорлик, тўқимачилик ва бошқа кўпгина касб-хунарларнинг ривожида ёғочсозлик муҳим аҳамият касб этган. Ёғодан хилма-хил асбоб-ускуналар ҳамда буюмлар (тўқимачилик дастгоҳлари, икки ғилдиракли арава, эгар, ғишт ва пойабзал қолиплари, сандик, қути, бешик, беланчак, қуш қафаслари, тароқ ва ҳассалар) ясалган. Моҳир ёғочсоз усталар ёғоч ўймакорлигини такомиллаштириб, нақшинкор эшик, панжара, устун, тоқи-равоқ, болор, хонтахта, курсилар ва бошқа ашё ва жиҳозлар ясаганлар. Гўри Амир ва Шоҳизинданинг оятлар битилган нақшинкор эшиклари 15- аср халқ усталарининг ёғоч ўймакорлиги санъатидаги энг нодир намуналардан ҳисобланади. Улуғбек замонида Регистон майдонида қад кўтарган Муқаттаъ масжидининг деворидан тортиб, тоқу равоқлари-гача, устунларидан то эшик ва панжаралари-гача нақшинкор ёғочдан ишланган эди.

Самарқанд ҳунармандчилигига, айникса, қофоз ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутган. Шаҳар яқинидаги Обираҳмат ариғи соҳилида қофоз ишлаб чиқариладиган маҳсус обжувоз ва корхоналар бўлган. Бу ерда эскирган бўз кийим, латта ва мос пахталардан бўтка — қофоз хом ашёси тайёрланиб, вараклар қуйилган, сунгра уларга сайқал берилган. Самарқанд қофози Ўрта аср Шарқи ҳаттотлари

орасида ғоят машхур бўлиб, унинг бир қисми бирмунча четрок ўлкаларга ҳам чиқарилган.

Бу даврда тери ошлаш, чарм пишириш (чармгар, кемухтагар) касблари ҳам анча ривож топган. Чармдан енгиз камзул, пойафзал, от-улов анжомлари тикилган. Чарм буюм тикувчилар орасида этикдўз (музадўз), маҳсидўз, кавушдўз, эгарчи (саррожон), юганчи (лажомдўз) лар каби касблар бўлган. Ҳарбий юришларга тайёргарлик пайтида чарм садоқ (ўқдон) ва камоннинг чарм филофлари, пиҷоқ ва қиличларнинг чарм қопланган қинларига талаб катта бўлган.

Устки кийим тикувчилар орасида пўстин ва почапўстин тайёрлайдиган пўстиндўзлар бўлиб, улар ўз маҳсулотлари билан асосандашт аҳолисининг эҳтиёжини кондирганлар. 15- асрда Самарқандда Тимителпакфуруушон (бош кийимлар растаси) қурилади. Бу ерда телпак, кулоҳ ва тумоқ каби бош кийимлар тикадиган савдо дўконлари жойлашган.

Демак, 15- асрда Мовароуннаҳр ва Хурсоннинг деярли ҳамма йирик шаҳарларида ўрта аср ҳунармандчилигининг барча тармоқ ва соҳалари бўйича ихтисослашган корхона, дўкон, устахона ва расталар бўлган.

Ҳунармандчилик маҳсулотларининг аксарияти шаҳарларнинг марказий бозори атрофида жойлашган дўконларда тайёрланиб сотилар эди. Самарқанд Чорсу бозори тевараги михчагарлик, мисгарлик, кулолчилик, сангтарошлик, маҳсидўзлик, нажжорлик, сахҳоблик, заргарлик каби дўконлар б-н ўралган эди. Бу дўконларда уй-рӯзғор асбоблари, заргарлик зеб-зийнатлари, жаҳонга шухрати кетган ложувард, тилларанг, ҳаворанг бўёклар, курол-

аслаҳалар, жиба, совут, баргуствон (ўк ўт-казмайдиган ёпқич) каби ҳарбий анжомлар сотилар эди. Обираҳмат сувининг жувозларида тайёрланган турли нав қоғозлар билан савдо қилувчи маҳсус дўконлар ҳам мавжуд эди. Булардан ташқари Чорсуда хушхат хаттоллар, муқовасоз (саҳхоб) лар, китоб варакларига жило берувчи наққош ва лаввоҳларнинг ҳам алоҳида дўконлари бўларди. Чорсу бозори, унинг тим қилиб ёпилган марказий растаси ҳамиша гавжум эди. Савдо дўконлари турли хил матолар: карбос, қатон, парча, тарғу, қирмизи духоба, дебо, атлас, фута ва бошқа анвойи газмоллар ва улардан тикилган турли-туман кийим-кечаклар билан тұла бўларди. Расталарда эса тармевалар, шириналар, Самарқанднинг обий, пўлатий, ширмоий, седана пайванд, заргарон, осиёй каби машҳур анвойи нонлари, зираворлари, атторлик моллари сотилар эди. Манбаларда таърифланишича, Самарқандда новвойхоналар, сомсапазлик, каллапазлик, турли хил ҳалво, парварда ва бошқа анвойи шириналар пиширадиган ҳалвопазлик дўконлари кўп бўлган.

Шундай қилиб, бу даврда ҳунармандчиликнинг асосини кундалик турмушда бевосита ишлатиладиган ва истеъмол қилинадиган моллар ишлаб чиқарувчи корхона ёки дўкон каби устахоналар ташкил этарди. Мулкий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳунармандлар гарчи бир бутун ижтимоий табақага мансуб бўлсаларда, ҳар ҳолда уларнинг сафи шогирдлик таълимини ўтаган турли табака фарзандлари хисобига тўлиб боради. Корхона бошлиғи уста деб юритилиб, унинг қўл остида бир неча ҳал-

фа, яъни ёрдамчи ва шогирдлар касб-хунар ўрганар ҳамда хунармандчилек маҳсулотлари ишлаб чиқарар эдилар. Одатда шогирдлардан ёрдамчи ишчи кучи сифатида корхонадан ташқари, уй-хўжалигида ҳам кенг фойдаланиларди. Малакали усталар ҳар кимни ҳам шогирд қилиб олавермас, ёки шогирдликдан халфаликка кўтармас эдилар. Масалан, ўша даврнинг таникли хаттолари ёки накошларига, заргару зардўзларига факат давлатмандрок хонадонларнинг фарзандларигига шогирд бўла оларди.

Шуниси борки, хунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақаси гурӯхига мансуб кишилар эди. 15 — 16- аср бошларида яшаган шоирлар, бастакор-созандалар ва муаррихларнинг бир қисми бадавлат хунармандлар ва майда савдогарлар табақасидан етишиб чиқкан эдилар. Масалан, Самарқандлик шоирлардан Жавҳарий совунгарлар растасининг оқсоқоли, Мавлоно Ҳавофий тикувчи, Мавлоно Мир Аргун ҳамодўз, яъни чодир тикувчи, Мавлоно Кобулий газлфуруш — калава сотувчи, Мавлоно Камардўз тасма тикувчи ва Бисотий Самарқандий бўйра тўкувчи хунармандлардан бўлган.

15- асрда Темурийлар давлати Хитой, Хиндистон, Тибет ва бошқа қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари олиб боради. Чет эллардан турли-туман хунармандчилек маҳсулотлари ва хом ашёлар келтириларди. Хитой, Хиндистон, Эрон, Русия, Волга бўйи ва Сибирь билан мунтазам савдо-сотик қилинарди. Хитойдан, асосан ипак, шойи матолар, хусусан атлас ва парчалар, чинни, лаъл, гавҳар ва мушк; Хиндистондан нафис оқ рангли ип

матолар, нил бүеклар, хушбүй зироварлар (мускат ёнғоғи, қалампирмунчок, долчин ва анбар); Эрондан сурп, марварид ва дурлар; Россия, Татаристон ва Сибирдан қимматбаҳо муйна, тери ва мум олиб келинар эди. Европа мамлакатларидан Самарқандга олиб келинганд моллар орасида фаранг газмоллари, мовути, черкас пичоғи бўларди. Ишратхона мақбасаси вакфида Миср қатони ва Хитой духобасидан тикилган чойшаблар, мисрий салла қайд этилган.

Самарқанддан чет мамлакатларга, хусусан, Россия, Татаристон ва Сибирга, асосан арzon нархли ип матолар, духоба, шойи, қофоз, Куруқ мева, гуруч, пахта ва калава иплар чиқарилган.

Чет давлатлар билан ўзаро савдо-сотиқни кенгайтиришда Темурийларнинг қўшни мамлакатлар билан олиб борган элчилик алоқалари катта роль ўйнади. 15-асрнинг 1-чорагида Улугбек ва Шоҳруҳ давлатлари билан Хитой ўртасида мунтазам элчилар алмашиниб турилди. Хитой Темурийлар билан савдо килишдан манфаатдор эди. Мовароуннаҳр ва Хурросондан Хитойга йилки олиб кетиларди. Хар иккала давлат ўртасидаги савдо ва элчилик алоқалари бу даврда янада ривож топди. Деярли ҳар икки-уч йилда Самарқанд билан Ҳиротга Хитой элчилари, Ҳонбалиқ (Пекин)га эса Мовароуннаҳр ва Хурросон элчилари ва савдогарлари қатнаб туришган. 1418 йилда Ардашер бошлиқ Шоҳруҳ элчилари Хитойда бўладилар. 1419 йилда бунга жавобан Ли ди ва Жонг ку Хитойдан Самарқанд ва Ҳиротга элчи бўлиб келадилар. Элчилар Улугбек ва Шоҳруҳга ўзаро дўстлик муносабат-

ларини ривожлантириш хусусида таклифлар ёзилган мактуб ва катта совға-саломларни топширадилар. 1420 йилда Шоҳруҳ ва Улуғбек 530 нафардан иборат элчилик карвонини Хитойга жўнатадилар. Шоҳруҳ элчиларига Шодихожи билан амир Кўкча, Улуғбек элчиларига Султоншоҳ билан Муҳаммад баҳши бошликилар киладилар. Фиёсиддин Наққош котиб этиб тайинланади. Темурийларнинг элчилари Хитойда икки йилдан ортиқроқ бўлиб, 1422 йилда ўз ватанларига қайтиб келадилар.

Мовароуннаҳрдан Хитойга ўша замонларда икки карвон йули орқали борилган. Биринчи йўл Тошкент, Сайрам, Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг Турфон ва Қумул шаҳарлари орқали, иккинчи йўл Фарғона водийси орқали — Хўжанд, Кўкон, Марғилон, Андижон, Ўш шаҳарларидан ўтиб Олай водийси бўйлаб борган ва Шарқий Туркистоннинг Қошғар, Хўтон ва Ёрканд шаҳарлари орқали ўтган.

Шоҳруҳ ва Улуғбек замонида Тибет ва Ҳиндистон билан ҳам яхши қўшничилик муносабатлари үрнатилади. 1421 йилда Тибетдан Бухоро ва Самарқандга элчилар келади. 1441 — 1442 йилларда Шоҳруҳ Ҳиндистонга Бижанагар саройига тарихчи Абдураззок Самарқандий бошчилигида элчилар юборади. У Кермон вилояти, Ҳўрмуз ва Форс кўлтиқлари орқали Ҳиндистонга қилган саёҳатини ёзиб қолдиради.

Шуниси ҳам борки, 15-асрда, хусусан унинг биринчи ярмида мамлакатнинг иқтисодий равнақ топиши, айниқса хунармандчилик ва ички савдонинг ривожланиши, маълум да-

ражада шу даврда ўтказилган пул ислоҳоти билан ҳам боғлиқ эди. Маълумки, Улуғбек 1428 йилда муомаладаги фулусий пуллар ислоҳотини амалга оширди. Аҳолини ички чакана савдо муносабатлариға кенгрок жалб этиш мақсадида Улуғбек енгил вазнда зарб этилган ва муомалада юрган барча чақа пулларни ман этди. Эски чақаларни янгисига алмаштириб, ички савдонинг майдада мис пулларга бўлган талабини қондириш учун бир вактнинг ўзида у Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шоҳруҳия ва Андижон шаҳарларида зарбхоналар ташкил этиб, бир хил вазндаги салмоқдор фулуслар зарб этириб муомалага чиқарди. Эски чақалар қисқа вакт ичидаги янги фулусларга алмаштирилиб олингач, мис пуллар зарбини марказлаштириш мақсадида бошқа шаҳардаги зарбхоналарга барҳам берилиб, факат Бухоро зарбхонаси сақлаб қолинди. Халк ўртасида «фулуси адлия», яъни «адолатли чақа» номи билан шухрат топган бу янги мис фулуслар Мовароуннаҳрнинг барча шаҳар ва қишлокларида кенг муомалага кириб, давлатнинг ички савдосини нақдина билан тўла таъмин этади. Ички чакана савдо пул муносабатларидаги танқисликни фулуснинг вазни ва қийматини ошириш билан ҳал этилиши, ўрта асрлар шароитида нодир ва фавқулоддаги воқеа бўлса-да, Ҳарҳолда Улуғбекнинг бундай ислоҳоти мамлакатда ҳунармандчилик маҳсулотларининг ички чакана савдоси учун кенг йўл очиб берган эди. Айни вақтда Улуғбек ташқи саводдан келадиган даромадни ошириш мақсадида «тамға» божини бирмунча оширди.

Шундай қилиб, Улугбек замонида улусда

ички ва ташки савдонинг кенгайиши ҳуармандчилик маҳсулотлари ҳажмининг ортишида ва касб-хунар тармоқларининг ривожида асосий омиллардан бирига айланади.

## ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Амир Темур вафотидан кейин темурий шахзодалар ўртасида бошланган ўзаро курашлар ва ҳарбий юришлар мамлакатнинг ички ҳаётига салбий таъсир этса-да, бирок Шоҳруҳ (1405 — 1447), Улуғбек (1409 — 1449), Абусайд (1451 — 1469) ва Султон Ҳусайн (1469—1506) хукмронлик қилган даврларда мамлакатда маълум даражада қарор топган осоишишталиқ туфайли илгаридан давом этиб келаётган анъаналар асосида илм-фан ва маданият янада жонланади.

Бу даврда Самарқандда ҳам, Ҳиротда ҳам Темур анъаналари давом этдирилиб, бу пойтахт шаҳарларда олиму фузалолар, шоиру бастикорлар, меъмору бинокорлар ва наққошу моҳир ҳуармандрарнинг каттагина гурухи тўпланган эди. Мовароуннаҳрда, ҳусусан Самарқандда илм-фан ва санъатнинг тараққиётида замонасининг маданий муҳитида тарбияланиб, ёшлигидаёк машхур олим сифатида шуҳрат қозонган Улугбекнинг роли ва ҳиссаси ниҳоятда буюк бўлди. Мовароуннаҳр ва Ҳуросоннинг бой ва серкирра маданияти ва ислом дунёсининг маънавий анъаналарига суяңган Улуғбек мамлакатнинг равнаки, айниқса унинг маънавий камолотида илм-фан ва санъатнинг нақадар муҳимлигини яхши тушунарди. Улуғбек мамлакатнинг сиёсий ва иқ-

тисодий ҳаётини бошқариш билан бирга илмий ишлар билан ҳам шуғулланади, олимларнинг мунозараларида фаол қатнашади. Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Улуғбек буюк мутафаккирлардан Аҳмад Фарғоний, Форобий, Мусо Хоразмий, Беруний ва Ибн Сино асарларини батафсил ўрганинди. Уларнинг асарлари орқали қадимги Юнон олимлари: Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель), Гиппарх (Гиппократ), Птоломейларнинг классик асарлари билан ҳам танишади. Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилади. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417 — 1420 йилларда Самарқандда ва 1433 йилда Фиждувонда мадрасалар бино қилинади. Ҳатто Бухородаги мадрасанинг дарвозасига: «Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир», деган калима ўйиб ёзиб қўйилади. Мовароуннаҳрнинг бу учта қадимий шаҳарларида барпо этилган илмгоҳлар, хусусан Самарқанд мадрасаси замонасининг дорулфунуни эди. Ушбу мадрасаларда илоҳиёт илмлари: Қуръон, ҳадис, тафсир, фикҳ (дин ва шариат қонун-коидалари) билан бирга риёзиёт (математика), хандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт (медицина), тарих, география, илми аruz (поэтика), араб тили ва морфологияси (қоғия) каби дунёвий илмлар ҳам ўқитиларди. Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси икки каватли, эллик ҳужрали бўлган. Ҳар бир ҳужра уч хона: қазноқ (омборхона), ётоқхона ва дарсхонадан иборат бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда, мадрасада юздан ортиқ

талаба истиқомат қилган ва таълим олган. Мадрасада замонасининг иқтидорли олимларидан мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий етакчи мударрис бўлган. Машхур олимлардан Қозизода Румий, Ғиёсуддин Жамшид Кошоний ҳамда Мирзо Улуғбекнинг ўзи ва унинг шогирди Алоуддин Али Қушчилар турли фанлардан дарс берганлар. 16- асрнинг машхур адаби Зайнуддин Восифийнинг ёзишича, 1420 йилда мадраса очилган куни биринчи дарсни Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий ўқиган. Дарсда олимлардан тўқсон нафари Қатнашган, лекин дарснинг маънисига Улуғбек Мирзо билан Қозизода Румийдан бошқа хеч ким тушунмаган. Айрим маълумотларга Караганда, мадрасада илми ҳайъат (астрономия) дарсини Қозизода Румий ўтган. Ҳатто форс-тожик адабиётининг классикларидан бири Абдурраҳмон Жомий ёшлик чофида Самарқандга келиб, Қозизода Румийдан бир неча марта астрономия фанидан сабоқ олганлиги маълум. Мадрасада камида 15 — 16 йил таҳсил куриб, унинг дастури бўйича асосий фанларни тўла ўзлаштирган ва имтиҳонли сабоқларда ўз билимини намойиш қила олган толиби илмларга санад — шаҳодатнома ёзиб берилигган, Шундай шаҳодатномалардан бири Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида қарийб ўн олти йил таҳсил кўрган балхлик Шамсуддин Муҳаммад номига ҳижрий 838 (1435) йил ражаб ойининг ўрталарида Қозизода Румий имзоси билан ёзиб берилигани маълум.

Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида мударрислик қилган олимларнинг бир қисми турли фанлардан толибларга дарс бериш билан бирга, математика, география ва астрономия

бўйича амалий масалалар билан ҳам шуғулландилар. Расадхона курилиб ишга тушурилгунга қадар осмон ёритқичларининг ҳолатини кузатиш ишлари маълум даражада мана шу мадрасада ва Улуғбек томонидан қурдирилган Муқаттаъ масжидида олиб борилган эди.

Улуғбек 1424 — 1428 йилларда Самарқандда ўз атрофида тўпланган олимларнинг бевосита иштироки билан шаҳар яқинидаги Обираҳмат анхори бўйида расадхона қурдирди. Доира шаклида бино қилинган бу улкан иморатнинг айланаси 47 м, баландлиги 31 м бўлган. Бобурнинг ёзишича, расадхона уч қаватли бўлган. Бинонинг сирти кошин ва сирли парчинлар билан копланган. Бинонинг ички кисмига судси фахрий (сектант) ишланган ва йўлаклар орқали тўрт қисмга ажратилган. Ҳар бир кисм бир неча катта зал ва майда хоналарга бўлинган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, бу олий иморат хоналарининг деворларида осмон гумбази, самовий жисмлар, уларнинг жойланиши ва ўзаро муносабати, сайёralарнинг орбиталари, событа (қўзғалмас) юлдузлар, ҳамда денгиз ва океанлар, тоғ ва даштлар, иқлим минтақаларига бўлинган ер кураси ва ҳоказолар тасвиранган. Хуллас, расадхона ички деворларида коиноту ер курасининг умумий манзараси тасвиранган бўлиб, шу туфайли бу мавзу маҳаллий аҳоли ўртасида «Нақши жаҳон» деб юритилган.

Расадхона курилишида самовий ёритқичларни кузатиш ва ўрганиш борасида хизмат қилувчи унинг асосий қисми — судси фахрий қурилмаси ва уни маҳсус ўлчов асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор бе-

рилади. Секстант Фиёсуддин Жамшид мутасаддилигига ўрнатилади. Самарқанд секстанти ўша даврда Шарқда маълум бўлган секстантларнинг энг каттаси ҳисобланган. Али Кушчи унинг баландлигини Истамбулдағи машхур Аё София ибодатхонасининг баландлигига (қарийб 50 м) киёс қилган. Расадхона Али ибн Исо Устурлобий, Абумахмуд Хўжандий ва уста Иброҳим каби мохир асбобсоз, мисгар хунармандларнинг ақлу идроки ва қули билан ясалған зот ул-устурлаб (астролябия), зот ул-халқа, зот ул-сукбатайн (диоптр), зот аш-шуъбатайн (треквер), шомила каби зарурий астрономик ўлчов асбоблари билан жиҳозланади. Айни вактда Улуғбек расадхона қошида бой кутубхона ҳам ташкил этиб, унда фаннинг деярли ҳамма соҳалариға тегишли қарийб ўн беш минг жилд китоб саклаган.

Расадхона теварагида олимлар ва хизматчилар учун катта-кичик ҳужралар қурилади. Унинг этагида эса Улуғбек ўзи учун Боғимайдон ва Чиннихона чорбоғларини барпо этади.

Улуғбек расадхонасининг қаерда жойлашганлиги тарихий манбаларда аниқ кўрсатилганига қарамай, афсуски уни узок вактгача топиб ўрганилмади. Расадхона асрлар давомида қаровсиз қолиб, вайронга айланган, сўнгра оддийгина тепалик манзарасини олган эди. Маҳаллий аҳоли ўртасида Накши жаҳон номи билан машҳур бўлган бу тепаликда қазиш ишлари олиб борган археолог В. Л. Вяткин 1908 йилда Улуғбек расадхонасининг харобаларини топиб, унинг секстанти ер ости қисмини ковлаб очади. Улуғбек расадхонаси Мовароуннаҳрда ўз замонасиға нисбатан мукаммал ас-

трономик асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган олий даражадаги илмгоҳга айланган эди. Расадхонада Улуғбек билан бирга машҳур математик ва астрономлардан замондошлиари ўртасида «Афлотуни замон» фахрийномини олган Салоҳуддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизода Румий, Фиёсуддин Жамшид Кошоний, «уз даврининг Птоломейн» номи билан шухрат қозонган Алоуддин Али ибн Муҳаммад Али Қушчи ва кўпгина бошқа олимлар илмий кузатиш ва тадқиқотлар олиб борадилар. Хуллас, Улуғбек Самарқандда бутун бир астрономия мактабини яратади.

Самарқандда Улуғбек раҳбарлигида барпо этилган бу илмий даргоҳ математика, айниқса астрономия соҳасида илмий дунёда оламшумул аҳамият касб этган натижаларга эришади. Расадхонада олиб борилган қузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 событа (қўзғалмас) юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилади. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб жойлашган 683 географик пунктларнинг Самарқанд кенглигига нисбатан координатлари белгилаб чиқилди. Улуғбек мактабининг эришган энг муҳим ва ажойиб муваффақиятларидан бири математика фани соҳасида бўлди. Расадхона олимлари томонидан учинчи даражали алгебраик тенглама ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аниқланди. Ўша даврда аниқ фанларнинг ривожланиши ва шу фан соҳаларига оид илмий асарларнинг ёзилиши Улуғбек мактаби илмий фаолиятнинг асосий йўналишини белгилаб берди. Расадхонада олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида математика ва астрономияга оид бир қан-

ча нодир асарлар яратилди. Гарчи бу асарларнинг кўпи бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, сақланиб қолган қўлёзмалар ўша даврда Самарқанд астрономия мактаби эришган ютуклардан ва бу илмгоҳ намояндлари жаҳон астрономия фани ривожига қўшган улкан ҳиссадан гувоҳлик беради.

Самарқанд астрономия мактабининг кўзга куринган намояндларидан бири Ғиёсуддин Жамшиддир. У астрономияга оид: «Зижи хоний», «Боғлар сайри» ва «Осмон нарвони», математикага бағишлиланган: «Хорда ва синуслар ҳақида рисола», «Ҳисоб қалити» ва «Доира ҳақида рисола» каби асарларни ёзади. Бу борада Қозизода Румийнинг «Арифметикага оид рисола», «Астрономиянинг моҳиятига изоҳлар», «Шакллар асосига шарҳ» ва «Синус ҳақида рисола» асарлари, айниқса дикқатга сазовордир. Ушбу мактабнинг яна бир истеъоддли намояндаси Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи бўлиб, у астрономия, арифметика ва алгебрага оид олтита рисоланинг муаллифидир. Самарқанд астрономия мактаби намояндларининг асослари ва математик жадвалларига ўша давр олимларидан Қозизода Румийнинг набираси Мирам Чалабий ва Абул Али Биржандийлар томонидан ёзилган шарҳий асарлар муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Хуллас, Улуғбекнинг астрономия мактаби фаолиятига, хусусан унинг астрономия фанидаги назарий қарашларига баҳо берилганида шуни айтиш керакки, 15-асрда самарқандлик астрономлар ўз асарларида Птоломей системаси асосида дунёнинг маркази Ер (геоцентризм) деб курслатсалар-да, аммо Ернинг юмалоклиги ва



Мирзо Улуғбек.

Акмал Икромжонов чизган сурат. 1994.

унинг қуёш астрофида айланиш (гелиоцентризм) лиги улар учун ёт бўлмаган.

15-асрда аник фанларнинг, хусусан астрономиянинг равнақи ва Самарқанд астрономлари қозонган оламшумул мувваффақиятларда, айниқса Улуғбекнинг роли ва ҳиссаси буюкдир. Илм-фанга бўлган чексиз ҳурмат, зўр қобилият ва илмнинг заҳматли йўлларини босиб ўтиши туфайлигина у Самарқанд астрономия мактабининг асосчиси ва раҳбари сифатида улкан мувваффақиятларга эришди. Ўз устида муентазам ишлаш ва билимларини тинмай чукурлаштириш натижасида Улуғбек ўзининг кўпгина замондошларидан ўзиб ҳам кетди.

Самарқанд расадхонасида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларнинг самараси, Шарқ классик астрономиясининг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассамлантирган ва уни янги далил-исботлар билан бойитган шоҳ асар Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») номли китобидир. Бу асар 1437 йилда ёзиб тугалланган бўлса ҳам унга муаллиф умрининг охирига қадар бажарилган илмий тадқиқот натижалари асосида тузатишлар ва қўшимчалар киритиб боради.

«Зижи жадиди Кўрагоний» асосан икки кисмдан: кенг муқаддима ва 1018 события юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат. Асарнинг бош муқаддима кисми астрономиянинг назарий масалалари, Шарқ халқларидаги йил ҳисоби усуллари, астрономиянинг амалиёти, сайёralар назарияси ҳамда астрономия ва астрология масалаларига бағишлилангандир.

«Зижи жадиди Кўрагоний»нинг иккинчи

қисми астрономия ва тригонометрияниң амалий масалаларига мансуб. Асарнинг бу қисми учинчи даражали алгебраик тенглама янги оригинал услугуб билан муваффақиятли равишда ҳал қилиниб, натижада аниклиги миллиарддан бир бўлган тўққиз хонали тригонометрик жадвал тузилган. Шуни қайд қилиш жоизки, Улуғбекнинг астрономик жадвали үша замондаги шунга үхшаш жадваллар орасида бекиёс даражада аник бўлган. Масалан, фалак ал-бурж текислигининг хатти истивога оғвалиги Улуғбек жадвалида 23 даража 30 дақиқа 17 сонияга тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб бўйича у 23 даража 30 дақиқа ва қирқ тўққиз сонияни ташкил этади. Бу икки рақамлар ўртасидаги тафовут ҳаммаси бўлиб, минус 32 сонияга тенг холос. Шунингдек, Улуғбекнинг йил ҳисобини ҳозирги аник ҳисоб-китобларга солиштиргудек бўлсак, у бор йўғи бир минуту икки сонияга фарқ қиласди. Булар 15- аср учун ғоят юксак аниклик бўлиб, ҳозирги замон ўлчовларига жуда яқиндир.

«Зижи жадиди Кўрагоний» дан ташқари Улуғбек «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асар ҳамда мусиқа илмига бағишлиланган бешта рисола ҳам ёзган. Унинг «Тарихи арбаъ улус» асари туркийларнинг аждод ва авлодлари, мўғул қабилалари ҳамда Чингизхон вафотидан кейин ташкил топган Улуғ юрт, Жўчи, Чифатой ва Элхонийлар улусининг қисқача тарихига бағишлиланган. «Рисола дар илми мусиқа» («Мусиқа илми ҳақида рисола») асари мусиқа тарихига бағишиланниб, унда «ун икки мақом баёни»га доир маҳсус боби ҳам бўлган. Улуғбекнинг илмий фаолиятига ва қолдирган бой илмий меросига ба-

ҳо берилганда унинг замондош ҳамкасби Ғиё-  
суддин Жамшид таърифлагандек, у Куръон,  
хадис, араб тили ва граматикаси, фиқҳ, ман-  
тиқ, адабиёт, мусиқа, риёзиёт ва фалакиёт илм-  
ларини чукур билган комусий олим бўлган.  
Унинг илм-фан тараққиётидаги салмокли ўр-  
ни машхур замондош олимлар Ғиёсуддин Жам-  
шид, Мирам Чалабий, Давлатшоҳ Самарқан-  
дийлар тариғидан эътироф қилинган.

Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Мир  
Алишер Навоий ҳам Улуғбекка юксак баҳо  
беради. Олам охиригача Улуғбекнинг илмий  
мероси юксак баҳоланишини қайд этиб, қуий-  
даги мисраларни ёзиб қолдиради:

Темурхон наслидин Султон Улгбек,  
Ки олам кўрмади султон аниңдек,  
Анинг абнои жинси бўлди барбод,  
Ки давр аҳли биридин айламас ёд,  
Вале ул илм сори тоғти чун даст,  
Кўзи олинда бўлди осмон паст.  
Расадким боғламиш зеби жаҳондур,  
Жаҳон ичра яна бир осмондур.  
Билиб бу навъ илми асмоний  
Ки андии ёзди «Зижи Курагоний»  
Киёматга деганда аҳли айём  
Езарлар аниңг ахкомидин ахком

15- асрда Мовароуннаҳр ва Хурсонда та-  
рих фани ҳам кенг ривож топди. Ҳофизи Аб-  
ру, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хон-  
дамир, Исфизорий, Давлатшоҳ ва бошқа кўп-  
гина тарихчилар Темурийлар давлатининг икки  
пойтахти Самарқанд ва Хиротда яшаб ижод  
килдилар. Уларнинг асарлари Темурийлар дав-

латининг тарихига доир жуда қимматли ва нодир манбадир.

«Зубдаи таворих» муаллифи Хофизи Абрӯ, «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»ни ёзган Абдураззок Самарқандий ўз асарларида Темур ва Темурийлар ҳукмронлик қилган давр воқеаларини ёритдилар. Мирҳонд «Равзат уссафо» ва Ҳондамир «Ҳабиб ус-сияр» китобларини ёзиб, ўз асарларининг бир қисмини Султон Ҳусайн ҳукмронлик қилган давр воқеалиари баёнига бағишладилар. Ўша давр тарихнависларидан Муинуддин Исфизорий эса Ҳирот тарихини ёзди.

15- асрда Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқандда илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур олимларнинг ижодий фаолияти, астрономия ва математика фанлари соҳасида қилган қашфиётлари, яратган нодир асарлари билан илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаларининг салмоғига қараб фикр юритилса, Улуғбекнинг астрономия мактабини ўз даврининг академияси дейиш мумкин.

Улуғбек теварагига уюшган 100 дан ортиқ олимни ўз бағрида етиштирган, номи жаҳонга машҳур Самарқанд расадхонаси шу вазифани ўтаган. «Самарқанд академияси» даставвал бундан 225 йил муқаддам машҳур француз файласуфи, ёзувчи ва тарихчи олими Вольтер (1694 — 1778) томонидан эътироф этилган. Вольтер бу ҳакда: «Улуғбек Самарқандда бўлиб академияга асос солди, Ер курасини улчашга буюрди ва астрономия жадвалларини тузишда иштирок этди», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, «Самарқанд академияси» 1010 йили Хоразмнинг қадимий пойтахти Гурганчда ташкил этилган ўзига хос академия — «Дониш-

манлар уйи» («Маъмун академияси»)дан ке-  
йинги иккинчи «Дор ул-илем» эди. Бу Дор ул-  
илемнинг пойдевори бўлган Улугбекнинг астро-  
номия мактаби Ўрта асрлар мусулмон Шарки  
астрономиясининг ривожига катта таъсир кўр-  
сатди.

## МЕЪМОРЧИЛИК

15- асрда Самарқанд ва Ҳиротда меъмор-  
чилик, наққошлиқ, тасвирий санъат ва ада-  
биёт ниҳоят даражада тарақкий этади. Бу ик-  
ки пойтахт шаҳарларида кўплаб ҳашаматли  
жамоат бинолари қад кўтаради. Темурий ҳукм-  
дорлар орасида айниқса, Улуғбек бобоси Тे-  
мур каби мамлакатда курилиш ишларига кат-  
та аҳамият беради. У ҳукмдорлик қилган давр-  
да бир қанча масжид, мадраса, ҳонақоҳ, ҳам-  
мом, сардоба ва карvonсаройлар курилади.  
Мозорот ва зиёратгоҳлар обод этилади. Ав-  
вало у Темур даврида қуриб битказилмаган  
талайгина биноларни итмолига етказади. Гу-  
ри Амирнинг кириш пештоқи, Шоҳизинда ан-  
самблидаги баъзи мақбаралар, Шаҳрисабз-  
даги Кўкгумбаз масжиди, Яссидаги Аҳмад Яс-  
савий қабри устига қурилган бинолар шулар  
жумласидандир.

Улуғбек, айниқса Самарқандни обод қи-  
лишга алоҳида эътибор беради. Унинг даври-  
да Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони  
шаклланди. У қайтадан режалаштирилиб, майдонга Улуғбек мадрасасидан ташқари пеш-  
тоқли ва улкан гумбазли ҳонақоҳ, карvonса-  
рой, ўймакор ёғочлардан ишланган масжиди  
Муқаттаъ бино қилинди. Икки юз ўн гумбазли

Қўкалдош жоме масжиди қад кўтарди. Бу олий иморатлардан факат Улуғбек мадрасасигина бизнинг давримизгача сакланган. Мадраса меъморлик жиҳатидан мусулмон Шарқида шу турдаги биноларнинг классик намунаси ҳисобланади. У икки қаватли, хужраларининг олд томонлари тўрт қиррали айвон. Бурчакларида дарсхоналар, ғарбий томонида эса масжид жойлашган. Имарат пештоқи шарқ томонга, Регистон майдонига қараган. Мадраса пештоқи, тўрт бурчагидаги миноралари ва деворлари нақшинкор парчин ва кошинлар билан копланган, бекиёс меъморий қуринишга эга.

Улуғбек даврида яна бир йирик меъморий мажмуа — Шоҳизинда ансамбли композицияси жиҳатидан тўла қуриб битказилди. Унинг марказий қисмдаги нақшинокр обидалар орасида айниқса, Козизода Румий мақбараси меъморий жиҳатдан энг ажойиби ҳисобланади. У пештоқли, улкан гумбазли зиёратхонадан иборат бўлиб, кошинкор ва бекиёс жилвали ранго-ранг парчинлар билан накшланган.

Улуғбек томонидан курдирилган меъморий бинолар ичida тарҳи, математик ечимлари, нақш ва безаклари жиҳатидан энг нодир иншоотлардан ҳисобланган Самарқанд расадхонаси алоҳида ўринга эга. Чунки у Шарқнинг кўп асрли илму маърифат ва маданияти тарихида шуҳрат топган расадхоналар орасида Мовароуннаҳрда қад кўтарган якка-ю ягонадир. Шарқ мамлакатларида илму маърифатни, хусусан астрономия ва математика фанларининг ривожи йўлида расадхонанинг қўшган ҳиссаси ниҳоятда буюkdir.

Жамоат бинолари қурилиши меъморчилигида Регистон майдонида бино қилинган Мир-

зойи ҳаммоми ва карвонсаройи, «Боғи майдон»да қад кутарган «Чилсутун» («Кирк устун») ва «Чиннихона» саройлари, айникса, диққатга сазовор. Тиллакори мадрасаси ўрнида бўлган Мирзойи карвонсаройида кўпинча хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар кўнишган. Бобурнинг таърифлашича, «Чилсутун» ва «Чиннихона» саройлари ниҳоятда муҳташам ва кўркам бўлган. «Чилсутун» тошлардан фарш қилинган баланд тагкурси устига икки қаватли қилиб қурилган, унинг бурчакларида ички айланма зинапояли миноралари бўлган. Зинапоялар орқали саройнинг юқори қаватига чиқилган. Иккинчи қаватнинг марказида чордара услубида қурилган хонанинг тўрт тарафи ўймакор тош устунли айвон бўлган. Чордара услубида бино қилинган Чиннихона саройининг деворлари, хусусан уларнинг изора (панель) қисмлари хитойдан келтирилган рангдор ва нақшли чиннилар билан қопланган, шу сабабли бу олий иморат шу ном билан шухрат топган.

15- асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахр ва унинг пойтахти Самарқандда ҳашаматли бинолар қуриш бирмунча чекланди. Бу даврда икки қаватли Хўжа Аҳрор мадрасаси (1456), Ишратхона (1464) ва Оқсарой (1470- йиллар) мақбаралари каби иморатлар қад кутарди.

14 — 15- аср меъморчилигида иморатларни ўзига хос янги маълум мақсадга қаратилган ёнимлар асосида қуриш билан бирга, уларни безашда ҳам янги усууллар кўлланилади. Биноларнинг пештоқлари ва хоналарнинг ички деворлари қабартма ранго-ранг парчинлар, ок ёки зангори ранг устига зарҳал берилган ис-

лимий нақшлар, баъзан эса эпиграфик ёзувлар билан пардозланади.

Бу давр меморчилиги ва амалий санъатида асрий анъаналар янада такомиллаштирилиб, юкори даражали маънавиятни англатувчи ўзига хос услугуб яратилади. Бу услугуда бино қилинган иморатлар ўзининг уйғунлиги, ритми, қисмларининг мутаносиблиги, ранг-баранглиги ва тантанали манзара кашф эттирувчи воситалари билан ажралиб туради. Дарҳақиқат, ўзининг мукаммаллиги, етук шакли нағислиги ва гўзал нақшлари билан кишини маҳлиё этувчи 14 — 15-асрлар қурилиш санъатининг ажойиб дурдоналари минглаб кишилар меҳнатининг маҳсулидир. Уларда халқ ичидан етишиб чиқсан моҳир мемор, наққош ва бинноларнинг ақл-идроқи, маҳорати ва қурилиш соҳасидаги кўп асрли тажрибаси ўз ифодасини топган. Бу меморий обидаларнинг муҳандису тарроҳлари гўзалликнинг объектив конунларини чукур билганлар, ўз ижодларида даврнинг ғояси ва руҳини бера олганлар. Уларнинг меморий усули, нақши, ўзига хос хислат ва фазилатлари бекиёс ва тақорланмасдир.

15- асрнинг 2- ярмида Мовароуннахрнинг маънавий ҳаётида суфийлик тариқатининг таъсири кучайиб, дунёвий илмларга деярли аҳамият берилмай, Самарқанд расадхонасиdek «Дор ул-илм» қаровсиз қолган бир пайтда Хурросон шаҳарлари, хусусан унинг пойтахти Ҳирот ободонлашиб, у илм-фан, адабиёт ва санъатнинг марказига айланди. Ҳиротда, айникса, Султон Ҳусайн Бойқаро (1469 — 1506) ҳукмронлик қилган даврда бир қанча олий иморат ва иншоотлар қад кутаради. Ҳиротнинг обо-

донлашиши ва унда амалга оширилган курилишларнинг аскарияти ўша вақтларда Султон Ҳусайн девонида бош вазирлик лавозимида бўлган ва ниҳоятда давлатманд Мир Алишер Навоийнинг номи билан ҳам бевосита боғлиқдир. Навоийга замондош муаррихларнинг шаходат беришича, Хурросонда, хусусан Ҳирот ва унинг булукларида Навоий ташаббуси билан уч юздан ортиқ жамоат бинолари: масжид, мадраса, мақbara, хонақоҳ, ҳаммом, шифохона, сарой, истироҳат боғлари, работ ва карвонсаройлар ҳамда суғориш иншоотларидан ариқ (канал), ховуз, кўпприк, кориз, бандлар (сув омборлари) курилган. Курилишларнинг кўпи Навоийнинг бевосита ҳомийлиги билан ёки унинг маблағига амалга оширилган. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашиди» рисоласида қайд этилишича, Алишер Навоийнинг ҳар йилги даромади ўн саккиз минг «шоҳруҳий» динорга тенг бўлган. Бу маблағнинг деярли ҳаммасини у ҳайрли ишларга, жумладан жамоат курилишларига сарф қилган. 15-аср муаррихи Ҳондамирнинг ёзишича, Алишер Навоий ўз маблағига 52 работ, 19 ховуз, 16 кўпприк, 9 ҳаммом ва бир қанча масжид, мадраса, хонақоҳ ва шифиҳоналар каби ҳайрли иморат ва иншоотлар қурдирган. Астробод шаҳрида курилган Мир саройи ва Жоме масжиди, шунингдек Марв шаҳрида бино қилинган Хусравия мадрасаси шулар жумласидандир. Шу билан бирга Навоий жангу жадаллар ва зилзилалар оқибатида вайрон бўлган кўпгина жамоат биноларини қайта тиклашдек сермашаққат ишларни ҳам амалга оширади. У Ҳирот ва бошқа шаҳар-қишлоқларда 12 та масжидни қайта тузаттиради, жумладан 13-

асрда Ҳиротда бино қилинган Жоме масжи-  
ди, 1405 — 1418 йилларида Машҳадда қурил-  
ган Гавҳаршод масжиди, 11- аср бошида Гур-  
гон яқинида ўрнатилган Қобус минораси, 11-  
асрда Марв ва Ҳирот оралиғида қурилган  
Арслонжозиба работи ва кўпгина бошка имо-  
рату ишоотлар таъмир этилади. Бинолар маж-  
муотининг энг кўрками ва йириги Навоий то-  
монидан Ҳирот яқинида бунёд этилади. На-  
воий вазирлик лавозимидан истеъро бергач,  
Хусайн Бойқаро унга Инжил анҳори бўйидан  
ер ва сув ажратиб беради. Бу ерда Навоий ҳов-  
ли жой, боғча ва катта кутубхона бунёд эта-  
ди, айни пайтда бир қанча хайрли қурилиш-  
ларни ҳам бошлаб юборади. Қурилишнинг бош-  
тарҳи Навоий томонидан таклиф этилади. Би-  
нокорлик ишлари Ҳиротнинг моҳир меъмор,  
муҳандис, бинокор ва наққошлари томонидан  
бажарилади. Инжил бўйида ниҳоятда нақшин-  
кор «Ихлосия» мадрасаси, унинг қархисида  
кўркам «Халосия» хонақоҳи қад кўтаради.  
«Кудсия» жоме масжидининг ғарбида «Ши-  
фоия» даволаш уйи, унинг қархисида эса «Са-  
фоия» ҳамноми, улар қошида тош ҳовуз ҳам  
курилади. Мадраса ва хонақоҳларда бир неча  
минг киши истиқомат қилиб фан, адабиёт ва  
санъат билан машғул бўлган. Ҳондамирнинг  
ёзишича, «Халосия» хонақоҳида ҳар куни заи-  
фа ва мискинларни зиёфат қилиб, лазиз таом-  
лар билан тўйдиришган.

Янгитдан қуриладиган ҳар бир бино ёки  
таъмир этиладиган ҳар бир ёдгорликка мукам-  
мал меъморий зеб бериш учун Навоий қури-  
лишга ҳамма вақт кўплаб турли касбдаги би-  
нокор усталарни: моҳир муҳандису меъморлар,  
кошингарошу тоштарошлар, ўймакор наққош-

лару музаххиблар (зархал тортувчи) хамда парчинпазларни жалб қилар эди. Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор» номли асарида ёзишича, 1498 йилда Ҳирот Жоме масжидини таъмир этиб тиклашда қарийб юзта ҳунарманд усталар қатнашган. Таъмирлаш ишлари бошидан охиригача бевосита Навоий бошчилигида амалга оширилган. «Кўп кунлар у этагини белига қистириб, ёлланган ишчилар сингари усталарга фишт узатарди ва бошқа ишлар қилиарди. Тез-тез меъмор, уста ва косибларга қимматбаҳо саруполар кийдиради ва кўп навозиши курсатар ва боша инъомлар билан хушдилу ҳурсанд қиларди. Шундай қилиб, уч-тўрт йиллик иш олти ой муддат ичида тамомланди». Навоий томонидан таъмир эттирилган Ҳирот Жоме масжиди ҳовлисининг узунлиги 114 метр, эни 84 метр бўлиб, олтида дарвозаси бўлган. Жоме масжиди ҳозир ҳам Ҳиротнинг энг гўзал обидаларидан бири.

Мовароуннаҳр ва Ҳурисоннинг 15- аср меъморчилиги тўғрисида сўз юритилар экан, шуни таъкидлаш жоизки, унда ҳозирги замон шаҳарсозлигида инфраструктура деб аталадиган уйгунилкка эришишга ҳаракат қилинган. Масалан, 15- асрнинг 80- йилларида Ҳирот яқинида Инжил анҳори бўйида қуриб битказилган кўркам иморатлар мажмуасида уй-жойлардан ташқари, мадраса, ҳонақоҳ, шифохона, ҳаммом, ҳовузлар, савдо расталари бўлган. Дам олиш ҳиёбонлари, боғ-роғлар эса хушҳаво жойларда барпо қилиниб, уларга шаҳар меъморчилигининг таркибий қисми сифатида қаралган. Бу даврда жамоат биноларини исми жисмига монанд, маънодор, ҳамда жарангдор номлар билан аташга ҳам катта аҳамият

берилган. Шунингдек бундай номлар заруриятга қараб, абжад ҳисобида курилиш йили тарихини ҳам ифодалashi лозим бўлган. Ихлосия, Халосия, Шифоия, Сафоия, Унсия, Ҳудсия, Низомия, Ҳусравия ва Фаноия шулар жумласидандир. Масалан, Ихлосия мадрасасининг номи Навоийнинг мактабдош дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога бўлган ихлосини, миннатдорчилигини билдиrsa, Халосия — озодлик, Шифоия — соғлик, шифо; Сафоия — поклик, софлик маъносини англатган. Ҳусравия мадрасасининг номи эса бинонинг биринчи гиштини қўйган шахзода Муҳаммад Султон номини ҳамда унинг курилиш йилини ифодалаган.

Мовароуннаҳр ва Хурросоннинг 15- аср меъморчилигида ўзининг комплекслигига ва бажарган вазифаси жиҳатидан жамоат бинолари орасида шифохона ва ҳаммомлар алоҳида ўрин тутади. Бундай бинолар Ўрта ва Яқин Шарқда 8—9- асрлардаёқ кад кўтариб, 15- асрда Самарқанд, Бухоро, Гурганч, Марв, Ҳирот, Ғазна, Рай, Ҳамадон ва Йисфихон каби Шарқнинг нуфузли шаҳарларида кенг тарқалган эди.

15- асрда меъморчиликнинг бу соҳасида илк ўрта асрлар анъаналари янада ривожлантирилди. Ҳирот шаҳрида шундай шифохоналардан бири Султон Абусайднинг (1439—1469) катта хотини Милкат оғо томонидан қурдирилади. Унга Ҳиротнинг етуқ табибларидан Мавлоно Дарвишали мутасадди қилиб тайинланиб, барча муолажа ишлари унга топширилган эди. Бундай жамоат шифохонаси «Дор уш-шифо» (Даволаш уйи) номи билан юритилиб, уларга замонасининг билимдон табиблари bemорларни даволаганлар. Дор уш-шифода маҳсус дориҳоналар бўлиб, уларда дорипазлар bemор-

лар учун дори-дармонлар тайёрлаб берганлар.

Хондамирнинг таърифлашича, Инжил соҳилида курдирилган «Шифоия» шифохонаси «Ихлосия» мадрасасининг рўпарасида жойлашган бўлиб, гумбази нақшинкор мовий кошинлар билан копланган. Деворлари қизил ғиштдан терилган. Ҳовлисида сарҳовуз бўлиб, саҳнидан майин тоғ шабадаси мутассил эсиб турган. «Шифоия» шифохонали табобат илмгоҳи тарзида бўлиб, унда табиб ва ҳакимлар беморларни даволашдан ташқари табобат илми билан ҳам шуғулланганлар.

Алишер Навоийнинг инояти билан ўша даврда етишиб чиқкан Ғиёсуддин Муҳаммад, Низомуддин Абдулхай, Дарвишали, Муҳаммад Юсуф, Абдулхай Туний, Муҳаммад Муъин, Хутбuddин Одам каби машҳур табиблар «Шифоия» да узок вақт фаолият кўрсатганлар.

Бу даврда Ҳирот Дор уш-шифоси, айникса, каҳҳоллари (кўз касалликлари табиблари) ғоят шуҳрат топади. Бир сафар ҳатто Ҳўжа Аҳорорнинг Навоийга ёзган маҳсус мактуби билан Мавлоно Фазлуллоҳ даволаниш учун Самарқанддан Ҳиротга юборилади. Ҳўжа Аҳорор касал бўлганида эса Навоий фармонига биноан Низомуддин Абдулхай табиб Самарқандга келади. Шубҳасиз, Ҳиротнинг 15-аср табиб ва ҳакимлари табобат соҳасида кўплаб илмий китоб ва рисолалар ёзганлар. Навоийнинг табобат илмига раҳнамолиги туфайли Ҳиротда Дор уш-шифо очилади. Унда машҳур табиблар фаолият кўрсатиб, тиб илми ривожига ўз ҳиссаларини кўшадилар. Эътиборли томони шуки, шифохонада даволаш ва даволаниш учун барча шароитлар мавжуд бўлиб, беморларга дори-дармонлар, кундалик нонуш-

та ва тушлик овқатлар мұхайё этилганди. Навоийнинг вафотигача унинг тарбиясида 12 мингга яқин мадраса толиби, шоир, олим, музаххид, мусаввир ва заргарлар, дурадгор ва бинокор усталар камол топадилар.

Халқ саломатлиги йўлида қайғурган Навоий Хирот ва унинг атрофида, Шифоия, Зиёратгоҳ, Дараи Занг, Тувурчи, Чилдухтарон, Тарноб, Панждех, Файзобод, Саъдобод каби бир канча ҳаммом ҳам қурдиради.

Навоийнинг режаси ва тарҳи билан бино қилинган йирик меъморий мукаммал мажму-отлар, унинг ташаббуси билан қурилган катта-кичик иншоотлар улуғ шоирнинг меъморчilik санъати бобида ҳам бой билимга эга бўлганлигидан гувоҳлик беради. Меъморий жиҳатдан бекаму кўст қурилган ҳар бир бинони Навоий оддийгина бошпана эмас, балки ўзининг жозибаси билан кишиларга ором ва эстетик завқ берувчи санъат асари деб ҳисоблаган. Ўзининг бундай фикрини у:

Тарих қилса муҳандиси моҳир.  
Ҳар замон ўзга шакл этар зоҳир.  
Ҳар киши ғолиб ўлса савдоси.  
Дафъи савдо қилур тамошаси.

мисраларида ифодалаган. Навоийнинг меъморчилик ва санъат соҳасида етарли билимга ва юқсак бадиий тасаввурга эга бўлган ихлосу эътиқоди, шавку завқи туфайли у асарларида яратган қаҳрамонларини кўпинча моҳир мусаввир, уста бинокор, қўли гул наққош, зукко меъмор қиёфасида тасвиirlайди. Навоий Шарқ меъморчилиги ва мусаввирлиги анъаналари тарихининг зўр билимдони

эканини нафақат ўзи яратган образлар мисолида, балки ҳаётий фаолиятида ҳам чукур намойиш эта олди.

15- асрнинг маданий ҳаётида истироҳат боғлари ташкил этиш санъати ҳам диққатга сазовордир Самарқанд. Бухоро, Марв, Ҳирот каби йирик шаҳарлар атрофида гўзал оромгоҳлар барпо этилади. Бу даврда ҳам сайргоҳ боғлар асрий анъаналарга асосан икки хил усулда: чорбоғ ва қуриқхона тарзида ташкил этилади. Чорбоғлар тарҳи мутаносиблик (симметрия) асосида тўғри геометрик шакллардан тузилган тартибли гулзор ва мевазорлардан иборат бўлиб, қуриқхоналар табиатнинг хушманзара бағрида барпо этилган.

Истироҳат боғлари гулзорлар билан ўралган баланд сарой ва нақшинкор шийпонлар, уларга элтувчи серсоя сўлим хиёбонлар, зилол сувли ариқлар, марказида гирди ва ичи тоштахталар билан фарш этилган ҳамда атрофиға ғужум ва мажнунтоллар ўтқазилган тўрт ёки саккиз бурчакли ҳовузлардан иборат бўлган. Бундай истироҳат боғларини ўз кўзи билан кўрган Ҳондамир «бу шарофатли жой нафис безаклар ва ғаройиб ихтиrolар билан ораста қилингандир», деб таърифлаган. Шубҳасиз, бундай таъриф Ҳиротнинг энг йирик истироҳат боғи «Боғи Жаҳонаро» манзарасида ўз ифодасини топган эди. Боғи Жаҳонаронинг умумий майдони қарийб бир квадрат километрга teng бўлиб, боғда олди гулзор, атрофи мевали ва манзарали дарахтлар билан ўралган баланд саройдан ташқари Чорбоғ ва Чорчаман ҳамда хиёбон кўринишида ташкил этилган тўртта боғ, улар уртасидаги кенг ҳовузнинг тўрт томонига қурилган тўртта нақшин-

кор шийпон ва камонда нишонга ўқ узиб машқ ва мусобака қилишга мүлжалланган маҳсус бинот— садоқхона (тир) жойлашган эди.

## КИТОБ САНЬЯТИ

15- асрда Ҳиротда меъморчилик билан бир каторда китобат санъати, яъни қўлёзма асарларни кўчириб ёзиш ва у билан боғлиқ бўлган ҳаттотлик, мусаввирлик, лаввохлик (лавҳа чизиш) ва саҳҳофлик (муқавасозлик) санъати ҳам юксак даражада эди. Китобат санъатнинг маълум бир соҳасиға айланиб, нафис китоб бу санъатнинг нодир ва бебаҳо асари ҳисобланарди. Бу давр нафис китоб ва ҳаттотлик санъати тараққиётида янги бир боскич бўлиб, шу соҳанинг моҳир санъаткорларини яратди. Босмахона ва китоб нашр этиш ҳали вужудга келмаган ўша замонда китоб яратиш ва унинг нусҳаларини қўлёзма шаклида қўпайтириш кўп меҳнат ва малака талаб қилган. Айниқса нафис китоб яратиш ўта мураккаб ва жуда машакқатли бир жараён бўлиб, у қофозрез (коғоз тайёрловчи), ҳаттот, мусаввир, лаввоҳ, саҳҳоф (саҳифаловчи-муқовачи) каби бир неча хил мутахассисларнинг меҳнати ва малакаси б-н боғлиқ эди. Ҳар бир китоб қофозидан тортиб муқовасигача, сиёҳидан то бўёқларию зарҳалигача маълум усул, режа ва қоида асосида тайёрланар эди, ҳатто китобдан хушбуй ҳид анқиб туриши учун баъзан сиёҳга гулоб ёкибандар қўшиларди. Ҳаттотлик маҳсус касб, ўта нозик ва ўзига хос санъат ҳисобланарди. Етук ҳаттот бўлиб танилиш учун узоқ вақт сабр-матонат ва иштиёқ билан машқ қилиш,

захмат чекиш лозим эди.<sup>5</sup> Хаттот мукаммал са-  
водли, бадий диди баланд, ижодкор киши бү-  
лиши лозим бўлган. Ҳар бир хаттотнинг ўз ус-  
луби бўлиб, улар устоздан шогирдга ўтар, анъ-  
аналар давом эттирилар ва такомиллаштири-  
либ борилади.

Бир неча касб-хунар соҳибининг узоқ ва  
машаққатли меҳнати билан бунёдга келган на-  
фис китоб жуда оз нусҳада бўлиб, у ниҳоятда  
киммат бўлар эди. Бундай китоблар кўпинча  
подшоҳ, руҳоний, амир ва давлатманд амал-  
дор кишиларнинг буюртмаси билан ишланар  
ва маҳсус китобхоналарда, ҳатто хазиналар-  
да қимматбаҳо мулк сифатида сақланар эди.  
Нафис китоб ва хаттотлик санъати 14—15- аср-  
ларда янги тараққиёт босқичига кўтарилди.  
**Машхур хаттот Мирали Табризий (1330—1404)**  
настаълик деб номланган янги услубдаги хат-  
ни яратди. Бу услуб хатти куфий, хатти ши-  
каста, насх ва бошқа услубдаги дастхатлар  
ўрнини эгаллади. Настаълик услуби айниқса  
Султонали **Машҳадий** бошлиқ Ҳирот хаттот-  
лари фаолияти билан кенг тарқалади ва ўз та-  
комилининг юксак босқичига кўтарилади. «Хат-  
ти Ҳиротий» деб шуҳрат топган бу услуб бир  
канча Шарқ ўлкаларида асрлар давомида етак-  
чи услуг бўлиб қолади.

15—16- асрларда бир қанча истеъдодли хат-  
тот, мусаввир, лаввоҳ ва саҳрофлар етишди.  
**Абдураҳмон Ҳоразмий**, Султонали **Машҳадий**,  
Султонали **Хандон**, **Мирали Қилқалам**, Ҳал-  
войӣ, Рафиқий ва бошқалар шулар жумласи-  
дандир. Ҳирот хаттотларига устозлик қилиб,  
китобот санъати равнақига улкан ҳиссасини  
қўшган хушнавис хаттотлардан бири Султо-  
нали **Машҳадий (1432—1520)** эди. У Низомий,

Аттор, Хофиз, Саъдий, Хусрав Дехлавий, Жомий, Навоий, Хусайнний (Хусайн Бойқаро) ва бошқа муаллифларнинг асарларини кўчиради. Султонали томонидан кўчирилган 50 дан зиёд китоб ва кўпгина қитъалар бизнинг давримизгача етиб келган. Султонали ўймакорлик санъатида ҳам моҳир бўлган. У Хусайн Бойқаронинг «Боги жаҳоноро» боғидаги сарой ва бошқа биноларнинг деворларига ўйиб битиклар ёзган. Хусайн Бойқаро қабр тошидаги лавҳа ҳам Султонали томонидан ўйиб битилган. Хаттотлик санъати турлари ҳақида маҳсус рисола ҳам ёзган. Китобат санъатида Ҳирот хаттотлари орасида хушнависликда пешкадамлиги, яратган кўпгина нафис китоблари ва етиштирган шогирдлари туфайли Султонали Машҳадий «Қиблат ул-куттоб» («Қотиблар қибласи») ва «Султон ул-хаттотин» («Хаттотлар султони») номлари билан шуҳрат топади.

Бу даврда Темурий ҳукмдорлар девонхоналари қошида, хусусан Самарқанд ва Ҳиротда маҳсус сарой кутубхоналари ташкил этилганди. Бундай кутубхоналар ўрта асрнинг ўзига хос ҳунармандчилик корхонаси бўлиб, уларда қўлёзма асарларни тўплаш ва сақлаш билан бирга, улардан нусхалар кўчириш, турли манзарали ранго-ранг тасвир ва нақшинкор лавҳалар билан саҳифаларни безаш ҳамда мувковалаш каби китобсозлик билан боғлиқ бўлган бир қанча амалий ишлар бажарилган. Бундай сарой кутубхоналарининг бошликлари кутубхона доруғаси ёки китобдор аталиб, унинг кўл остида кўплаб хушнавис хаттот, қули гул наққошу мусавиirlар, моҳир лаввоҳу саҳҳоблар китоб яратишга оид турли буюртмаларни

бажарганлар. Масалан, 15 асрнинг 1- ярмида Хиротда Улуғбекнинг укаси Бойсункур кутубхонасида қирқта хаттот ва бир қанча наққош қўлёзма асарлардан нусхалар кўчириш ва уларни безаш билан банд бўлган. 1424 – 29- йилларда шу кутубхона бошлиғи Жаъфар Бойсунқурий томонидан Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» поэмаси кўчиртирилиб, у 20 та турли мазмундаги рангдор миниатюралар билан безатилган.

15- асрнинг 2- ярмида Хиротда китобат санъати янада ривож топади. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий сарой кутубхонасини нодир асарлар билан бойитишга ғоят ғамхўрлик киладилар. Навоийнинг укаси Дарвешали девонхона кутубхонасининг доруғаси этиб тайинланади. У кутубхонага Хиротнинг кўплаб хушнавис котиби-хаттотларини ва моҳир наққошу мусаввирларини тўплайди. Хиротнинг машҳур хаттотларидан Султонали Машҳадий ва Рафиқий (Мирали котиб) лар Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий буюртмалари билан кўплаб китобларни кўчириб, нусхаларини кўпайтирадилар. Бобурнинг ёзишича, биргина Султонали Ҳусайн Бойқаро учун ҳар куни 30 байтни ва Навоий учун 20 байтни китобга кўчирап экан. Рафиқий ҳам ўрта асрнинг бу бекиёс нозик санъати соҳасида шуҳрат қозонган эди.

### ТАСВИРИЙ САНЪАТ

15—16- аср бошларида тасвирий санъат соҳасида улкан муваффакиятларга эришилади. Беҳзод, Мирак Наққош, Қосимали, Маҳмуд

Музаҳҳиб, Ҳожи Мұхаммад Наққош ва Шоҳмұзаффар каби муйқалам сохиблари етишади. Бизгача сақланиб қолған тасвирий санъат обидалари ва ёзма манбалар Мовароуннаҳр ва Ҳуросон тасвирий санъатининг ўзига хос услубини, мусаввирлар ижодиётининг ҳәёлий мавхумликдан ҳәётийликка, реалистик тасвирга томон ривожланиб борганини күрсатади. Бу жиҳатдан, айникса. Беҳзод асос солған Ҳирот мусаввирлик мактаби улкан ютуқларга Эришади. Бу давр тасвирий санъати обидалари ўзининг мавзуи ва воқеийлигига қараб портретлар, ҳәётий лавҳалар, табиат манзаралари, бино ва бадий асарларга ишланган тасвирлардан иборат бўлган. Буюк сиймолар қиёфаси тасвирлари орасида Жомий, Навоий, Абдулло Хотифий, Беҳзод, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Шайбонийхон ва бошқаларнинг портретлари бизгача сақланиб қолған. Мусаввирлар бу тарихий шахсларнинг ташқи қиёфасини аниқроқ ва мукаммалроқ тасвирлашга, айрим ҳолларда, ҳатто уларнинг маънавий дунёсини очишга интилганлар. Бу жиҳатдан айникса Навоий портретлари диққат-эътиборга моликдир. Масалан, машҳур рассом Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан чизилган Навоий тасвирида шоир ҳассага таянган, унинг қомати бирмунча букчайган, қараашларида ҳам хорғинлик аломатлари, ҳам улугворлик ва олижаноблик кўзга яққол ташланиб туради.

Ҳаёт лавҳалариға бағишлиланган тасвирий санъат асарлари ўз мазмуни ва мавзуи, услуби ва бадийлиги билан ҳам ниҳоятда қимматлидир. Беҳзод ва бошқа мусаввирлар ўрта асрлар муҳитининг бир қанча ҳәётий манзараларини моҳирлик билан тасвирлашга муваффак

бўлганлар. Масалан, Беҳзоднинг бино қурилишига бағишланган бир тасвирида кўпдан-кўп қурувчи-бинокор, дурадгор, тоштарошловчилар, арава ва филга ортиб келтирилаётган қурилиш материаллари, белига қилич таққан ва говрон кўтариб қурувчиларга ўшқираётган кутвол — қурилиш бошлиғи тасвиrlанган.

Замондошлари томонидан Монийи соний (Иккинчи Моний), кейинги давр олимлари томонидан «Шарқ Рафаэли» деб улуғланган Камолуддин Беҳзод 15- аср тасвирий санъатининг улуғ намояндасидир. У мусавиrlикда Ҳирот мактаби деб номланган янги бир ижодий услубнинг асосчиси бўлди ва устоз санъаткор сифатида Мовароуннаҳр, Эрон, Озарбайжон ва бошқа ўлкалар тасвирий санъатининг тараққиётига самарали таъсир этди. Беҳзод мусавиrlик санъатининг жиҳатлари кўп бўлиб, унинг мўйқалами билан чизилган тасвиrlар ўзининг нафислиги, руҳий ва жисмоний ҳолатларнинг уйғунилиги, ёрқинлиги ва бўёклари нинг жозибадорлиги жиҳатидан Шарқ мусавиrlик санъатида алоҳида ўринга эгадир. Беҳзод ижоди хилма-хил мазмунга эга бўлиб, у тарихий сиймолар (Хусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Алишер Навоий) портретларидан тортиб, то ҳукмдорнинг сержило саройларидағи қабул маросимлари-ю, жанг майдони манзараларигача ҳаққоний ва таъсирли қилиб бера олган. Айникса, Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» асарига бағишланган лирик манзаралар ёки Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари учун чизилган жанг майдонидаги шиддатли маҳораба тасвири этилган миниатюралар ниҳоятда жозибадор ва таъсирчандир. Хуллас, тасвирий санъат асарлари китобда хаттотлар-

нинг ҳуснихати, муқовасоз ва зарҳалчилар-  
нинг санъати билан уйғунлашиб, ғоят күркам  
бир тусга киради.

Буларнинг барчаси санъат турлари билан  
бадиий адабиётнинг ўзаро узвий алоқада рав-  
нақ топганини, бири иккинчисига самарали таъ-  
сир этганини күрсатади.

## МУСИҚА

14—15- асрлар Ўрта Осиё халқларининг му-  
сиқа санъати тараққиётида янги ва баракали  
бир босқич бўлди. Бу даврда янги куй ва кў-  
шиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа назария-  
сига доир нодир асарлар яратилди. Жуда кўп  
маҳоратли созандачилар, бастакорлар ва ҳо-  
физлар етишади. Абдуқодир Найий, Қулму-  
ҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳкули Фиж-  
жакий, Қосим Раббоний, Дарвеш Ҳамад Қо-  
нуний, Ҳожа Юсуф Андижоний, Устод Шо-  
дий, Нажмуддин Қавқабий ва бошқалар шу-  
лар жумласидандир. Омилкор мусиқачилар би-  
лан бир қаторда Улуғбек, Навоий, Жомий ва  
Биноий каби мутафаккир ва шоирлар ҳам му-  
сиқа соҳаси билан шуғулланиб, унинг риво-  
жига маълум ҳисса қўшадилар. Масалан, Улуғ-  
бек «булужий», «шодиёна», «аҳлоқий», «таб-  
ризий», «усули равон» ва «усули отлиғ» куйла-  
рини, Навоий «Исфаҳоний» қуйини ижод қи-  
ладилар. Жомий ва Бинойлар мусиқа наза-  
риясига доир асар яратадилар.

Мусиқа санъати аҳлларининг ижодий фао-  
лияти билан 9—12- асрларда вужудга келган  
дувоздах (ўн икки) мақом куйи бу даврда ян-  
ги тараққиёт поғонасига кўтарилади, такомил-

лашади ва янги куйлар билан боййиди. Демак, мусиқа санъати ҳам 14—15- асрларда санъатнинг бошқа турлари ва поэзия билан узвий алоқада ривожланди. Моҳир санъаткормашшоқлар, бастакор ва ҳофизлар етишади. Нодир ва бебаҳо санъат асарлари вужудга келади.

### АДАБИЁТ.

14- асрнинг 2- ярми ва 15- аср Ўрта Осиё халқлари адабиёти тараққиётида янги ва жуда сермаҳсул давр бўлди. Бу даврда адабиёт бадиий услуг жиҳатидан такомиллашди, янги поғонага кўтарилди. Насрда ҳам, назмда ҳам қўплаб нодир бадиий ва лирик асарлар яратилди. Туркий ва форс тилларида ижод қилувчи шоирлар ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорлик кенгайди. Ўзбек таржима адабиёти вужудга келди. Бадиий адабиётнинг ўсиши билан узвий боғланган ҳолда адабиётшунослик ҳам тараққий этди, бу соҳага оид илмий асарлар яратилди.

Бу даврда замонасининг истеъдодли ва етук шоирлари ва адиллари Кутб, Сайфи Сароий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Якиний, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Мухаммад Солиҳ ва бошқалар яшаб ижод қиладилар. Дурбек томонидан қайта ишланган «Юсуф ва Зулайҳо» достони, тошкентлик шоир Атоийнинг девони, Лутфийнинг «Зафарнома» ва «Гул ва наврӯз» поэмалари бадиий адабиётнинг ўша даврда яратилган дурданаларидир. Ўзбек шоирлари ичida Лутфий (1366—1465) алоҳида ўрин тутади. Навоийга қадар ўзбек шеърия-

тида Лутфий даражасига етадиган шоир ўтмаган. У биргина туркий тилида асарлар яратиб қолмади, балки форс тилида ҳам қасидалар ёзди. Лутфий ижодида ҳақиқат ва адолатни севиш, шафқат ва муруватли бўлишни тарғиб қилиш, илм ва санъатни севиш каби ғоялар катта жой олган.

Бу давр бадиий адабиёти тараққиётида форс-тожик шоири Абдурраҳмон Жомий (1414—1492) ҳамда ўзбек классик адабий тилининг асосчиси ва ўзбек классик адабиётининг сардори Алишер Навоийнинг ҳиссалари ғоят буюkdir. Лирика соҳасида Саъдий, Хофиз ва Камол Хўжандий қаторида турган Жомий жуда сермаҳсул олим ва истеъдодли адаб эди. Қарийб ярим аср давом этган ижодиётида у фан ва адабиётнинг турли масалаларига оид 99 та асар ёзди. У 15- аср адабиётида мавжуд бўлган деярли барча жанрларда асарлар яратди, ўзидан олдинги улуғ сўз санъаткорларининг анъаналарини давом эттириди ва ривожлантириди, бадиий юксак асарлари билан дунё адабиёти хазинасига ўлмас обидалар кўшиди. Жомийнинг энг йирик ва машҳур асари етти достондан иборат «Ҳафт авранг», шунингдек «Баҳористон» ва «Ҳирадномаи Искандар» асарлари фалсафий дидактик ва ахлоқий-таълимий мазмунга эга. «Ҳираднома»сида у деспотизм, зулм, очкӯзлик ва қизғанчиқликни қоралайди, меҳнатсеварлик, инсонпарварликни, кишиларнинг ҳуқуқий тенглигини тараннум қилади, ижтимоий адолат, кишилар ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ҳақида, тенглик тўғрисида орзу қилади.

Абдурраҳмон Жомий улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг замондоши,

устози ва дўсти эди. Бу икки мутафаккирнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг ёркин тимсолидир. Инсон ва унинг бахт-саодати учун, маданият, илм-фан, санъат ва адабиётнинг равнақи учун кураш бу икки буюк сиймони бирбирига яқинлаштирган эди. Навоий Жомийни устоз, буюк сўз санъаткори деб билди, у билан Ҳамкорлик қилди, унга бағишлаб «Ҳамсаи ул-мутаҳайирин» («Беш ҳайрат») асарини яратди. «Тухфат ул-афкор» («Фикрлар совғаси») асарини унга атади. Асарларида уни таъриф ва тавсиф этиб, юксак баҳо берди. Ҳудди шунингдек, Жомий ҳам Навоийни буюк сўз санъаткори сифатида тақдирлаб, унга юксак баҳо берди. Жомий ҳам бир неча асарларини Навоийга бағишилади.

15- аср бадиий адабиёти равнақида ўзбек халқининг улуғ фарзанди, буюк шоир, олим, мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳиссаси ғоят буюкдир.

Навоий бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро урушларнинг олдини Олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишилади. У улуғ инсонпарвар, донишманд, давлат арбоби, ўзбек адабий тилига асос солган ва ўзбек класик адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъаткори, истеъододли қомусий олим булиб етишади. У даврининг маданий ҳаётига раҳнамо, илм-фан, санъат ва адабиёт ахлларига ҳомий, кўплаб шогирдлар етиштирган устоз бўлди. Навоий тил, адабиёт, мусика, тарих, фалсафа, астрономия, тарбия назарияси соҳасида жуда кўп қимматли илмий

асарлар, ўттиздан ортиқ, йирик бадий асар еэди. «Ҳамса», «Ҳазойин ул-маоний», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр» шулар жумласидандир. Навоий «Фоний» тахаллуси билан форс тилида ҳам ижод қилиб, «Девони Фоний», «Ҳасби ҳол», «Тухфат ул-афкор» каби лирик асарлар яратди.

Навоий асарларида муҳаббат ва садоқат, дўстлик ва қардошлиқ, адолат ва тинчлик зўр маҳорат билан тараннум этилади. У одамларни инсонга муҳаббатли бўлишга даъват этди, меҳнатни улуғлади. Шоир одамларни фанни эгаллашга, билимларни ўзлаштиришга чақириди, саводли бўлишнинг амалий аҳамиятини уқтириди. Навоий ғаразли мақсадларни кўзлайдиган амалдор ва руҳонийларни қаттиқ қоралади ва уларнинг ўз мансабларини сунистъмол қилишларини лаънатлади.

Навоий тарихни билишнинг аҳамияти айникса катта эканини уқдириб, одамларни тарихни ўрганишга даъват этди. Унинг фикрича, тарих фани шоҳлар, ҳукмдорларнинг таржимаи ҳолини ёзиш эмас, балки мамлакат тарихини ўрганиши керак. У салтанатни нималар ҳалок қилишини ва нималар фаровонликка олиб келишини, қандай ишлар туфайли мамлакат обод бўлишини, қандай ишлар сабабли мамлакат таназзулга юз тутишини, қандай ишлар туфайли мамлакат маъмур бўлишигини, қандай ишлар ҳалққа фароғат ва баҳт келтиришини тарих кўрсатиб бериши лозим деб хисоблади.

Навоий таъкидлашича, ҳалқнинг фаровонлиги, давлатнинг равнақи дехконлар ва коғибларнинг оғир ва машаққатли меҳнати натижаларига боғлиқ. Шу сабабли уларни хур-

матлаб, меҳнатини ардоқлаш лозим. Навоий шоҳ, бек ва бошқа амалдорларнинг хунарманд-косибларга, дехқонларга зулм ўтказишларига қарши чиқади. Навоий одамларни инсофли, олийҳиммат, меҳнатсевар бўлишга даъват этди, жаҳондаги барча маъмурчиликнинг манбаи меҳнат деб, уни мақтади.

Навоийнинг хушхулк, одобли ва тарбияли бўлиш тўғрисидаги фикрлари, айниқса, қимматлидир. У тарбияли бўлишни юксак ва олижаноб фазилатлардан бири деб ҳисоблаб, одамларни хушмуомала, хушфеъл бўлишга чакиради. Шоир юксак аҳлоқий сифатларни адолат, инсонпарварлик, одамларга меҳрибон бўлиш билан чамбарчас боғлаб, адолат ёрдамида мамлакатни обод қилиш мумкинлигини, ҳар бир киши ўзининг хулқи ва одоби билан одамларни хурсанд қилиши лозимлигини уқтириб ўтади.

Хуллас, ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзининг фаолияти ва ижодиёти ҳамда бебаҳо асарларида кўтарган ўта инсонпарвар ғоялари билан жаҳон адабиётининг буюк санъаткорлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Унинг номи ва мероси Гомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Шота Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Бальзак, Пушкин ва Толстой, Рабиндронат Тагор ва Лу Син каби улкан мутафакирларининг номи ва меросидек абадийдир.

---

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР, ТАРИХИЙ ШАХСЛАР  
САНАСИ

Амир Темур ибн Тўрғай Бадиҳодир — давлат арбоби ва буюк саркарда	1336. 09. 04 1405. 18. 02.
Сабзаворда сарбадорлар ҳаракатининг бошланиши	1337
Важухуддин Масъуд бошлиқ сарбадорлар хукумати тузилиши	1338
Амир Темур — Кеш (Шахри-сабз) ҳокими	1361
Амир Темур билан Амир Хусайннинг Туғлук Темурга қарши иттифоқи	1361
Амир Темур ва Амир Хусайннинг Илёсхўжа билан тўқнашуви («Жанги лой»)	1365
Мўғул хони Илёсхўжанинг Самарқандни камал қилиши	1365
Самарқандда Мавлонзода ва Абу Бакр Кулуйинаддоф бошчилигига сарбадорлар кўзғолони	1365
Амир Хусайн — Мовароуннаҳр ҳокими	1366

Амир Ҳусайн томонидан сарбадорлар раҳбарларининг катл этилиши	1366
Амир Темурнинг Амир Ҳусайнга қарши кураши	1366 — 1370
Амир Темур — Мовароуннахр амири	1370
Амир Темурнинг Олтин Ўрда ва Хоразмга юришлари	1372 — 1375
Амир Темурнинг «Уч йиллик юришлари» (Эрон, Қавказорти)	1386 — 1388
Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг Ўрта Осиёдан қувиб чиқарилиши	1388
Амир Темурнинг «Беш йиллик юришлари»	1392 — 1396
Амир Темурнинг Ҳиндистонни забт этиши	1398
Амир Темурнинг «Етти йиллик юришлари»	1399 — 1404
Амир Темур билан Йилдирим Боязид тўқнашуви (Анқара ёнидаги жанг)	1402

**Темурийлар давлати тепасида:**

- |                    |               |
|--------------------|---------------|
| Шоҳруҳ ибн Темур   | (1409 — 1447) |
| Улуғбек ибн Шоҳруҳ | (1447 — 1449) |

Абу Саид ибн Султон Мұхаммад	(1458 — 1469)
Мовароуннахрда (пойтахти Самарканд)	
Халил Султон	(1405 — 1409)
Улуғбек	(1409 — 1449)
Абдулатиф	(1449 — 1450)
Абдуллоҳ Мирзо	(1450 — 1451)
Абу Саид ибн Султон Мұхаммад	(1451 — 1469)
Султон Аҳмад ибн Абу Саид	(1469 — 1494)
Султон Маҳмуд ибн Абу Саид	(1494 — 1498)
Султон Али ибн Султон Маҳмуд	(1498 — 1500)
Ҳуросонда (пойтахти Ҳирот) :	
Шоҳруҳ	(1396 — 1447)
Улуғбек	(1447 — 1449)
Абулқосим Бобур	(1449 — 1457)
Абу Саид ибн Султон Мұхаммад	(1458 — 1469)
Султон Маҳмуд ибн Абулқосим Бобур	(1457 — 1459)
Султон Ҳусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро	(1470 — 1506)
Бадиуззамон ибн Султон Ҳусайн	(1506 — 1507)

Хиротда Шоҳруҳ номига хут- ба ўқилиши	1405 йил 1 март
Самарқандда Ҳалил Султон тахти эгаллаши	1405 йил 18 март <i>NM</i>
Хоразмни Идиқу Ўзбек босиб олиши	1406 <i>JOC</i>
Шоҳруҳ ва Ҳалил Султон тўк- нашувлари	1406 — 1409
Ҳалил Султоннинг амир Ху- дайдод Ҳусайнга асир ту- шиши	1409 йил 30 март
Шоҳруҳнинг Самарқандни оли- ши, Улуғбек Мовароуннаҳр тахтига ўтириши	1409 йил май
Улуғбекнинг Оқ Ўрдага юри- ши ва Шарқий Туркистон- ни қўшиб олиши	1416
Самарқандда Улуғбек томони- дан «Дор ул-илм» — Са- марқанд академиясига ас- ос солиниши	1429
Улуғбекнинг ўлдирилиши	1449 йил 27 октябрь
Абдуллатифнинг қатл этилиши	1450
Ҳусайн Бойқаро Ҳурросон тах- тини эгаллаши	1470
Алишер Навоий вазир лаво- зимида	1472 — 1476

Бобур Захриддин Мұхаммад— темурий хукмдорларининг сүнгги намояндаларидан би- ри, подшох, шоир	1483 — 1530
Мирзо Умаршайх вафоти ва Бобурнинг Фарғона таҳти- га ўтириши	1494
Бобурнинг Самарқандга юриш- лари	1497 — 1500
Бобур Қобул ҳукмдори	1504
Бобурнинг И smoил Сағовий билин иттифоқи ва Самар- қандни сүнгги бор ишғол қилиши	1510
Бобурнинг Шайбоний Убай- дулла Султондан мағлу- бияти	1512
Бобурнинг Ҳиндистонга юри- ши (Дехли яқинидаги По- нипат жанги)	1526
Абулхайрхоннинг кўчманчи ўз- беклар давлатига асос со- лиши	15- аср ўрталари
Абулхайрхоннинг Сирдарё бў- йидаги бир қанча шаҳар ва қалъаларни босиб олиши	1446 — 1448
Абулхайрхон вафоти ва кўч- манчи ўзбеклар давлати- нинг қулаши	1468
Мұхаммад Шайбонийхон то- монидан кўчманчи ўзбек- лар давлати тикланиши	1480 — 1485
Шайбонийхоннинг Самарқанд- ни олиши	1500

\* \*

\*

Шаҳрисабзда Оқсаройнинг қурилиши	14- аср охири 15- асрнинг боши
Туркистонда Аҳмад Яссавий макбараси қурилиши	14- аср охири 15- аср боши
Самарқандда Бибихоним масжиди қурилиши	1399 — 1404
Бухорода Улуғбек мадрасаси қурилиши	1417
Самарқандда Улуғбек мадрасаси қурилиши	1417 — 1420
Фиждувонда Улуғбек мадрасаси қурилиши	1432 — 1433
Шаҳрисабзда Кўкгумбаз масжиди қурилиши	1435
Улуғбек расадхонасининг куриб битказилиши	1424 — 1429
Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асари битилиши	1437

\* \* \*

\*

- Козизода Румий Салоҳуддин  
Мусо ибн Муҳаммад ибн  
Маҳмуд — математик ва  
астроном 1360 — 1437
- Шарафуддин Али Яздий — та-  
рихчи ва шоир, «Зафарно-  
ма» (1419 — 25) муаллифи  
? — 1454
- Иbn Арабшоҳ Шиҳобуддин Аҳ-  
мад ибн Муҳаммад ибн Аб-  
дуллоҳ ибн Иброҳим — араб  
тариҳчisi. «Темур ҳакида-  
ги хабарларда тақдир ажо-  
йиботлари» асари машҳур 1388 — 1450
- Клавихо Руи Гонзалес — ис-  
пан сайёхи. Амир Темур са-  
ройига элчилар бошлиғи си-  
фатида келган. «Буюк Те-  
мур тарихи» асарининг му-  
аллифи ? — 1412
- Улуғбек Муҳаммад Тўрғай —  
Мовароуннаҳр ва Ҳуросон  
хукмдори, буюк олим, маъ-  
рифатпарвар 1394 — 1449
- Али Қушчи Алоуддин Али ибн  
Муҳаммад — машҳур аст-  
роном, математик 1403 — 1474
- Алишер Навоий — узбек ҳал-  
қининг улуғ шоири ва мұ-  
тафаккири, жаҳон адабиётининг буюк сиймоларидан 1441 — 1501

Навоийнинг «Ҳамса» асари би- тилиши	1483 — 1485
Навоийнинг «Ҳазоин ул-Мао- ний» асарига тартиб бери- лиши	1491 — 1496
Хусайн Бойқаро Ҳусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мир- зо Бойқаро—Ҳурросон хукм- дори, ўзбек шоири (таях- луси — Ҳусайний).	1438 — 1506
Коший Ғиёсуддин Жамшид ибн Масъуд—Ўрта осиёлик маш- ҳур математик ва астроном	— 1430
Мавлоно Лутфий — «форсий ва туркийда назири йўқ» шоир (Навоий сўзи) ўз за- монининг «малик ул-кало- ми»	1366 — 1465
Абдурраҳмон Жомий — форс- тоҷик шоири, файласуф, нақшбандийлик тариқати- нинг йирик вакили	1414 — 1492
Абулфазл Самарқандий Абул- фазл Муҳаммад ибн Абду- жалил ибн Абдумалик ибн Али ибн Ҳайдар — таржи- мон ва тарихнавис олим	12- аср
Абдураззок Самарқандий — та- рихчи	1413 — 1482

Хўжа Аҳрор Хўжа Убайдул-  
лоҳ — шайх, нақшбандий-  
лик тариқати раҳнамолари-  
дан. Ўз замонида «валий»  
деб эътироф этилган

1404 — 1490

Беҳзод Камолиддин — машҳур  
мусаввир

1455 — 1535

## МУНДАРИЖА

Сўз боши . . . . .	3
Мовароуннардаги сиёсий парокандалик ва сарбадорлар ҳаракати . . . . .	7
Темур давлатининг ташкил топиши ва унинг ҳарбий юришлари . . . . .	13
Соҳибқирон давлатининг ички ҳаёти. Ҳарбий ислохот .	33
Самарқанд — марказлашган давлат пойтахти . . . . .	46
Европа давлатлари билан элчилик алоқалари . . . . .	55
Темурийлар ва Улуғбек давлати . . . . .	63
Темурийлар давлатининг инқирози . . . . .	76
Темурийлар даврида хўжалик ва ер эгалиги . . . . .	87
Хунармандчилик, савдо ва пул муносабатлари . . . . .	99
Илм-фан ва маданий ҳаёт . . . . .	114
Меъморчилик . . . . .	126
Китоб санъати . . . . .	137
Тасвирий санъат . . . . .	140
Мусика . . . . .	143
Адабиёт . . . . .	144
Мухим воеалар, тарихий шахслар санаси . . . . .	149

А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ

**ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИ**

Қомуслар Бош таҳририяти

Тошкент — 1994

Теришга берилди 13. 06. 94.

Босишга рухсат этилди 20. 07. 94.

Қоғоз бичими 70×90 1|32

Шартли босма табок 10,0.

Нашриёт-хисоб табағи 5,5.

Тиражи 25.000

Буюртма № 498.

Баҳоси шартнома асосида

Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент, 700121, Навоий күнчи, 30-үй.

**КОМУСЛАР БОШ ТАҲРИРИЯТИ:**

Бош мухаррир **Нурислом Тӯхлиев**

Бош мухаррир ўринбосари **Даврон Шораҳмедов**

Масъул котиб **Даврон Раҳимбеков**

Таҳририят мудири **Муроджон Аминов**

Мухаррир **Абдуқаюм Абдураҳимов**

Ишлаб чикариш бўлими бошлиғи **Искандар Ходиев**

Бадиий мухаррир **Асомиддин Бурхонов**